

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

«ПЕДАГОГИКА» КАФЕДРАСИ

ПЕДАГОГИКА

фанидан маърузалар матни

Самарқанд – 2017

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасиздаги мустақил ҳуқуқий, демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги улкан ишлар инсон моҳиятини янгидан кашф қилишга, уни ўзлигини англашда имкониятларни рўёбга чиқаришга ва маънавий интеллектуал, ақлий-амалий ривожланиши учун янги шарт-шароитлар яратиб беради.

Бу ўз навбатида инсоният яратган маънавий-илмий бойликларга, инсоннинг ўзига янгича муносабат, ёндашувни юзага келтирди. Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек: “Фуқаролар энди ижтимоий-иқтисодий жараёнларни иштирокчиси, бажарувчиси эмас, балки бунёдкори ва ташкилотчисидир”. Бундай янгича ёндашишлар педагогика фанининг объекти ва предметини кэнгайттирди. Энди педагогика фани фақат таълим-тарбия жараёнини назарий, методик-амалий таъминловчи фан эмас, комил инсон шаклланишини, ривожланишини таъминловчи кэнг соҳаларни ўз ичига олади. Шунинг учун кадрлар тайёрлаш миллий дастуридаги миллий таъминот мақсадида шахсга кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти сифатида қаралади. Маълумки, педагогика фани тарбия ва таълимнинг инсон ривожи, шахс камоли ва мутахассис шаклланишида таълим тизими ўз ичига олмайдиган этник, антропологик, генетик, тарихийлик, мустақиллик, табиий-экологик, интуитив, руҳий-ҳиссий билиш, ривожланиш, комиллик омилларига ҳам суянади. Бундан ташқари педагогика фани олдига янгича фикрлаш, янгича тафаккур, миллий мафқуранинг кэнг қамровли сифатларини шакллантириш вазифалари қўйилди.

Энди педагогика таълим-тарбияда, ҳаёт жараёнининг ҳамма соҳаларини, жабҳаларини қамраб олмаса, у ўзининг комил инсон тарбиясидаги жуда катта асосий имкониятларига ега бўлган асосий ижтимоий фан мавқеини егаллай олмаган бўлади. Шунинг учун ҳам янги таълим концепсиясида ва мутахассислар тайёрлаш миллий дастурида таълим ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналиши қилиб белгиланди.

Педагогика фанининг методологиясида, мазмунида, тарбия назариясида, таълим назариясида, таълимнинг ташкилий шаклларида комиллик даражаси сифатларини аниқлашда катта ислоҳий ўзгаришлар бўлди. Бу ўзгаришлар янги педагогик технологияларда ўз асосини топиши лозим.

Президентимиз И.А.Каримов ўзларининг “Миллий мафқурамиз халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат қилсин” номли “Тафаккур” журналининг (2 сон, 1998 й) бош муҳаррири билан бўлган мулоқотида, 2000 йил июн ойида “Фидокор” газетасининг муҳбири билан “Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман” номли мулоқотларида инсонни маънавий-амалий шаклланишида ҳаётий жараённинг ҳамма жабҳалари моҳиятли эканлигини асослаб берди.

Педагогика ҳақли равишда табиатнинг олий маҳсули- инсоннинг маънавий-амалий шаклланиши, унинг шахс сифатида ривожланиши, комил

инсон шаклланиш қонуниятларини, мутахассислик асосларини ўргатувчи устувор фанлардан бирига айланди.

Инсоният ўзлигини англашга янгича ёндашиш фақат унинг ўзига, жамиятга, табиатга муносабатларида эмас, балки унинг фаолиятида илмий-амалий, ислохий ўзгаришлар содир бўлиб, у янгича фикрлаш асосларини егаллашга қадам қўйди.

Шу тариха инсоният тараққиётида янги сифат ўзгаришлари юз бераётганининг шоҳиди бўлмоқдамиз. Педагогиканинг методологик асосланишидаги ўзгаришларни талабалар яхши егаллаб, янгича фикрлаш асосларини яхши егаллашлари, бой тарихий-тарбиявий меросни ватанимиз ва хориж педагогларининг илғор тажрибаларини ўрганиб, замонавий маънавий-инсоний ва ижодий-махсулий сифатларни ўзларида шакллантиришлари лозим.

Бизнингча, олий ўқув юртлари учун педагогика курсини ўқитишни қуйидаги талаблар асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Фан асосларини онгли егаллашни ва талабаларнинг интеллектуал-маънавий ривожланишлари билан қўшиб олиб боришнинг педагогик асосларини очиб бериш.

2. Талабаларни инсоният еришган бой қадриятларга, миллий ғоя ва миллий мафкурага суянган ҳолда педагогика фанининг ўзига хос илмий-амалий асослари билан қуроллантириш.

3. Бола, ўқувчи, талаба тушунчаларини абстракт ҳолда эмас, балки асосий маънавий-сифатларини таърифлаган ҳолда, бу сифатларни ёшга, философик, физиологик, психологик ва генетик асосларга боғлиқ ҳолда шакллантиришнинг педагогик асосларини ишлаб чиқиш. Бу ишни ҳар бир фан ва фанлар гуруҳларининг тарбияловчи, ривожлантирувчи томонларини очиш орқали амалга ошириш. Бунда халқ педагогикаси ва этнопедагогикадан кэнг фойдаланиш.

4. Кадрлар тайёрлаш миллий моделини ҳаётга жорий қилиш учун талабаларни фан ва ўқув фанлари қурилишининг умумпедагогик амалий асослари билан қуроллантириш. Талабаларда таълим, фан, ишлаб чиқаришни самарали интеграциялаш механизмлари, мазмуни ва усулларини шакллантириш мақсадида ўқитишни илмий тадқиқот билан қўшиб олиб бориш, фанлар бўйича ҳар бир тушунчани ўзлаштиришда амалий, амалий-назарий машғулотлар узвийлигининг педагогик негизларини шакллантириш лозим.

5. Олий ўқув юртларида ҳар бир ўқув фанининг алоҳида соҳа сифатида ривожлантиришни педагогик таъминлаш учун талабаларни ижодий фикрлаш методлари, мутахассислик педагогикаси асослари билан қуроллантириш.

Олий ўқув юртини тугатувчи мутахассис келажакда фақат мактаб, олий мактаб ўқитувчиси ёки илмий ходимгина бўлиб қолмасдан, маънавий-интеллектуал етук шахс бўлиб етишишини таъминлаш учун педагогика фани талаба кўз ўнгида мустақил фан сифатида шаклланидиган қилиб тузилган.

ПЕДАГОГИКАНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1-МАВЗУ: Педагогиканинг предмети, мақсад ва вазифалари

Reja:

1. Педагогиканинг асосий категориялари ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги
2. Педагогика фанлари тизими
3. Педагогика фанининг бошқа фанлар билан алоқаси
4. Педагогиканинг ilmiy tadqiqod metodlari

Бой маънавий кадриятларимизга муносабатни белгилашда Президентимиз И.А.Каримов мақсад, фақат илмий маданий меросни ўрганиш эмас, балки бетакрор хазинамизнинг илмий, амалий тамойилларини янги даврга хизмат қилувчи қирралари, ҳикматларини очиш, уларни ҳаётга тадбиқ қилишдан иборат эканлигини мустақиллигимизни илк кунлариданоқ белгилаб берган эдилар.

Президентимиз томонларидан маънавиятни иқтисоддан устувор деб эълон қилиниши миллий давлатчилигимизнинг, миллий мафкурамизнинг асосини ташкил қилувчи улуғвор миллий ғоя эди. Бу миллий ғоя чуқур илмий асосларга ега бўлиб, жуда тўғри танланганлигини дунёвий, диний фанлар ва ҳаёт исботламоқда ҳамда бутун дунё ҳамжамияти тан олмоқда.

И.А. Каримов миллий ғоя, миллий мафкура ҳар кунги ҳаёт шароитларидан келиб чиқиши билан бирга ҳар бир фуқаронинг, давлатнинг, миллатнинг истиқболидан ҳам келиб чиқишини «Фидокор» газетасининг муҳбири билан (2000, июн) «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман» номли мулоқотларида баён қилган эдилар. Чунки мафкура – жамиятда яшайдиган одамларнинг ҳаёт мазмуни, уларнинг интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Ҳар қандай инсон, табиийки, мурод-мақсадсиз яшай олмайди. Бинобарин, токи ҳаёт мавжуд экан, мамлакатлар, давлатлар ва уларнинг манфаатлари бор экан, улар ўз тараққиёт йўлини, ертанги кун уфқларини ўзининг миллий ғояси, миллий мафкураси орқали белгилаб олишга интилади. Президентимизнинг бу фикрларини ғоя, мафкура, миллий ғоя, миллий мафкура, маънавият атамаларининг етимологиялари ҳам тасдиқлаб беради.

Маънавият – араб тилидаги “маъно” ёки “маънавиятун”, “маънои ғоя” сўзларидан олинган бўлиб, “**рухий ҳолат**” деган маънони англатади.

Ғоя-инсонларнинг эзгу ниятлар, фикри асосидаги амалга оширилаётган жараёнлар, ишлар, истиқбол режалари, тамойилларидан иборат.

Мафкура – муайян тузум даврида инсонларни давлат, жамият ўз-ўзига, халқи, оламга муносабатлари ва улар ривожининг маънавий-илмий тизимидан иборат.

Миллий мафкура – халқимизнинг маънавий-илмий менталитети, ғоялари асосидаги амалга оширилаётган ишлар, жараёнлардаги тутаётган йўли, давлатга, жамиятга, оламга, ўз-ўзига, тараққиётга муносабатлар тизимидан иборатдир.

Мақсадимиз аниқ- мустақил, ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти асосида халқимизни фаровон ҳаётга ериштириш, шу

мақсадга еришиш йўлида фикр эркинлиги, фаолият озодлиги асосида инсоннинг асл қадри моҳиятни рўёбга чиқара бориб, “инсон хазинасини очиш”. Бу ҳақда Президентимиз И.А.Каримов “Фидокор” газетаси (июн, 2000) мухбирининг саволларига жавобларида шундай деган эдилар: **“Ўз мустақил фикрига ега бўлган, ўз кучига, ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига ишонган инсон доимо келажакка ишонч билан қарайди”**. У жамиятдаги фикрлар хилма-хиллигидан чўчимайди, балки замонавий билим ва фалсафий қарашларига, ҳаёт ҳақиқатига суянган ҳолда, ҳар қандай ғаразли ният, таҳдид ва интилишларни фош қилишга қодир бўлади. Фикр ва фаолият эркинлиги аслида инсоннинг нодир ва бетакрорлигига асосланган. Чунки инсоннинг ўзлигини англаш, уни нодир ва бетакрорлигини англашдан бошланади. Инсоннинг нодир ва бетакрорлигини англаш биринчидан, унинг ўзида яширинган имкониятларни рўёбга чиқариш учун асос бўлиб, истакни шакллантирса, иккинчидан, унда бошқаларни ҳам бетакрор, улуғ сиймолигини англаш орқали инсонларни ҳурмат қилиш, улуғлашни келтириб чиқаради. Учинчидан, бошқаларнинг ҳам нодир, бетакрорлигига ишониш, уларни ҳурматлаш қалбни ғараздан поклайди. Тўртинчидан еса, ҳар бир кишининг бетакрорлигини англаш асосида кишиларда бошқалар билан муомала ва муносабатнинг моддий, илмий, маънавий-маданий манфаат касб етишни инсоният ижтимоийлигига табиий зарурат туғилади. Шу юқоридаги сифатларнинг шакллана бориши комиллик сифатларининг асосларидан иборатдир.

Комиллик сифатларини тўлақонли шакллантириш учун еса фақат насиҳатлар, даъватлар етарли эмас. Инсоннинг маънавий фаоллиги амалий-касбий фаоллиги билан уйғунлашганда баркамоллик сифатлари табиий шаклланади, ривожланади. Айнан ана шу юқоридаги тушунчаларни тўғри англаш таълим-тарбиянинг методологик асосларини тўғри танлашга ёрдам беради. Чунки таълимнинг субъективлик, демократик, ҳуқуқий, инсонпарварлик асослари инсонларнинг нодир, бетакрорликларини рўёбга чиқаришдир.

ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ АСОСИЙ КАТЕГОРИЯЛАРИ

Педагогиканинг асосий категориялари ва

уларнинг ўзаро алоқадорлиги

Педагогика назарияси ва амалиётида педагогика фанининг асосий тушунчалари ўзаро ўзвий боғланган бўлиб, ягона педагогик жараёни ташкил этади. Улар асосан қуйидагилардан ташкил топади: билим, кўникма, малака, тарбия, маълумот ва шахсни шакллантириши сингарилардан иборат. Буларнинг ҳар бирига алоҳида тухталамиз:

Билим –одамларнинг ижтимоий тарихий амалиёт жараёнида тўпланган, умумлашган тажрибасидир. Ёки билимлар бу ижтимоий тарихий онг, инсониятнинг ижтимоий тарихий амалиёти ҳосиласидир. Билимлар инсоният томонидан ишлаб чиқариш фаолиятини фаол ўзлаштириши жараёнида тўпланган, амалда синовдан ўтган ва объектив дунёни чуқурроқ англашга ҳамда ўзлаштиришга йўналтирилган табиат,

жамият, тафаккур ва фаолият усуллари қонуниятлари ҳақидаги илмий тушунчаларнинг яхлит асосланган мажмуасидир.

Таълим жараёнида ўқувчилар билимлар тизимини эгаллабгина қолмайдилар, балки бир қанча кўникма ва малакаларни ҳосил қиладилар. (Давидов В.В)

Кўникма – мактаб ўқувчиларининг олган билимларига асосланиб, қуйидаги вазифаларни ва шартларга биноан, бажариладиган ҳаракатларнинг йиғиндисидир. Кўникмалар:

1. Ўқув кўникмалари
2. Нутқий фаолиятга оид кўникмалар
3. Бадиий фаолиятга оид кўникмалар
4. Муомила ва ўзини тутиш кўникмалари
5. Меҳнат кўникмалари
6. Касбга оид кўникмаларга бўлинади.

Малака—онгли, хатти-ҳаракатнинг автоматлаштирилган таркибий қисми. Ёки малака – фаолият жараёнида унинг бирор бир элементини (онгнинг энг кам назорати остида) бажариш қобилиятидир. Кўникма, малакалар мақсадга йўналтирилган фаолият жараёнида шаклланади.

Таълим жараёнида билимлар, кўникма ва малакалар боғлансада, аввалгидай билимлар етакчи рол уйнайверади. Чунки ўқувчилар билимлар асосидагина кўникма ва малакаларининг маълум даражасини эгаллайдилар.

Инсон иши билим билан бошланса,

Наинки иш қилса тилакка етади

деган **Ю.Х.Хожиб**

Муқаддас “Авесто” да: одамларга ва уларнинг авлодларига бахт-саодат келтирадиган таълимни амалга оширсинлар деб таъкидланган. Демак жамиятни ёш авлодга таълим бериш илгаридан ҳал қилувчи омил ҳисобланган.

“Илм инсон учун ғоят олий ва муқаддас фазилатдир”. Илмсиз инсон мевасиз дарахт кабидир деб таъкидлайди А.Авлоний. “Бешиқдан қабргача илм изла”, “Ёшлиқда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир” дейилган ҳадисларда. Илмни аввал ўрганиб, сўнг бошқаларга ўргатмаслик гўёки молу дунёни йиғиб, уни сарф қилмай, кўмиб қўйиш билан баробардир.

Таълим – махсус тайёрланган кишилар раҳбарлигида ўтказиладиган, ўқувчиларни билим, кўникма, малакалар билан қуроллантириладиган, шунинг билан уларнинг билиш қобилиятларини ўстирадиган, дунёқарашини таркиб топтирадиган жараёндир. Тарбия эса бола туғилган вақтдан бошланиб, мактабни битиргандан кейин ҳам давом этадиган адабий жараёндир. Тарбия деганда олинган билимлар, ҳаётий тажрибалар асосида кишида дунёқараш ва шу асосда хулқ-атворнинг таркиб топишига тушунилади.

Маълумот – таълим-тарбия натижасида олинган ва системалаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакалар ҳамда таркиб топган дунёқарашлар мажмуи.

Шундай қилиб, инсон ҳақидаги фанлар тизимида педагогиканинг тутган ўрни шу билан белгиланадики, у шахсни ривожлантириш, шакллантириш, тарбиялаш, маълумотли қилиш ва ўқитиш қонуниятларини тадбиқ қиладиган фан деб таърифлаш тўғри бўлади.

Педагогика фанидаги асосий тушунчалар, уларда акс этадиган ҳодисалар каби, бир-биридан ажралмасдир, улар бир-бири билан чирмашиб кетган, қисман бир-бирига мос келади ҳамда ягона ва бир бутун педагогик жараёнда ўзаро боғланган бўлади. Ҳар қандай фаннинг ажралиб туриши ва нормал фаолият кўрсатиши учун унинг ўзида хусусий тушуниши аппарати мавжудлиги, муқаррар шарт бўлиб ҳисобланади. Тарбия, таълим ва ўқитиш фани сифатидаги педагогиканинг асосий тушунчаларидир. Тарбия ижтимоий муносабатнинг шундай бир турики, унда шахсни йўналтирилган ҳолда шакллантириш мақсадида бир хил тоифадаги бошқа бировларга таъсир ўтказади.

Педагогика – тарбия назарияси ва санъати ҳақидаги фан. Янги кишининг дунёга келиши фақат туғилишдан иборат жисмоний ҳодиса эмас. Бола туғилгандан кейин ўз замонасининг ижтимоий тараққиёт даражасига кўтарилиши, мавжуд ижтимоий-тарихий тажрибани эгаллаши, ижтимоий муносабатлар тизимида ўз ўрнини белгилаб олиши, тарихий жараённинг фаол иштирокчисига айланиши, яъни тарбия олиши керак. Демак, тарбия ҳамма вақт мавжуд бўлган жамиятнинг (ҳаётнинг) доимий ва энг зарур функциясидир. У қийин ва мураккаб мақсадга фақат тарбия билангина эришиш мумкин. Мазкур муаммони илмий ҳал қилиш учун шу давргача яшаб ижод этган буюк пелагогларнинг шу соҳадаги илмий меросига таянишимиз шарт.

Тарбиянинг жамият ва ҳар бир инсон ҳаётидаги ижтимоий аҳамияти ҳақида буюк ўзбек педагоги А.Авлоний «Ал-ҳосил, тарбия бизлар учун – ё ҳаёт,-ё мамот,-ё нажот,-ё ҳалокат,-ё саодат,-ё фалокат масаласидир» тарзида таърифланган. Демак, тарбия биз учун ҳамма нарсага эришишни таъминловчи қудратли куч экан. Бунда тарбиячининг ўз олдига қўйган мақсади ҳал қилувчини англаш даркор.

«Тарбия ишида ўз-ўзини такомиллаштириш жараёнига катта ўрин берилмоғи лозим. Инсоният фақат мустақил ўрганиш туфайлигина тараққий этган»– деган Г.Спенсер. “Тарбия аввало ўқитувчи билан болаларнинг доимий маънавий муносабатидир” – деган Сухомлинский.

Қадимги шарқ мақолларидан бирида шундай дейилган: “Агар ўзингни бир йилга таъминламоқчи бўлсанг шоли эк, ўн йилга таъминламоқчи бўлсанг дарахт эк, юз йилга таъминламоқчи бўлсанг одам тарбияла”

Машҳур педагог К.Д.Ушинский “Тарбия санъати шундай хусусиятга эгаки, деярли барчага таниш ва тушунарли, баъзиларга эса жуда осон иш бўлиб туюлади – одам бу иш билан назарий ва амалий жиҳатдан қанчалик кам таниш бўлса, унга бу шунчалик тушунарли ва осон бўлиб кўринади. Деярли ҳамма тарбия сабр-тоқатни талаб этишни эътироф қилишади, айримлар бунинг учун туғма қобилият ва малака яъни кўникма керак деб уйлайдилар: лекин жуда кам одам сабр-тоқат туғма қобилият ва малакадан ташқари яна махсус билимлар кераклиги ҳақида ишонч ҳосил қилишади” –

деб жуда ўринли таъриф берган эди. Ҳақиқатан ҳам тарбия жараёни сабр-тоқат, баъзилар туғма қобилият, кўникма ва малакадан ташқари махсус билимлар кераклигини кўпчилик билишмайди. Бунинг учун олийгоҳда ана шу махсус билимларни эгалаш ниҳоятда муҳимдир. “Инсон инсон қилиб етиштирувчи нарса тарбиядир” – деган Демокрит.

Тарбия шахсни шакллантириш омилларидан биридир. У шундан иборатки, кишилар турли воситалар билан маълум бир мақсадга ўз тарбияланувчиларида маълум ҳолатни ҳосил қилиш ва ривожлантиришни хоҳлайди. Тарбия шахсни шакллантиришнинг бошқа омилларидан сифат жиҳатдан шу билан фарқ қиладики, тарбиячи ўз олдига онгли суратда маълум бир мақсад қўяди ва шу мақсадига эришиши учун интилиб, уни амалга ошириш воситаларини топади. Шундай қилиб, тарбия шахсининг муайян йўналишида шакллантириш мақсади билан турли одамлар бири-бирига таъсир кўрсатадиган ижтимоий муносабатлардир.

Тарбиянинг негизини ташкил этадиган қонуниятларни билиш бугунги кунда одамлар билан (яшайдиган) ишлайдиган ҳар қандай мутахассиснинг ишчанлик малакасини билдирадиган белгиларидан бўлиб қолмоқда.

Тарбия ҳамма нарса тарбиячининг шахсига асосланиши керак. “Шахсининг ривожланиши ва шаклланишига фақат шахс таъсир кўрсата олади, характерни фақат характер воситаси билан вужудга келтириш мумкин” – деган эди Ушинский. Ҳақиқатни ҳам одам одамга қўйган мақсад асосида ўқувчиларга, ёшларга ўз характери билан, характерни шакллантиради.

Юқорида асосланган педагогика фанининг асосий категориялари ўзаро узвий боғлиқ ҳолда олиб борилиб баркамол инсон шакллантирилади. Демак, тарбия жараёни умуминсоний миллий ва ҳар бир шахсининг ўзига хос қобилиятларини ривожлантирувчи ижтимоий жараёнлардир деб хулоса чиқариш мумкин.

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ТИЗИМИ

Педагогика фанининг тадқиқ қилиш объекти, ва у ўрганадиган соҳалари йилдан-йилга ортиб, кэнгайиб ва ривожланиб бормоқда. Натижада унинг тармоқлари ҳам бир неча гуруҳларга ажралмоқда ва мустақил соҳа сифатида ўрганилмоқда. Улар педагогика фанлари тизими деб номланади.

Педагогика фанини улкан катта дарахтга қиёслаш мумкин. Ҳар бир фан ўз ривожланишида, ўз назарияларини бойитади, ўзининг ички амалий йўналашларига таяниб такомиллашиб боради. Ҳозирги вақтда педагогика фани ўз фанлари тизимига эга. Улар:

1. **Педагогика** (инсонга, шахсга таълим тарбия, маълумот бериш шакли, мазмуни, усуллари ва уларни шакллантиришнинг, тарбиялашнинг умумий қонуниятларини тадқиқ қилади ва амалиётда қўллашга ўргатадиган);

2. **Ёшлар педагогикаси** (турли ёшдаги кишиларга таълим тарбия бериш, шахсни шакллантиришнинг ўзига хос томонларини ўрганади);

3. **Мактаб педагогикаси** (мактаб ёшдаги ўқувчилар таълим тарбия соҳасининг ўзига хос томонларини ўрганади);

4. **Мактабгача тарбия педагогикаси** (мактабгача ёшдаги болаларни ўқитиш, тарбиялашнинг ўзига хос томонларини);

5. **Педагогика тарихи** (турли тарихий даврларда мактаблар таълим тарбияси, педагогик ғояларнинг мазмуни, ривожланиш масалаларини);

6. **Махсус педагогика** (Дефектология) бу ҳам куйидаги гуруҳларга бўлинади: кар-соқов болаларни тарбиялаш ва ўқитиш масалалари билан сурдопедагогика; кўзи кўр ва хира кўрадиган болаларни тарбиялаш ва ўқитиш масаласи билан типлопедагогика; ахлоқан жихатдан қолоқ болаларни тарбиялаш ва ўқитиш масалалари билан олигофреннопедагогика; дудуқ ва тили ясси болаларни тарбиялаш ва ўқитиш масалалари билан эса логопэдия шуғулланади;

7. **Методика** (таълимнинг умумий қонуниятларини муайян предметларидан (яъни она тили, адабиёт, тарих, физика, химия, математика, жисмоний тарбия) дарс беришда қўллашнинг ўзига хос хусусиятларни, усулларини тадқиқи қилувчи соҳаси);

8. **Оила педагогикаси** (оила муҳити, аъзолари, шароити, таълим тарбиясининг умумий масалаларини);

9. **Касб педагогикаси** (ишлаб чиқариш), (турли касбларнинг ўрганишнинг умумий масалаларини);

10. **Қиёсий педагогика** (Ғояларни таққослаб хулоса чиқариш масалалари);

11. **Халқ педагогикаси** (мазкур халқи таълим тарбияси, мактаби, ижтимоий турмуш тарзи, маданияти, маънавияти, ахлоқ одоби сингариларни);

12. **Ижтимоий педагогика** (барча ёшдаги фуқароларни тарбиялашнинг замаънавий имкониятлари, воситалари ва манбаларини);

13. **Тиббиёт педагогикаси;**

14. **Ҳарбий педагогика;**

15. **Раҳбарлик педагогикаси;**

16. **Меҳнат педагогикаси сингари тармоқлари мавжуд.**

Педагогика фанининг бошқа фанлар билан алоқаси

Тарбиянинг моҳиятини илмий асосда тушуниш учун аниқ тарихий шариатда унинг тараққий этиши қонуниятларини билиш зарур. Шунинг учун педагогика ижтимоий фанлардан бири сифатида ижтимоий фанлар билан яқин алоқада ривожланиб боради. Тарбия мақсад ва вазифаларини инсон шахсининг ҳар томонлама ривожланиш қонуниятларини ишлаб чиқариш жараёнида тарих, фалсафа, иқтисод, социология, этика, эстетика, умумий психология, ёш психологияси, педагогик психология, касб психологияси, оила психологияси, ижтимоий психология, одам психологияси, ҳарбий психология, болалар физиологияси ва гигиенаси, пэдиатрия, мэдицина, кибернетика ва бошқа фанлар билан алоқа қилади. Психология фани билан алоқасини таҳлил қиламиз. Педагог ўқувчиларга таълим-тарбия беришда уларни сезгиси, идроки, тасаввур, диққат,

тафаккур ва хотираси каби психик жараёнларни билиш даркор. Шунинг учун педагогика фани психология фани билан алоҳида иш олиб боради. Ҳар бир фан ўз ривожланишида ўз назарияларини бойитишда ўзининг ички илмий йўналишларига таяниб, такомиллашиб боради. Ҳозирги даврда умуминсоният томонидан яратилган билимлар ва келажак ҳақида ахборот, маълумот берувчи турли фанлар муайян даражада педагогика фани учун манба бўлади. Бошқа фанлар каби педагогика ҳар бир инсоннинг умумий камолатига хизмат қилади. Табиат ва жамият ривожланиши қоидалари тўғрисидаги маълумотларга асосланади ва ўзи ҳам ижтимоий фан сифатида ривожланиб боради.

Ҳар бир ўқитувчи, ўқувчи ўз она юрти тарихини билиши, ватанпарвар бўлиши лозим. Агар ўқитувчи ўз ўқувчисида ҳақиқий ватанпарварни тарбиялаш учун ўз халқини тарихини, турмуш тарзини, маданиятини, маънавиятини қолаверса унинг удум-анъаналари, урф-одатлари ҳақида аниқ маълумотга эга бўлмоғи лозим. Бунинг учун ўқитувчи фақат билимгагина эга бўлмасдан уни ҳозирги кундалик ҳаётга қўлланилишини ҳам удалайдиган бўлмоғи керак. Бу ҳақда мухтарам президентимиз И.А.Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида, “Тарихий хотираси бор инсон-иродали инсон”, “Инсон учун тарихдан жудо бўлиш-ҳаётдан жудо бўлиш демакдир”, “Ҳақиқий тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас” каби фикрлари ниҳоятда муҳимдир. Юқоридаги фикрлар ўқитувчилар олдида тарихни билиш вазифасини кўндаланг қилиб қўймоқда. Масалан, ўтмишда аждодларимизнинг қилган ишлари, фан соҳаларига қўшган улкан хиссаларини тарих фанини уларнинг ҳаёти ва фаолият орқали маълумот оламиз. Мисол учун бобомиз А.Темурнинг “миллат дардига дармон бўлмоқ лозим” сўзининг маъносини англаш бугунги ҳаётимизда талаб қилмоқда.

Фалсафа фани эса педагогика фани учун методологик асос бўлиб хизмат қилади. Чунки, ҳозирги таълим-тарбия назарияси ва амалиёти ютуқлари фалсафий фикрлар кураши ва тарққиётининг маҳсулидир, фалсафа педагогикани илмий усуллар билан қуроллантиришни, таълим-тарбиянинг объектив қонун қоидаларини ишлаб чиқаришга манба бўлади.

Этика ва эстетика фанлари педагогиканинг тарбия назарияси бўйича маълумот беради. Бу фан ўқувчининг ҳуқуқи, одоби меъёрларини аниқлаш, белгилаш ҳамда гўзалликни ҳақиқий тушунтириш ва кундалик оилавий, ижтимоий қўллашга ўргатади. Шунинг учун ҳам педагогика, эстетика ва эстетика фанлари билан яқин алоқада ишлайди.

Одам анатомияси ва физиологияси, мактаб гигиенаси сингари фанлар билан шунинг учун алоқа қиладики, ўқитувчи ва ўқувчи организмнинг анатомиясини яъни тузилишини, ҳар бир органнинг бажарадиган функцияларини илмий асосда билиш шарт. Анатомиё ва физиология ана шу маълумотларни ўқитувчига беради. Ўқитувчи эса ўқувчиларнинг бош мияси иш фаолиятида ва унга тушадиган ақлий зўриқишларни билиши даркор. Мактаб гигиенаси фани эса болага ўқиши, ёзиши учун синф хоналарида ёруғлик миқдори, парталарнинг размери ва ҳоказоларни

ўқувчиларга ўргатади. Бу эса ўз навбатида педагогика фанининг гигиена фани билан узвий алоқада бўлишини тақоза этади.

Умуман, педагогика фани ўз олдидаги мақсад ва вазифаларни ҳал этишда бошқа фанлар ютуқларидан фойдаланмасдан иш олиб бориш мумкин эмас деган хулосага келиш мумкин.

Илмий тадқиқот методлари.

Ҳар бир предмет унинг методлари билан чамбарчас боғланган.

Педагогика ёш авлодни тарбиялаш, билимли қилиш ва ўқитишнинг реал жараёнларига хос бўлган ички алоқа ва муносабатларини текшириш ҳамда билиш усуллари ва воситалари мажмуини тушунамиз.

Фан методлари унинг методологиясига моҳияти ва принципларига боғлиқ бўлади.

Педагогиканинг бундай мустаҳкам ва ишончли фалсафий асоси диалектик методдир.

Педагогиканинг ҳодисаларини ўрганиш ва уларнинг қонуниятларини аниқлаш масаласида бир-бирига қарама-қарши иккита йўналиш метофизик ва диалектик йўналиш мавжуддир.

Метофизиклар педагогиканинг ҳодисалари ва фактларини ўзгармас, вақт, жой ва конкрет шароитлардан ташқари бошқа ижтимоий ҳодисалар билан алоқаси бўлмаган ҳодиса сифатида олиб қарайдилар.

Диалектик метод эса метофизика талқинига қарама-қарши ўлароқ, ўқитиш, билим бериш, тарбиялаш жараёнларини ва уларнинг моҳиятларини қуйидагича ўрганишни талаб этади:

1. Уларнинг умумий алоқаси бир-бирини тақоза этиши ва ўзаро таъсир жараёнида болаларни тарбиялаш, ўқитишнинг турмуш, сиёсат, идеология, маданият, фан, ахлоқ, санъат, таълим-тарбия муассасаси тармоқларининг ва ижтимоий, мактаб ва оилавий тарбияларини ўзаро боғлиқлиги ва бошқа.

2. Уларнинг тўхтовсиз ҳаракати, ўзгариши ва тараққий этиши жараёнида ижтимоий ва илмий вазифаларининг туғилиши натижасида келиб чиқадиган ўқитиш ва тарбиялаш вазифалари, форма ва методларининг ўзгариши; тарбиялаш қисқа муддатли ва тез олиб бориладиган иш эмас, балки қийин ва мураккаб жараёндир, болаларни андоза, универсал схема асосида ўқитиш ва тарбиялаш мумкин эмас.

3. Болаларнинг ўсишида миқдор ва сифат ўзгаришлари жараёнида ҳар бир мактаб ёшининг ўзига хослиги, тарбия ва таълим бола шахсининг сифат жиҳатидан ўсиш ва таркиб топиши эканлиги, онг ва ахлоқнинг, сўз ва ишнинг бирлиги ва бошқа мезонлар.

4. Қарама-қарши томонларни, анъаналарни, қарашларни ва фикрларни аниқлаш ва очиш жараёнида тарбия ва таълимда турмуш диалектикасида, янги ва эски ўртасидаги кураш, шахс ва жамоа ўртасидаги қарама-қаршилиқлар ва ҳоказо.

5. Педагогиканинг қонуниятларини объектив ўрганишда диалектика категориялари ҳодиса ва моҳият, сабаб ва натижа, зарурият ва тасодиф, мазмун ва шакл, тарихий ва мантиқий, умумий ва шахсий, асосий ва хусусий, аниқ ва абстрак каби категориялар муҳим аҳамиятга эгадир.

Диалектиканинг юқорида кўрсатилган принциплари асосидаги педагогика ҳодисалари, фактлари ва жараёнларини илмий текшириш, уларнинг тараққий этиш қониниятларини билиш мумкин.

Бинобарин, педагогик тадқиқот методларига объективлик ўқитувчилик педагогик фаолиятини оширишга қаратилган тадқиқот вазифаларининг аниқлиги, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини, болалар психологияси қонуниятларини ҳисобга олиш каби талаблар қўйилади. Лекин, болаларни ўқитиш ва тарбиялаш амалиётининг ўзи ҳамма вақт педагогик тадқиқотларнинг манбаи ҳисобланади. Фақат мактаб тажрибаларигина ҳар бир илмий назариянинг ҳаққонийлиги ҳисобланади.

Тадқиқот методларининг танлаш фаннинг ўзи учун муҳим аҳамиятга эгадир, унинг методлари қанчалик мукамал бўлса, шу фан олдида турган актуал вазифалар шунчалик муваффақиятли ҳал этилади. Ҳозирги педагогик тадқиқотларнинг методлар тизимини тўла ҳал этилган деб бўлмайди.

“Педагогика тажрибасини ўрганишда қуйидаги методлар: кузатиш, эксперимент, суҳбат, ўқувчилар ижодини ўрганиш, тарбия муассасаларини ҳужжатларини ўрганиш турли хилда қўшиб олиб борилиши мумкин”.

1. “Илмий-педагогик тадқиқотнинг асосий методлари кузатиш, суҳбат, текшириш, эксперимент методлари сингари фаолият натижаларини ўрганишдан иборат”

2. Ҳозирги вақтда қуйидаги методлар асосида ишлайди. Булар: педагогик кузатиш, сўраш, ўқувчилар фаолияти натижалари ва ўқув - тарбия муассасалари ҳужжатларини ўрганиш, педагогик эксперимент, моделлаштириш, илғор тажрибаларни ўрганиш ва ёйиш, социологик, математика ва статистика материалларини ишлаш кибернетика, анкета, интервью олиш ва тасвирга олиш сингари методлардан фойдаланилади.

Педагогик кузатиш мураккаб ва махсус хусусиятга эгадир. Бунда кузатилаётган педагогик ҳодисанинг моҳиятини кўра билиш, ўқитувчи ва ўқувчи ҳаракатларининг ўзаро алоқаси диалектикасини, улардан ҳар бирининг индивидуаллигини аниқлай олиш лозим. Ҳар педагог кузатувчан бўлиши айрим ҳодиса ва далилларнинг тавсилотларини пайқай олиш, уларни таҳлил қила билиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Кузатишлар бирор мақсадга қаратилган ҳолда амалий ва системали йўлга қўйилган бўлса, энг керакли далилларни, мазкур кузатишдан ўз вақтида чиқарилган педагогик-психологик хулосаларни ҳисобга олган ҳолда ташкил қилинса, самарали бўлади. Кузатиш таълим-тарбия жараёнини яхшилаш ва такомиллаштириш мақсадида олиб борилиши мумкин. Масалан, ўқитиш жараёнида болаларнинг қандай ўсаётганлиги, дарслар жараёнларида билим бериш ва тарбиялаш вазифалари бирлиги қандай амалга оширилаётганлиги; фан асосларини ўрганишда ўқувчиларнинг тафаккури қандай фаоллашаётганлигини ва бошқалар аниқланади.

Илмий кузатишда баъзан тадқиқотчи чидамсиз, шошқалоқ ва системали иш кўрмаслиги сингари ҳолатларга йўл қўйилса унинг самарадорлиги пасаяди.

Суҳбат методи. Илмий мақсадда олиб бориладиган суҳбатнинг аниқ мақсади, вазифаси, шакли ва уларни ўтказиш методикаси мавжуд. Суҳбатлар индивидуал, гуруҳли ва жамоа турлари бор. Тадқиқотчи суҳбат олиб боришни ва уни керакли мақсадли томонга йўналтира олиши ғоят муҳимдир. Суҳбат олиб борувчи қуйидаги педагогик қоидаларга риоя қилиши шарт:

- а) суҳбат саволларини олдиндан белгилаш;
- б) вақти ва жойини белгилаш;
- в) суҳбат иштирокчиларини белгилаш (сони, миқдори);
- г) қулай шароит яратиб очиқ суҳбатлашиш;
- д) суҳбатдошга ўз фикрини айтишга имкон бериш;
- е) сергак ва бачкана бўлмаслик;
- ж) суҳбатдош ҳақида биографик маълумотга эга бўлиш;
- з) олинган материални ўз вақтида ишлаб чиқиш ва қўшимчалар қилиш.

Суҳбатдан илмий хулоса чиқариш.

Мактаб ҳужжатларини таҳлил қилиш методи. Мактаб ҳужжатларини таҳлил қилиш давлат қонунларининг амалда бажарилиш даражасини, ҳар бир ходимнинг фаоллигини аниқлаш, уларнинг амалий ҳаётдаги фаолиятидаги камчилик ва хатоларни аниқлашга ва уларнинг топширилган иш учун масъулиятини оширишга имкон беради. Мактаб ҳужжатларини; режалаштиришнинг барча турлари; умумий таълимга доир ҳисоб ва ҳисобот; дарс жадвали; ўқувчилар таркиби сони; сифати; таълим-тарбия ишларини тақсимлаш; ўқувчиларнинг делолари; синф журналлари; ўқувчининг кундалик дафтарлари; буйруқлар дафтарлари; педагоглар кэнгаши қарорлари дафтари; мактаб сметаси; мактаб паспорти; инвентарлар дафтари ва ҳоказолар.

Ҳужжатларни таҳлил қилишда ўқувчилар контингентининг ўсиши ва камайиши тавсифига, болаларнинг мактабга кетиб қолишига, уларнинг айримлари ва синф бўйича ўзлаштириш даражасига, рағбатлантириш ва жазолаш чораларини тўғри ташкил қилинишига, мактаб педагоглар таркибига ва мактабнинг ўқув-моддий базасига алоҳида эътибор берилади.

Болалар ижодини ўрганиш методи. Ўқувчилар ижодини ҳамда уларнинг турли фаолиятини (хатлари, кундаликлари, иншо, баён солган суратлари, бажарган амалий ишлари, намуналари, ражалари ва ҳисоботларини) ўрганиши ва таҳлил қилиш педагогик тадқиқотнинг самарали методларидан биридир. Болалар ижодининг аҳамияти шундаки, унда ёш авлоднинг типик лаёқати ва хусусиятлари аниқ очиб берилади.

Бу методни қўллашдан асосий мақсад ҳозирги ёш авлод ижодининг манбалари ва факторларини чуқур бўлишига ҳамда ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг тўғри йўлларини кўрсатиб беришга қаратилгандир. Бизда болалар ижоди шакллари турличадир: олимпиадалар, тематик конкурслар, мактаб кўргазмалари, турли хил мусобақалар, походлар, қувноқ стартлар, зийраклар ва топқирлар, истеъдодлар ва ҳоказолар.

Эксперимент метод. Бу сўз лотинча синаб текшириб кўриш, илмий мақсадга қаратилган тажриба маъносини англатади. Таълим-тарбия

ишларида қўлланиладиган бирор шакл, метод ва воситанинг фойдалилигини аниқлаш ва текшириш учун ўқув юртларида ўтказилади.

Эксперимент методлари шароитига қараб турли хил қўлланилади.

1. Табиий эксперимент (яратувчи, ихтиро қилувчи экспериментлар. Асл ҳолича таълим-тарбия муаммолари маълум, суҳбат, кузатиш ва анкета асосида ўқувчининг ўқиш жараёнида, ўз-ўзини назорат қилиш сингарилар) аниқланади

2. Ўқувчиларнинг онглилигини яратувчи эксперимент. (тадқиқотчи бирор маъно бўйича тахминий режа асосида ўқувчи фаолиятининг ўқув жараёнида ўзини-ўзи назорат қилиш усуллари, йўллари текширилиб маълум бир илмий педагогик хулоса чиқариладиган тажриба дейиш мумкин). Бу методдан чиқарилган хулосалар бошқа ҳамма мактаблар ҳаётига тадбиқ қилиниши учун назорат экспериментидан ўтказдирилади. Чиқарилган педагогик хулоса эса ўз навбатида мазкур масалани ҳал қилишнинг назарияси ва методологияси бўлиб педагогика ютуғи ҳисобланади.

3. Табиий эксперимент бунинг асосчиси рус психологи А.Ф.Лазурский ҳисобланади. Бу методда мактаб фаолияти асл ҳолда ўрганилади. Масалан, мактаб интернатининг тарбиячилари ўқувчиларнинг ўзлари ҳақидаги ғамхурлигини табиий текширишда печда ёқадиган ҳўл ва қуруқ ўтин воситасида аниқланган. Болалар яшайдиган бинода яқин жойда ҳўл ўтин борлиги, узоқроқ жойда қуруқ ўтиндан фойдаланишнинг самарасини текширишни кўрсатиш мумкин. Шундай қилинса натижа ҳақиқий бўлади.

Эксперимент методлари ўз мазмуни, тури ва характерига кўра қуйидаги турларга бўлиниш мумкин: дидактик, тарбиявий, мактабшунослик, чоғиштира педагогика ва ҳоказо.

Илғор тажрибани ўрганиш ва ёйиш методи. Мактаб таълим-тарбиясида назарий асосланиб, тажрибада илғор ўқитувчилар фаолиятида синалиб ўрганишга тавсия қилинган педагогик хулоса дейиш мумкин. Буюк рус педагоги К.Д.Ушинский бу метод ҳақида “ўтказилган, хулоса қилинган асл тажриба тўқхўрисида эмас, балки келинган, узатилган, қилинган фикрдадир”-деган эди. “Передаётся мысль, выведенная из опыта, -но не самый опыт”.

Статистика маълумотларини анализ ва синтез қилиш методи.

Педагогик тадқиқот керакли статистика маълумотларини маълум бир мақсад билан системали ўрганиш ва умумлаштиришсиз амалга ошмайди. Чунки бу маълумотлар жамиятимизда маданият, фан, тарбия ва таълимнинг барқ уриб тараққий этиш қонунларининг ривожланишида муҳимдир. Халқ маорифи бюджетининг ошиши, ўқув юртларида болалар сонининг кўпайиши, мактабдан ташқари тармоқларнинг кэнгайиши, дарсликлар, кўргазмали қуроллар, техника воситаларининг ортиши, ўқитувчи кадрлар тайёрлаши кабилар статистика маълумотлари билан исботланади.

Анкета методи. Анкета французча сўз бўлиб, текшириш деган маънони англатади. Анкета методи ўқувчилардан сўраш методи бўлиб, у

Ўқувчилар таркибининг сифати тўғрисида керакли маълумотларни олиш учун, уларнинг фикрлари ва қарашларини аниқлаш учун, шунингдек касбга йўллашни белгилаш учун маълум бир шаклда ўтказилади. Бу методни қўллашда қуйидаги талабларга амал қилиш керак:

1. Анкеталар ўқувчиларнинг педагогик ва руҳий тавсифини тузишнинг манбаи ва универсал воситасига айлантормаслиги керак.

2. Анкеталар жуда катта ва ноаниқ бўлмаслиги керак.

3. Анкетани ўтказишда болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш ва вақт нормада берилиши керак ва ҳоказо.

Кибернетика методи. Кибернетика грекча сўз бўлиб, ролни бошқараман, идора этаман, бошқариш санъати деган маънони англатади. Кибернетика ишлаб чиқаришни, техникани, тирик организмларни, кишилиқ фаолиятини бошқаришнинг умумий принцип ва воситаларини ишлаб чиқади. Кибернетика мазмунини информация, дастурлаштириш, бошқарувчи тизимлар, модел яшаш сингари асосий назариялар ташкил этади.

Педагогика кибернетика ўқув жараёнини, ўқитиш ва билим бериш жараёнларини бошқаришнинг алоҳида шакли сифатида ўзига хос хусусиятга эга, чунки педагогик жараён билан ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ўртасида жуда катта фарқ бор.

Социологик метод. Юқоридаги санаб кўрсатилган методлар қўллашда тадқиқ қилинаётган ўқувчилар сони чегараланган уларнинг камчилиги ҳам шунда эканлигини билишимиз даркор. Бундай пайтда ўқувчиларнинг кўпчилиги билан оммавий равишда педагогика фанининг у ёки бу муаммосини ҳал этишда социологик методини қўллаш талаб қилинади. Мисол учун мактаб ўқувчилари ўзларининг бўш вақтлардини қандай ўтказишини аниқлаш учун тезликда анкета саволлари асосида сўраш кўплаб ўқувчилардан ўтказилади ва аниқ бир хулосага келинади.

Кейинги йилларда педагогика фанида математик метод ва хусусан статистика материалларини ишлаш методлари кэнг қўлланилмоқда. Масалан; мактабларнинг бирида математика фани бўйича ўқувчиларнинг уй ишларини бажарилиши ўрганилганда ИВ синфда уй вазифаларини мустақил бажариш -80%, ВИ синфда-75%, VIII синфда-55% ташкил қилганлиги аниқланган. Бунинг асосий сабаби нималиги аниқлаш даркор. Бунинг сабаби икки томонлама юз бериши мумкин. Биринчидан, мазкур математика фанининг ўқуа дастури мураккаблашганлигидан ёки шу фанни ўқитиш сифати пастлигидан излаш керак.

Педагогика илмий текширишлари методларидан бири назарий педагогик ғояларни таҳлил қилиш методидир. (Метод теоретического анализа педагогических идей). Бу метод таълим-тарбиянинг чуқур муҳим масалаларини илмий умумлаштириш билан эмас. Балки уни амалга оширишда янги қонуниятларни тажрибага асосланган (эмприк метод) ёрдамида амалга оширилади. Буни қуйидаги мисол билан исботлаш мумкин. Шахсни умумий мақсадли ривожлантириш, шахсни ҳар томонлама ривожлантириш билан ўзаро алоқадорликда амалга ошади. А.С.Макаренко таъкидлаганидек, одам организми алоҳида-алоҳида ҳолда

ривожланмайди, балки барчалари ўзаро узвий боғлиқликда бир вақтда ривожланади деган хулосага келган.

Бундан шундай хулоса чиқариш тўғри бўлади. Тарбия жараёни шахсни ҳар томонлама ривожлантиришини таъминламоғи керак.

Моделлаштириш-бу реал мавжуд педагогика тизимига айнан ўхшаш махсус андоза (модел) ни яратиш, унда бу тизимни ташкил қилиш ва фаолият кўрсатиш принципларини такрорлаган ҳолда унинг моддий ёки ҳаёлий таразда ишлаб кўриш демакдир. Моделлаштириш ёрдамида тизимнинг ушбу аниқ ҳолатда муҳим бўлмаган хусусиятларидан четга чиқиш мумкин. Тадқиқотчи педагог бу методдан фойдаланаркан, айрим хусусиятлар, шакллари ва жараёнларни аналитик тарзда ўрганиш ўрнига назорат қиладиган шароитлардаги яхлит тизимларни синтетик тарзда билиш имкониятига эга бўлади.

Турли фанлардан дарс берадиган ўқитувчилар ўқувчилар билан ишлашда ўз мақсадларига эришишда ўзига хос илмий тадқиқот методларидан фойдаланишди. Масалан, математика ўқитувчиси кибернетика методидан, физика ўқитувчиси ўқувчилар ижодини ўрганиш методидан, химия ўқитувчиси анкета методидан бошланғич синф ўқитувчиси суҳбат методидан фойдаланиб ўз мақсадига эришди.

1. Вазиятни таҳлил қилинг ва уларнинг иш усулларига баҳо беринг?
2. Сиз мутахассис сифатида ўз мақсадингизга қандай илмий тадқиқот методларидан фойдаланган ҳолда эришмоқчисиз?
3. Сиз бу муаммони қандай ижодий ҳал қиласиз?

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Мутахассислар нима учун илмий тадқиқот методларини билишлари керак?
2. Педагогика фани нима учун илмий тадқиқот методларидан фойдаланади ва у қандай муаммоларни ҳал этади? Унинг қандай методологик асоси мавжуд?
3. Фаннинг қандай илмий тадқиқот методлари мавжуд ва уларни педагогик асослаб таҳлил қилинг?
4. Ҳар бир илмий тадқиқот методи қандай мақсадни назарда тутаяди ва унинг бошқа методлардан фарқи нимада?
5. Илмий тадқиқот методларидан қандай фойдаланилади ва уларга қўйиладиган талабларни асосланг?
6. Илмий тадқиқот методларининг педагогиканинг ривожланишдаги амалий аҳамияти қандай?

2-МАНВЗУ: Маърифий қадриятлар ва мақсадлар. Маърифий фикрлар тараққиёти ва уларнинг тарихийлиги

Режа:

1. Энг қадимги даврдан VII асргача таълим-тарбия ва педагогик фикрлар

3. VII асрдан XIV асрнинг биринчи ярмигача мактаб ва педагогик фикрлар тараққиёти

4. XIV – XVI асрларда маворауннаҳрда мактаб ва педагогик фикрлар тараққиёти

5. XVII дан XIX асрнинг биринчи ярмигача хонликларда мактаб ва педагогик фикрлар равнақи

6. XIX асрнинг иккинчи ярми- XX асрнинг бошларида туркистонда мактаб ва педагогик фикрлар тараққиёти

Таянч сўз ва иборалар

Археология, Авесто, Марғиёна, Суғд, Зардуштнома, таълим тарихини акс эттирувчи манбалар, халқ оғзаки ижоди, археологик қазилма материаллар. қомусий олимлар асарлари, биринчи ёзувларнинг юзага келиши. Ислом дини, «Қуръон», инсонпарварлик, маданият, маънавият, Ҳадис, «Ал-Жомеъ ас-саҳих», «Ал-адаб ал-муфрад», «Аш-Шамоили ан-Набавия», Саҳих, шарқ уйғониши, қомусий олимлар, иккинчи муаллим, халифалик. Кўрагон, Соҳибқирон, Қутбиддин, Абдулмансур, тавсир, ҳадис, фикр, мударрис, «Тузуки Темурий», «Молфузоти Темурий», «Ҳафт як», «Чор китоб», мадраса, «Зафарнома», Тўхтамишхон. Жом, Ҳирот, Ҳуросон, Макка, «Тухфат ул-аҳрор», «Сабҳатул аброр», Машҳад, «Фоний», «Маҳбуб ул-қулуб», «Ихлосия», Ироқ, Ҳиндистон, «Рисолат ул-Муфрадот», «Рисола дар ул-нафс», «Ахлоқий Жалолий».

Ҳозирги ўзбек халқининг аجدодлари бир неча аср олдин ҳам юксак маданиятга эга бўлган халқдир. Бунга турли алломаларимизнинг яратган фан соҳасидаги ютуқлари далолат бериб турибди.

Чунончи ерамиздан олдинги даврларда ёзилган ва бизгача етиб келган бир неча асарлари гувоҳлик беради. Жумладан қадимги грек тарихчиси Геродотнинг “Тарих”, Стробоннинг “География”, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғати турк”, “Урхун-Енасой” битиклари ва бошқалар.

Энг қадимги кишиларнинг дастлабки оддий истаклари, орзу умидлари, хислатлари қадимги эпосларда, улардаги афсонавий образлар қиёфасида ўз ифодасини топган руҳга сиғиниш онимизм, аждодлар руҳига сиғиниш тотемизм сеҳргарлик каби диний ётиқодлар ва маъросимлар акс етган афсоналар ривоятларда энг қадимги авлодларимизни тафаккурини акс еттирган педагогика тарихида манбаларни ўрганиш уч манбага асосланганлигини кўрамиз.

1. Халқ оғзаки ижоди материаллари.

2. Буюк адиблари алломаларининг ижодий мероси.

3. Археологик қазилмалар натижаси топилган ашёлар.

Турон худудида ерамиздан олдинги XI-IX асрларда пайдо бўлган Аҳамонийлар, III-аср ўрталарида ташкил топган Грек-Бактрия давлати, ерамизнинг I-асрида Кушонлар давлати V-асрда Ефталитларнинг ҳукмронлиги, сўнгра Сосонийлар ва Турк ҳоконликларини ўз ичига олади. Тарихчи педагогларнинг қайд етишича бу даврдаги инсонларнинг меҳнат фаолияти ёш жиҳатдан уч гуруҳга бўлинган.

1. Болалар ва ўсмирлар.
2. Ҳаёт ва меҳнатда тўлиқ иштирок етувчилар.
3. Кексалар.

Ибтидоий жамият даврида бола ўзи бажарадиган фаолиятида иштирок етиб меҳнат қилишга ўрганганлар.

Уруғчилик жамоаси босқичида тажрибали кишилар болаларни тарбиялаш билан бирга ёзишга ўргата бошлаганлар.

Аста-секин тарбия тизими юзага кела бошлаган ва мактабларда пиктографик ёзув асосида бир-бирларида фикр билдирган. Атрофдаги мамлакатлар билан алоқалар натижасида “Оромий” ёзуви Александр Македонский истилосидан кейин “Юнон” ёзуви жорий қилинган. Инсонларнинг ўз турмуш тарзини ривожлантира бориб жаҳон маданиятига катта ўзгаришлар кирита бошлаган. Жумладан, Хитойда қоғоз ихтиро қилинди, Ҳиндистонда ҳисоблашнинг ўнлик системаси юзага келиши, Мессопотанияда ер қуррасини градусларга, суткани соат, дақиқа ва сонияларга бўлинишининг жорий етилиши, Буюк ипак юлининг очилиши маданиятнинг тараққий етишга сабаб бўлди.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиб Марказий Осиё худудида оромий, юнон алифбоси асосида ерамизнинг бошларида Хоразм, Суғд, Бактрия ёзувлари шаклланган.

Ерамиздан олдинги 180-425 тахминий йилларда яшаган юнон тарихчиси Геродотнинг “Тарих” китобида сатлар, массагетлар фороларнинг таълим тарбияга оид муҳим маълумотлар берилган. Китобда берилишича форсларнинг энг шарафлайдиган нарсаси жасурликдир. Шунга кўра улар кўпроқ ўғилларга ега бўлишдан фахрланган. Ўғил болалар 5 ёшдан 20 ёшгача фақат учта нарсага: 1.Отда юришга. 2. Камондан отиш. 3. Тўғрилиқка ўрганишдир. Ўғил болалар ҳеч қачон ота-онасини беҳурмат қилмаган, ёлғончилик, қарздор бўлиш, шармандалиқ ҳисобланган. Хар қандай сувга тупурмаганлар, юз қўлларини махсус мослаштирилган жойларда ювганлар. Бу маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, аждодларимиз фарзандларини жасоратли, ўз ватанининг химоячиси, одоб-ахлоқ, табиатга муносабат хислатларининг ҳам шакллантиришга катта эътибор берганлар.

Суғд ёзма ёдгорликлари орасида “ески хатлар” номи билан юритиладиган манбалар томонидан аниқланган қимматли маълумотлар бор. Бу хатлар ерамизнинг бошларида суғд ёзуви ҳақида маълумот беради.

Шунингдек Ян Ди (615-617) елчиси Вей Сзи ўз хисоботида Самарқандда таълим тарбия ҳақида ёзади. Унинг фикрича “Ахолиси моҳир савдогар ўғил бола 5-ёшга тўлар экан, унга савод ўргата бошлайди. Ўқишни ўрганиши биланоқ савдо ишларига ўргата бошлайдилар”. БошҚа

бир Хитой тарихчиси Сюан-Сзин Самарқанд аҳолисининг ахлоқий ва хулқ-одоб қоидаларига риоя этишда бошқаларга ўрناк бўлганлиги қайд этилган.

Шунингдек халқ педагогикасида, яъни қадимги даврларда таълим тарбияга боғлиқ маълумотлар халқ оғзаки ижоди намуналари афсоналар қахрамонлик эпослари, қўшиқлар, мақолларда кўрамиз.

Ҳозирги ўзбек халқининг аجدодлари бундан бир неча йиллар олдин яшаган бўлиб, улар юксак ва ўзига хос маданиятни вужудга келтиришда жуда катта ва машаққатли йўлни босиб ўтишган. Дастлабки тош қуролларидан тирикчилик учун фойдаланишда анча такомиллашган меҳнат қуроллари яшагача, ундан уруғчилик қабилачилик даврларга келиб, хўжалик ва маданий тараққиётда еришилган ютуқларгача бўлган тарихимиз, ота- боболаримизнинг бой қадимий маданиятга ега бўлганлигидан далолат беради. Ерамиздан аввалги биринчи минг йилликда Бактрия, Хоразм, Суғдиёна, Марғиёна, Парфия, Зарафшон воҳалари, Паркана каби улкаларда турли қabila ва елатлар яшаган. Улар ҳозирги ўзбек халқининг «илдизи» ҳисобланган сак – массагетлар, суғдиёнлар, хоразмийлар, бактрлар, чочликлар ва парканаликлар каби қabila ва елатлар эди. Кейинчалик улар ўзаро ва бошқа кўп қabila ва уруғлар билан бирлашиб кетган ва ҳозирги Марказий Осиё худудидаги халқларнинг аجدодларидир.

Бу елатлар яшаган худудларда ўзига хос маданий анъаналар таркиб топа борган. Масалан, ерамиздан олдинги биринчи асрнинг биринчи ярмида қадимий давлатлар – Бактрия ва Суғдиёна, Марғиёна, Хоразм, Паркана, Парфия каби улкаларда халқ хўжалигининг турли соҳаларида ривожланиш билан бирга маданият ҳам ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтди. Бу тараққиёт ерамиздан олдинги IX – VI асрларда пайдо бўлган Ахамонийлар ҳукмронлиги, кейинроқ ерамиздан аввалги III аср ўрталарида ташкил топган Грек – Бактрия давлати ерамизнинг I асрида еса Кушонлар давлати, V асрда Ефталитлар ҳукмронлиги, сўнгра Сосонийлар империяси ва ниҳоят, турк хоқонлиги даврларини ўз ичига олади.

Аждодларимизнинг бу қадимий маданиятга таълим- тарбияга оид бой мероси ҳам киради. Зеро, ҳозирги туркий ва форсий – забон халқларининг бизгача етиб келган муҳим археологик топилмалари, тарихчилар, адабиёт ва санъат намоёндаларининг ижодий мероси, санъат ва адабиёт намуналари бунинг далилидир.

Тадқиқотчилар томонидан қайд этилган маълумотларга қараганда, энг қадимги тарбия ҳақидаги ёдгорликлар бизгача бевосита етиб келмаган Туркий ва форсий – забон халқларининг «ҳаёт кечириш санъати, донолик мажмуаси сифатида юзага келиб, борлиққа амалий муносабатда бўлиш намунаси» ифодаланган маънавий маданият ёдгорликлари, қадимги грек тарихчиси Геродотнинг «Тарих», Страбоннинг «География» асарлари, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит – турк», Урхун – Енасой битиклари ва бошқа шу каби адабий тарихий манбаларда сақланган ва шулар орқали бизгача етиб келган. Бу ёдгорликлар инсоннинг шаклланишида моддий ва маънавий маданият қай даражада катта рол

уйнаганлигидан далолат беради. Хуллас, тарбия инсоннинг аклий ва ахлоқий жиҳатдан таркиб топа боришига таъсир етган бўлса, инсоннинг шакллана бориши ҳам, ўз навбатида, инсоният жамиятининг таркиб топа боришига ёрдам берган. Хуллас, инсоннинг ўз – ўзини англаши ва жамият тараққиёти бир-бири билан узвий алоқада бўлган. Бу тарихий жараёни билиш инсон тафаккурининг қадимги даврларидан бошлаб босқичма – босқич ривожланиши ва шу билан бирга инсоннинг ҳам тобора шакллана борганлиги ҳақида тула тасаввур ҳосил қилишга имкон беради.

Маълумки, кишилар ва кишилик жамияти вужудга келиши жараёнида инсон ҳам биологик жиҳатдан, ҳам инсон сифатида такомиллашиб борган. Дастлабки диний еътиқодлар, оддий ихтироларнинг такомиллашиб бориши, инсон онгининг шаклланиб боришига туртки бўқлди. Бу жараён минг-минг йиллар давом етиб, инсон онги шаклланишининг асоси булган хулқ – одоб қоидалари таркиб топади.

Энг қадимги кишиларнинг дастлабки оддий истаклари, орзу – умидлари, хислатлари қадимги эпосларда, улардаги афсонавий образлар қиёфасида ўз ифодасини топган. Рухга сиғиниш – онимизм, аждодлар руҳига сиғиниш – тотимизм, сеҳргарлик каби диний еътиқодлар ва маросимлар акс етган афсоналар ва ривоятларда энг қадимги авлодларимизнинг тафаккур дунёси акс етган аммо бу ривоятлар, афсоналар массагетлар, саклар, хоразмийлар, сугдлар, парфиянлар яшаган даврларга бориб тақалади.

Биз юқорида келтирган тарихий, фалсафий, педагогик адабиётларда тадқиқотчилар, умуман, энг қадимги маданий бойликларимизни ўрганишда уч асосий манбага таянганлигини кўраимиз.

1. Халқ оғзаки ижоди материаллари.
2. Буюк адиблар, алломаларнинг ижодий мероси.
3. Археологик қазилмалар натижасида топилган ашёлар.

Маълумки, ўтмишда кишилар меҳнат фаолияти жараёнида ўз еҳтиёжларини қондирган ва бу жараён ёш авлодга меҳнат куникма ва малакаларни ҳосил қилишда ёрдам берган.

Тарихчилар ва тарихчи педагогларнинг кўрсатишича, кишиларнинг меҳнат фаолияти ёш жиҳатдан 3 гуруҳга бўлинган:

- 1) болалар ва ўсмирлар;
- 2) ҳаёт ва меҳнатда тўла иштирок етувчилар;
- 3) кексалар.

Ибтидоий жамият даврида бола ўзи уддалай оладиган фаолиятга бевосита кўшилиб, у ҳаёт кечириниш ва меҳнат қилишга урганган. Ўғил болалар еркаклар билан бажариладиган ов қилиш, қурол яшаш каби ишларни бажарса, қизлар, аёллар меҳнати билан танишар эди. Бола маълум тайёргарликдан сўнг синовлардан ўтиб, кейин амалий фаолиятда иштирок ета бошлайди.

Ерамиздан олдин тахминан 484 (480) – 431 (425) йилларда яшаган юнон тарихчиси Геродотнинг «Тарих» китобида қадимги форслар, саклар ва массагетларнинг таълим - тарбиявий қарашларга оид муҳим маълумотлар берилган.

Форсларнинг энг шарафлайдиган нарсаси жасурликдир, - дейди олим - шунга кўра улар капрон, уғилларига ега бўлишдан фахрланишган. Подшо ҳам кимнинг уғли кўп бўлса, унга ҳар йили совға – саломлар юборган. Ундан ташқари болаларнинг ёшига ҳам эътибор беришган. Уғил болаларнинг беш ёшдан, йигирма ёшгача фақат уч нарсага: отда юришга, камондан отиш, туғриликка ургатишган. Болани беш ёшгача отасига кўрсатишмаганлар, у аёллар тарбиясига бўлган. Мабодо ўғил бола вафот еца, отасининг кайғурмаслиги учун шундай қилганлар.

Уғил ҳеч қачон отасини беҳурмат қилмаган. Улар ота – онага ҳурмацизликни фақат никоҳсиз тўғилган ёки ташландиқ болалардангина кутиш мумкин деб ҳисоблаганлар.

Бундан ташқари Геродот форслар учун ёлғончилик ва қарздор бўлиш шармандалиқ ҳисобланган, дейди... яна улар дарё сувига тупурмаганлар, хатто қўл юлмаганлар. Улар дарёларни муқаддас санаганлар.

Яна шу Плутархнинг ёзишича, Александр ерли халқутарга яқинлашиш мақсадида Македонияликлар билан маҳаллий аҳоли урф – одатларини аралаштиришга ҳаракат қилган. Шу мақсадда у ўттиз минг болани ажратиб олиб, юнон тили ва ҳарбий санъатини ўргатишга, мураббийлар тайинлашга буйруқ берган. Кейинчалик юнон алифбосининг бу юртда қабул қилиниши ерамиздан олдинги мингинчи йилларнинг ўрталарида энг қадимги аждодларимиз томонидан қаҳрамонлик мазмунидаги жуда кўп афсоналар, ривоятлар айтилган бўлиб, улар зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто» га киритилган.

«Авесто»нинг ўзи ким томонидан яратилгани ҳақида турли тахминлар мавжуд. Жумладан, шарқшунос олим Е.Е.Бертелснинг фикрича, 1278 йилда Райд – Зардушт ибн Баҳром ибн Пажду деган киши томонидан ёзилган «Зардуштнома» достонида Авесто ва Зиндани Зардушт дунёга келтирганлиги, унинг туғилгани ва кейинги ҳаёти ҳақида китоб эканлиги баён этилади:

«ЗАРДУШТНОМА»

Зардушт ибн Баҳром ибн Пажду. Достондан парча

Мен паҳлавий деб аталган ёзувлар битилган Шохона китоблардан бирини кўрдим. У асраб келингандир барча оқиллар ва устозлар устози, мобидлар мобидида унда олам ҳадислари, аждодлар ва шоҳлар ишлари ҳақида битилган.

Унда оламга саодатли Зардушт келтирган Авесто ва Зинданинг ҳикоятлари битилган.

Зардушт дини унинг ҳаётлигидаёқ кўп ўлкаларда тарқалади. Аммо Зардушт вафот етганидан сўнг Зардуштийлик дини янада кэнг ёйила бошлайди.

Маълумотларга кўра, «Авесто» ерамиздан аввалги VII асрнинг охири ва VI асрнинг бошларида яратилган бўлиб, тулик китоб холида ерамиздан аввалги I асрда шаклланган.

«Авесто» ни ўрганиш тарихи маълум бир жараённи бошдан кечирган. Хориж ва ўзбек олимлари уни ҳар томонлама таҳлил етишга ҳаракат

қилишган. Биз еса кейинги манбаларга таяниб, унинг таълим – тарбиявий томонлари устида фикр юритамиз. Чунки «Авесто»да инсон шахсининг такомилга оид маърифий фикрларнинг маълум бир тизими ифодаланган. Ҳатто «Авесто» ни қадимги даврларда аждодларимизнинг табиий, илмий, маърифий фикрлар тўпланган дастлабки педагогик асар деб ҳисоблаш мумкин. Шунингдек тадқиқотчилар унинг диний характердалигини таъкидлаш билан бирга фалсафа, сиёсат, таълим – тарбия, адабиёт масалаларини ҳам қамраб олган асар сифатида таърифлайдилар.

Абу Райҳон Беруний «Авесто» нинг ватани ҳақида гапириб уни Озарбайжонда пайдо булган дейди ва «Қадимги халқлардан келган ёдгорликлар» асарида Зардуштни сохта пайгамбарлар руйхатида келтиради. Зардушт дини Хуросон, Форс, Ироқ, Мусул, Балхтдан тортиб, Сурия ерларигача тарқалганини айтади.

Озарбайжон олими М.Рафили еса «Авесто»ни фақат Озарбайжон адабиёти маънавий мероси деб қарайди.

Тарихчи олим В.М.Авдиев еса «Авесто» номли қадимги диний тўпламнинг дастлабки қисмлари худди шу Марказий Осиё худудида вужудга келган, дейишга ҳамма асослари бор дейди. Бундан баъзи бир ривоятлар далолат беради; бу ривоятларда айтилишича, зора астризм динининг биринчи «Муқаддас олови» Хоразмда ёқилган. «Авесто» да тасвирланган «Айриана Вайжо» деган мамлакат Хоразм бўлиши мумкин, бу мамлакатда Ахурамазда Зардуштга кўриниш берган.

VII асрдан XIV асрнинг биринчи ярмигача мактаб ва педагогик фикрлар тарақиёти

VII аср бошларида ислом ғоясига асосланган араб халифалиги ташкил топиб, бу давлат ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун бошқа мамлакатларни ҳам забт етишни бошлади. Бутун Арабистон ярим ороли шунингдек Эрон, Кавказ орти, Сурия, Шимолий Африка, Жанубий Испания халифалик таркибига киритилди. VII аср ўрталаридан бошлаб араблар Мовароуннаҳрга ҳам ҳужум қилиш режасини туза бошладилар.

Араб истилочиларининг биринчи юриши 651 йилда Убайдуллоҳ ибн Зиёд бошчилигида амалга оширилди. 676 йилда еса Сайд ибн Усмон раҳбарлигида Бухоро, Суғдиёна, Кеш, Насаф шаҳарларига ҳужум қилинди.

Араб истилочиларининг иккинчи юриши 705 йилда Хуросон ҳокими Қутайба ибн Муслим томонидан бошланди. У 706 йилда Зарафшон водийсига юриш бошлаб, Пойкенд, Бухоро, Самарқанд, Суғд, Фарғона ва бошқа шаҳарларни қўлга киритди. Сўнг Хоразмни забт етди. Қутайбанинг истилочилик юриши у 715 йилда араб қўзғолончи жангчилар томонидан Фарғонада ўлдирилгандан сўнг тўхтади.

VIII асрнинг ўрталарига келибгина араблар Мовароуннаҳрни забт ецхга тўла еришдилар.

Араб истилочилари босиб олинган ерларда халқни ислом динига кирита бошладилар. Тарихчи ат-Табагийнинг «Ат-Табарий тарихи», Наршахийнинг «Бухоро тарихи», В.В.Бартолднинг тарихий асарларида келтирилишича, араб истилочиларининг Мовароуннаҳр халқини ислом

диниға киритиш жараёни қийин кечган ва бир неча йилларга чўзилган. Чунки Мовароуннақр араб истилосигача ҳам маънавий, ҳам иқтисодий тараққий етган мамлакат бўлиб, унинг аҳолиси араб босқинчиларига тезда буйсуна қолмади. Аҳолининг истилочиларига буйсунишни истамаганлигининг асосий сабабларидан бири истибдод ва катагонлар билан бир қаторда, босқинчиларнинг маҳаллий халқнинг йиллар давомида таркиб топган бой маънавий мероси – санъати, адабиёти, ёзувини, осори атиқаларини поймол етишга ҳаракат қилганлиги ҳам бўлди. Шунинг учун ҳам араб истилочилари халқни буйсундириш учун харбийлар билан бир қаторда, ислом дини тарғиботчиларидан ҳам фойдаландилар ва аста-секин маълум натижаларга ериша бошладилар. Чунки, Мовароуннаҳрда одамлар исломга қадар ҳар хил худоларга, қўёшга, кўк динга (шаман), муқаддас нарсаларга талпинар, маълум бир ғоявий еътиқод бутун бир ўлкада таркиб топмаган эди. Шунинг учун ҳам ислом динининг ёйилиши ва у билан бирга шариат қонун – қоидалари, ақидаларига риоя етиш, ягона Оллоҳга сиғиниш ва Оллоҳнинг расули Муҳаммад Алайҳиссалом кўрсатмаларига амал қилиш халқнинг онгига таъсир етиб, уларни бу динни қабул ета бошлашига олиб келди ва исломий қадриятлар таркиб топишига йўл очди.

Араблар ислом динини тарқатишда турли усуллардан фойдаланадилар. Жумладан, ислом динини қабул қилганлар солиқлардан озод етилади.

Шунингдек истилочилар халқнинг бой маданий меросини йўқ қилишга киришдилар. Чунки маҳаллий аҳоли бой маънавий мероси йиллар давомида таркиб топиб, маҳаллий урф-одатлар ва диний анъаналар янги динни қабул қилишга йўл бермас эди. Бу ҳақда ўзбек халқининг буюк олими Абу Райҳон Беруний шундай ёзганди: «Қутайба еса Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини урганган ва (билимини) бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок етиб, буткул юқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у (хабар ва ривоятлар) ислом давридан кейин ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди»

«Кейин: Қутайба ибн Муслим ал Вохоший хоразмликларнинг қотибларини ҳалок етиб, билимдонларини ўлдириб, китоб ва дафтарларини куйдиргани сабабли улар саводсиз қолиб, ўз еҳтиёжларида ёдлаш қувватига таянадиган бўлдилар».

Ислом дини анна шундай ғоявий – сиёсий кураш жараёнида шаклланди ва ривожланди.

Араб тили ҳам, ўз навбатида, янги маданият тили бўлиб майдонга чиқди. Бу маданият ҳам қадимги араб маданияти, шунингдек араб давлати ҳудудида яшаган бошқа халқлар маданиятининг мажмуаси эди. Араблар Юнон фанининг ютуқларидан амалий фойдаланадилар, уларнинг файласуф, олим, ёзувчиларнинг асарларини таржима қилдилар. Астрономия, тиббиёт, кимёга оид барча йирик асарлар араб тилига таржима қилинди. Ҳатто араб олимлари сунъий олтин тайёрлаш воситаси «фалсафа тоши»ни излаганлар (кимё фани алкимёдан бошланиб, олтин изловчилар «алкимёгарлар» деб аталган).

Араблар улкан давлат барпо етиб, география ривожига ҳам катта таъсир кўрсатдилар. Масалан, араб мулкларининг дастлабки хариталари IX асрда тузилган бўлиб, уларда дарёлар оқими тўғрисида муфассал маълумотлар бўлган. Испаниядан Марказий Осиё ва Ҳинд дарёсигача мусулмон дунёси бу харитада батафсил кўрсатилади. Кўп ҳудудларга арабча номлар берилади. Хусусан, Мовароуннаҳр ҳам арабча бўлиб, «дарё орти» маъносини билдиради.

Мовароуннаҳрда бошқа истило етилган давлатлар қаторида ислом дини билан бирга мазкур диннинг муқаддас китоби «Қуръон»нинг тили, араб тилини ўрганиш жорий етилди. Бу китобни бошқа тилларга таржима қилиш тақиқланди.

Мусулмон мактабларида араб тили муҳим фан сифатида ўқитиларди, билим шу тилда ўрганилар эди. Арабистондаги каби Мовароуннаҳр ҳам барча масжидлар ҳузурида мактаблар очилади ва ўғил болаларга шу мактабларда Қуръон ўқишни ўргатишга фармон берилади. Болаларни шу масжид имоми ўқитар эди.

Ислом ақидаларининг, унинг ахлоқий – ҳуқуқий тамойилларининг асосий манбаи «Қуръон»дир.

Исломнинг шаръий маъноси – бу Оллоҳ ягона еътиқод қилиб, унга буйсунмоқлик ва бутун қалб билан унга ихлос қилмоқлик ва Оллоҳ буюрган диний еътиқодга имон келтирмоқлик демакдир.

Оллоҳга итоат қилган ва Оллоҳ юборган пайғамбарларга ергашган киши мусулмон дейилади.

Илоҳиётда ислом дини имон, ислом ва еҳсондан иборат, деб еътироф етилган. Имон талаблари ва Оллоҳга еътиқод, фаришталарга, муқаддас китоб ва пайғамбарларга, охират кунига, тақдири азалга ва ўлгандан кейин тирилишига ишонишдир.

Мусулмон таълимотига кўра, ҳар бир мусулмон ушбу бешта асосий рукни бажариши зарур:

Биринчиси, «Ла илаҳа иллаллоҳ ва Муҳаммадур расулуллоҳ» деб шаҳодатлик бериш;

Иккинчиси, намоз ўқиш;

Учинчиси, закот бериш;

Тўртинчиси, рамазон ойида рўза тутиш

Бешинчиси, имконга кўра ҳаж қилиш.

Ислом динининг асосчиси ва тарғиботчиси Муҳаммад ибн Абдуллоҳ 570 йилда Маккада Курайш қабиласига мансуб Хошимийлар хонадонидан туғилади.

Оталари Абдуллоҳ Шом сафарига кетаётиб Мадина шаҳрида вафот топдилар, ёшлари 30 га етмаган эди. Пайғамбаримиз беш ёшларида оналари Оминадан ҳам ажраладилар, энди уларни боболари Абдул Муталлиб Зиёда меҳрибончилик кўрсатиб ўз тарбияларига олдилар. Бу чорда Абдул Муталлибнинг ёшлари юздан ошган эди. Кўп ўтмай улар ҳам бандаликни бажо келтиргач, боболарнинг васиятларига кўра, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломни амакилари Абу Толиб ўз тарбияларига оладилар.

Орадан йиллар ўтиб пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом 609 – 610 йиллардан якка худога ётиқод қилиш гоёсини тарғиб ета бошладилар. Хазрати Хадича онамиз уларга бир умр ҳар жиҳатдан маслакдош, ҳамроҳ ҳамфикр бўлиб келган эдилар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом гоёвий ётиқодларига қарши кофирлар ва Мака мушрикларининг адовати кучайгандан кучайди. Бир неча урушлар бўлди. Шундан сўнг Оллоҳнинг изми билан Мадинага хижротга рухсат бўлади. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳис салоту вассалом саҳобалар ва ўз тарафдорлари билан Мадинага қараб йўл олдилар. Мусулмонларнинг хижрий йил ҳисоби шу йилдан бошланади.

Мадинада қабилалар қўшилиб, янги иттифоқ – жамоа тузилади. Бора – бора Мадинада мусулмон жамоалари кучли давлатга айланади.

632 йилда Муҳаммад алайҳиссалом Маккага хаж қиладилар. Лекин бу хаж Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом учун сўнгги хаж бўлиб, орадан уч ой ўтгач, 632 йилда Мадинада вафот топдилар.

Бу пайт мусулмон давлати Ямандан Синай ярим оролигача, Қизил дэнгиз соҳилларидан Марказий кум саҳросигача бўлган майдонни ўз тасарруфига олиб, мавқеини мустаҳкамлаб олган эди.

Муҳаммад алайҳиссалом вафотларидан сўнг давлатни халифалар бошқардилар. Булар: Абу Бакр ас – Сиддик (632-634), сўнгра Умар ибн ал – Хоттоб (634-644), сўнгра Усмон ибн Афон (644-656) ва ниҳоят Али ибн Абу Толиб пайғамбаримиз амакиларининг уғиллари ҳамда куёвлари эдилар.

Халифалар даврида ислом таълимоти мустаҳкамланди. Пайғамбаримизга нозим бўлган «Қуръон»и карим вақти келиб саҳобалар томонидан жамланди.

Ислом одамларни яхшиликка даъват етади, ёмонликдан қайтаради. Инсонпарварликни тарғиб етиб, разолатни қоралайди, одоб-ахлоқ, руҳий – маънавий поклик ва етукликка, меҳнат қилишга ҳамда ер юзини обод ва гўзал етишга ундайди. У адолат, тэнглик, тинчликни эркин тараннум етади.

Буни биз «Қуръон»нинг инсоннинг камолотга еришишида қай даражада ўрин егаллашини, унинг инсонга, бутун борликқа муносабати, турмуш тарзи ва хулқ-одоб меъёрларни таркиб топтиришда улкан аҳамиятдан ҳам билсак бўлади.

Исломда инсоннинг ақлий камолоти ва тафаккурини ривожлантиришга катта эътибор берилади. Булар илм ва ҳақиқатни далиллар билан исботлашда исломнинг аниқлик дини, унинг тақлид душмани эканлигида намоён булади.

Ислом дини таълимотида «Қуръони карим» дан кейин асосий манба ҳадислардир. Ҳадис илми билан шуғулланиш асосан VIII асрнинг иккинчи ярмидан бошланиб, унга энг билимдон, муътабар шахсларгагина тарғиб берган. Маълумотларга қараганда VIII – XI асрларда тўрт юздан ортиқ муҳаддис ҳадис илми билан шуғулланган. Биз бу манбаларнинг кўпи билан таниш эмасмиз. Кейинги йилларда Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда унинг диний – ахлоқий кўрсатмаларини ўз ичига олган

ҳадислар, Имом Исмоил ал – Бухорийнинг «Ал – Жомеъ ас – сахих», «Ал – адаб, ал – муфрад» асарлари таржима қилиниб нашр етилди. Ат – Термизийнинг «Аш – Шамоили ан-Набавия» асари ҳамда уларга ёзилган сўз бошилар, баъзи кичик рисола ва мақолалар чоп етилди. Биз ана шу манбаларга таянган ҳолда фикрларимизни баён етамиз.

«Ҳадис» ёки «Суина» сўзлари бир маънони англатиб, Расулуллоҳнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда диний ва ахлоқий кўрсатмалари ҳақида ривоятлардан иборат.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг ибратли ишлари, еътикод, поклик ва инсонга хос маънавий – ахлоқий хислатларни ифодаловчи сўзлари, панд – насиҳатлари унинг номи билан боғлиқ ҳадисларда мужассамланган.

Ҳадислар дастлаб ёзиб борилмаган. Чунки пайгамбаримиз Куръони Карим нозим бўлган вақтларда араб бўлмаган кишиларнинг ҳадисларни фурғон оятларидан деб уйлашларидан чўчиб, уни ёзиб боришларига рухсат етмаганлар. Лекин пайгамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи – васаллам ҳузурида саҳобалар бўлиб, улар Расули Акрамдан эшитган ҳадисларни ёдлаб борганлар. Масалан, Ҳазрати Абу Хурайра шундай муътабар кишилардан бўлиб, бутун умрини ҳадисларни ёдлашга бахш етган. Мазкур ҳадислар туғри, ишонарли (сахих) бўлган.

Лекин, ҳадисларни ёд олган кишилар тобора камая боргани ҳамда аста – секин улар унутулиб кетишининг олди олиниб, халифалар ишонарли ҳадисларни тўплашга фармон бердилар. Исломунонос олимлар бу ишни бошида турган дастлабки халифа Умар ибн Абдулазиз эканлигини таъкидлайдилар.

Ҳадисларни биринчи марта ёзиш билан машҳур бўлган муҳаддислар Рабее бин Сабах, Сайд бин Абу Аруба, Молик бин Анас, Абдумалик бин Журайж Маккий, Абдурахмон ал – Авзойи Шоший, Суфён Саврий Куфий ва бошқалар деб кўрсатилади.

VIII – IX асрлар ҳадис илми учун «олтин давр» ҳисобланади. Бу даврга келиб, ислом уламолари томонидан ҳадисларнинг қай даражада тўғрилиги, қандай манбаларга таянганлиги тадқиқ етила бошланади. Чунки, баъзи сохта, ишончсиз ҳадислар ҳам пайдо бўла бошлаган, уларни текшириб, асл ҳадисларни тиклаш ва ёзма равишда қайд қилиш замон талаби бўлиб қолган эди. Шунинг учун ҳам биринчидан, ҳадисларни ёддан билувчи ҳақиқий билимдон, ўткир муҳофазали кишиларнинг аста – секин камайиб келаётганлиги, иккинчидан, ҳадисларнинг ҳақиқий, ишонарли, яъни сахихларни сақлаб қолиш мақсадида ҳадислар текширилиб, асл ҳолига қайтарилиб, ёзиб йиғила бошланган. Ана шу тарзда ҳадис илми ривожлана бошлаган.

Ислом дунёсида энг нуфузли манбалар деб саналган олтита ишончли тўплам (ас – сахих)ни яратган муҳаддислар) ҳам ватандошларимиз бўлиб, ҳадис илми ривожланган IX асрда яшаб ижод етганлар. Булар Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал – Бухорий 194 (810) – 256 (870), Имом Муслим ибн ал – Хажжож 206 (819) – 261 (874), Имом Исо Муҳаммад ибн Исо ат – Термизий 209 (824) – 279 (892), Имом Абу Довуд Сулаймон Сижистоний 202 (817) – 275 (880), Имом Ахмад ан Насоий 215

(830) – 303 (915), Имом Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Язид ибн Можжа 209 (824) – 273 (886) каби алломалардир.

Олимлар «Ал – кутуб ас – ситта» (олти китоб)ни қуйидагиларини ибрат деб кўрсатадилар.

1. Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал – Бухорий томонидан ёзилган «Ас – Саҳиҳ».

2. Имом Муслим ан – Нишонпурий (Имом Муслим ибн ал – Хажжож) томонидан ёзилган «Ас – Саҳиҳ».

3. Имом Ибн Можжа томонидан ёзилган «Суннан».

4. Имом Абу Довуд Сулаймон – Сижистоний томонидан ёзилган «Суннан». Имом ибн Исо ат – Термизий томонидан ёзилган «Аж – жами ал – кабир».

5. Аҳмад ан – Насоий томонидан ёзилган «Суннан» каби тўпламлардир.

Ҳадисни таъриф етишда асосан, уч йўналиш пайдо бўлган.

1. «Муснад» йўналиши бунда турли мавзудаги ҳадислар бир жойда келтирилиб, алифбо тартибида жойлаштирилган. Абдуллох ибн Мусо, Имом Аҳмад ибн Ханбал ҳадисларни ана шу йўналишда тўплаганлар.

2. «Саҳиҳ» (ишончли) йўналиши. Бунга Имом Бухорий асос солганлар. Буларга тўғри, ишонарли ҳадислар киритилган.

3. «Суннан» йўналишдаги ҳадислар. Мазкур йўналишдаги ҳадисларга тўғри, ишонарли ҳадислар билан бир қаторда, «заиф» ҳадислар ҳам киритилган. Абу Довуд, Исо ат – Термизий, ан – Насоий, ибн Можжалар шундай йўналишдаги ҳадисларни тўплаган муҳаддислар.

Мовароуннаҳрда биринчи бўлиб, ҳадис тўплаган муҳаддис Имом Абдуллох ибн Муборак ал – Марвазий саналади. Яна ватандошларимиздан Имом Аҳмад ибн Данбал ал – Марвазий, Исъҳок ибн ибн Раховайх ал – Марвазий, Имом ал – Хайсам ибн Клайб аш – Шоший, Ҳофиз ал – Хоразмий, Имом Абдулҳасан Аҳмад ибн Муҳаммад ас – Самарқандий ва бошқалардир.

«Саҳиҳ» йўналишининг асосчиси, энг етук ва машҳур муҳаддис Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал – Бухорийдир. Имом Бухорий ҳадис илмида «Амир ул – муъминин», «Имом ал – муҳаддимийн» (Барча муҳаддисларнинг пешвоси) деган шарафли номга сазовор бўлган. У 810 йил, 13 майда (баъзи манбаларда 810 йил, 20 июлда) (хижрий 194 йил шаввол ойининг 13 куни). Бухорода тўғилган. Гўдаклигида отадан етим қолган. Мактабда савод чиқарган. 10 ёшиданок араб тили ва китобларидан уларни ёдлай бошлайди. Ал – Бухорий ҳадис илмини катта қизиқиш билан ўргана бошлайди. Ёшлик чоғидан бошлаб турли ровийлардан эшитган ҳадисларни ёдлаб борар эди. Абдуллох ибн ал – Муборак Вакиъ ибн Жаррох каби олимлар тўплаган ҳадисларни ёд олган, ҳадис ривоятчилар ҳақидаги баҳсларда қатнашган.

Ал – Бухорий 825 йилда, ўн олти ёшида онаси ва акаси билан хижозга сафар қилади. Маккаю Мукаррама ва Мадинаю Мунавварада бўлиб, ҳаж ибодатини адо етади. Балх Басра, Куфа, Бағдод, Хуме, Дамашк Миср, Мака ва Мадинада бўлиб, фар жараёнида муҳаддислардан ҳадис ўткир эди. Олти

йил жозда қолиб, ҳадис илмидан таълим олади. Шу билан бир Дамашк Коҳира, Басра, Боғдод шаҳарларида машхур олимлардан фикх илмидан дарс олади, ўзи ўам баҳс ва мунозараларда қатнашади, Толибу илмларга дарс беради.

Имом Бухорий ўта камтар, инсонпарвар, хулқ – одобда тенгсиз бўлган. Имом Бухорий бир минг саксонга муҳаддисдан ҳадис эшитган. Ундан тўқсон минг киши ишонарли ҳадисларини эшитган. Маълумотларга кўра, ал – Бухорий 600 мингга яқин ҳадисни тўплаган, 100 минг «саҳиҳ» ва 200 минг «гайри саҳиҳ» ҳадисларни ёд олган.

Имом ал – Бухорий узоқ сафардан она юрти Бухорога қайтгач, талабалар ва уламоларга ҳадис илмидан сабоқ беради ва унинг тарғиботчисига айланади. Ривоятларга кўра, халифанинг Бухородаги ноиби Холид ибн Аҳмад ибн Холид аз – Зухалий уни саройга келиб ҳадис илмидан сабоқ беришга таклиф етади. Аммо Имом Бухорий бу таклифни қабул етмайди ва «Мен илми хорлаб султону амирлар ешигига олиб бормайман. Агар амирга илм керак бўлса, болаларни уйимга ёки масжидимга юборсин», - деб жавоб беради. Ал- Бухорий билан амир Холид ибн Аҳмад аз – Зухалий муносабатларига раҳна тушади. Бунга баъзи ҳасадгуй шахсларнинг иғволари ҳам сабаб бўлади. Амир буюк алломани шаҳардан чиқиб кетишига фармон беради. Уни Самарқанд уламолари ўз юртларига таклиф етадилар. Имом Бухорий йўлга чиқади. Аммо Самарқандга яқин Хартанг қишлоғида (ҳозирги Паярик тумани) бетоб бўлиб қолади ва шу ерда хижрий 256 йили рамазон ойининг охири куни (милодий 870 йил 1 сентябр) 62 ёшида вафот етади ва шу ерга дафн етилади.

Маълумки, Исломи дини инсонни маънавий камолот сари етакловчи таълимот. Шу сабабли Куръони каримда, ҳадисларда ҳам яхши хулқ ва одоб кэнг тарғиб етилган. Шариат талаблари билан бир қаторда, ҳадисларда ахлоқ доиралари, айниқса муҳим. Имом Бухорий ҳам тўрт жилдли (Ал – Жомеъ ас – Саҳиҳ) асарининг 1 жилдида одоб ҳақидаги ҳадисларни жам етган.

Машхур ҳадислардан яна бири ватандошимиз Абу Исо ат – Термизий бўлиб, у 824 йилда Термиз яқинидаги Буғ (ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида) қишлоғида тўғилган. Унинг оиласи ва ота – онаси ҳақида маълумотлар йўқ. Баъзи тадқиқотчилар унинг отаси асли Марфлик бўлган деб қайд етадилар.

У болалигидан илмга қизиққан бўлиб, айниқса ҳадис илмини чуқур егаллаган.

Ат – Термизий 950 йилдан қатор мамлакатларга сафар қилади. Хижозда бўлиб, Макка ва Мадинани зиёрат қилади, Ироқ, Хуросонда ҳадис илми, фик, илми ал – хироат, баён, тарих ва бошқа илмларни ўрганади. Мана шу сафарда ат – Термизий ҳадисларни тўплай бошлайди. Ҳадис илмини ўрганишда машхур муҳаддис ат – Термизий устози ал – Бухорийни алоҳида ҳурмат қилади. Ҳатто манбаларда ат – Термизий устозининг вафоти туфайли кўп йиғлаганидан кўзи кўр бўлиб қолган деган фикрлар ҳам мавжуд.

Ат – Термизийнинг ўткир зеҳни, хотираси, ёдлаш қобилиятининг кучлилиги туфайли ал – Бухорий ҳам уни фақат шогирд сифатида эмас, ўзига ҳамкор, дўст сифатида ҳам ҳурмат қилган. Ат – Термизий узок сафарда ҳадисларни тўплаб, китоблар таълиф қилишга бошлади. У 863 йилда ўз ватанига қайтди ва ўзи ҳам шогирдларига таълим бериб, ҳам китоблар ёзди.

Ат – Термизийнинг ундан ортиқ асарлар яратганлиги маълум. Булар «Ал – Жомеъ, ас – Саҳиҳ» («Ишончли тўплам»), «Аш – Шамоил ан – Набавия» («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари»), «Ал – илал фил – ҳадийс» («Ҳадислардаги иллатлар ва оришлар ҳақида») асарлари машҳурдир.

Ат – Термизийнинг ёзиб қолдирган асарларидаги ҳадислар ҳам ал – Бухорий ҳадислари каби инсонни ҳалоллик, адолат, еътиқод, диёнат, поклик, меҳнацеварлик, мурувватлилик, меҳр – шафқат, катталарга, ота-она ва қариндошларга ҳурмат руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

Ат – Термизий 892 йилга ўз ватанида вафот етди. Ҳадисларда инсоннинг камолга етиши учун талаб етиладиган инсоний фазилатлар акс еттирилган бўлиб, булар меҳр – оқибат кўрсатиш, саҳийлик, очик кўнгиллилик, ота – она ва катталарга, қариндошларга ғамхурлик ҳурмат, фақир бечораларга мурувват, ватанга муҳаббат, меҳнат ва касб – ҳунарни улуғлаш, ҳалоллик, поклик, ўзаро дўст, тинч – тотув бўлиш ва бошқалардан иборатдир. Бундан ташқари, инсоннинг ўзини ёмон иллатлардан ўзини тийиш, яхшилик сари интилиш кераклиги борасидаги панд – насиҳатлар ҳам ўз ифодасини топганки, буларнинг барчаси Куръони карим кўрсатмаларидан келиб чиқади ва комил инсонни шакллантириш мезони саналади.

Аввало, ислом ақидасига биноан ҳар бир мусулмон иймонли бўлиши керакдир. Куръони каримда таъкидлаганидек ҳадиснинг ҳам биринчи китоби иймон китобидир. Исломдан Мурод иймон демакдир. Иймоннинг мукаммал булмоғининг уч шарти кўрсатилади.

- туғри, еътиқодли бўлмоқ;
- кишилар билан яхши муносабатда бўлмоқ;
- киши ўз устида ишламоғи ва ўзини ибодат ва итоатга чиниқтирмоғи.

Иймон дарахтга тэнглаштирилади ва унинг олтмишдан ортиқ шоҳлари бор деб иймон белгилари санаб ўтиладики, уларнинг ҳар бири инсон маънавий қиёфасининг мукаммаллашувига таъсир етувчи хислатдир. Булар қуйидагилардан иборат: «Қўли билан, тили билан ўзгаларга озор бермаган киши мусулмондир»; «ўзи яхши кўрган нарсани биродарингизга раво кўрмагунингизча ҳеч бирингиз чинаккам мўмин бўла олмайсиз»; «учта хислатни узига мужассам қилган кишининг иймони мукаммал булғайдир:

- инсофли ва адолатли бўлмоқ;
- барчага салом бермоқ;
- камбағаллигида ҳам садақа бериб турмоқ».

Бундан ташқари, кишилар учун хос бўлмаган мунофиқлик иллатлари ҳам кўрсатиб ўтилади: Расулulloҳ Саллalloҳу алайҳи васаллам

айтганлар: «куйидаги тўртта иллат кимда бўлса, аниқ мунофиқ бўлғайдир, кимдаки улардан биттаси бўлса, уни тарк етмагунча мунофиқликдан бир илллати бор экан дейиладир:

- омонатга хиёнат қилғайдир;
- сўзласа ёлғон сўзлагайдир;
- шартнома тузса шартида турмағайдир;
- урушиб қолса, кек сақлагайдир ва ноҳақлик қилғайдир».

Ҳадисларда инсоннинг маънавий камолоти мезони, унинг тафаккур доираси, дунёқарашининг кэнглиги, илмий билимларни қай даражада егаллагани, ўз билими билан атрофдагиларга, жамиятга фойда келтирувчи шахс омил – билим деб кўрсатилади. «Толиби илм қилиш фарздир. Толиби илмга ҳар бир нара истирфор айтади, ҳатто дэнгиздаги балиқлар ҳам». Билимсиз кишиларни нодонликка олиб келади. Илмсиз жамиятда еса жаҳолат, разолат ҳукмронлик қилади, дейилади. «Илм ўрганмок ва ўргатмокнинг фазилати» ҳадисида (21- боб, 35- бет) илмни кўп ёкқан ёмғирга ўхшатилади ва илм ақлини уч турга бўлади: «Баъзи ер соф, унумдор бўлиб, ёмғирни ўзига сингдирадида, ҳар хил ўсимликлар ва кўкатларни ўстирадир ва баъзи ер курғок қаттиқ бўлиб, сувни еммасдан ўзида тўплайдир, ундан Оллох таоло бандаларини фойдалантирғайдир, одамлар сувдан ичғайдирлар, ҳайвонларни ва екинларни суғорғайдирлар. Баъзи ер еса текис бўлиб, сувни ўзида тутиб қолмайдир, кўкатни ўам кўкартирмайди. Буларни куйидагича мукояса қилиш мумкиндир: бир киши Оллох илмини (исломни) теран урганадилар, теран тушунадир ва ундан манфаатланадир ва Оллох юборган ҳидоятни ўзи ўрганиб, ўзгаларга ҳам ўргатадир. Иккинчи бир киши илм урганиб, одамларга ургатадур. Аммо узи амал қилмайдир. Учинчи бир киши мутаққабирлик қилиб, ўзи ҳам ўрганмайди, ўзгаларга ҳам ўргатмайди».

Аммо илмга эътиборсизлик ва нодонлик (жаҳолат) нинг авж олиши жамиятнинг инқирозига олиб келади, дейилади. Шунинг учун «илмга амал ва риоя қилувчи бўлинглар, уни фақат ҳикоя қилувчи бўлманглар», - дейилади 637 ҳадисда (100 - бет).

Араб халифалигида юз берган ижтимоий – сиёсий ўзгаришлар ягона ислом динининг таркиб топиши, маданий, маънавий ҳаётга ҳам таъсир етди. Унда катта кўтаринкилик руҳини пайдо қилди.

Бу кўтаринкилик бутун Араб халифалигини, якин ва Ўрта Шарқ қамраб олганлиги учун Шарқ уйғониш даври деб аталди. Бу жараён IX асрдан бошланиб, XV-XVI асрларгача давом етди.

Араб халифалигида IX асрда вужудга келган уйғониш даври халифаликнинг Боғдод, Дамашқ, Халаб шаҳарларида бошланиб, барча бошқа халқлар маданий ҳаётига тарқалган, бу еса у давлатларнинг ҳам маданий ривожланишига замин тайёрлаган. Халифаликнинг емирилиш натижасида ташкил топган мустақил давлатлардаги маданий ривожланиш халифалик давридаги маданий ривожланишнинг давоми бўлди.

Халифа Хорун ар – Рашид (786-733) ва унинг турли Маъмун даврида Боғдодда «Байтул хикма» (Донишмандлик уйи) (ҳозир академия маъносида) ташкил етилади. Мазкур академия барча илм соҳиблари

тўпланган марказга айланади. Унинг қошида жаҳон кутубхонаси ташкил этилган, расадхона ҳам бўлган, кейинчалик янги кутубхона қурилган. Боғдоддаги мазкур илм маркази, ўз навбатида Шарқ ва Ғарбда илм фаннинг тараққий этишига, маънавий юксалишига таъсир етган. Бу ўринда халифа ал – Маъмуннинг илм – фан равнақиға кўрсатган хомийлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, халифа ал – Маъмун илм фанни жуда қадрлаган, у IX аср бошларида халифаликнинг Хуросондаги ноиби бўлган вақтида ҳам Мовароуннахр ва Хуросондаги олимларни тўплаб, уларнинг илмий ижодига шароит яратиб берилган. Улар орасида ал – Хоразмий, ал – Хутталий, ал – Жавҳарий, ал – Фарғоний, ал – Марвазий каби ватандош олимларимиз ҳам бўлган. Ал – Маъмун халифалик тахтига ўтиргач, у олимларнинг барчасини Боғдодга чакириб олади.

Сомонийлар даврида Рудакий, Фирдавсий, ал – Хоразмий, ал – Фаробий, ал – Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Синолар яшаб ижод етганлар.

X асрнинг иккинчи ярмида ташкил топган Қорахонийлар давлатида ҳам баъзи хошар ўз саройларида кутубхоналар ташкил етдилар. Бу кутубхоналарда араб ва ҳатто Ғарбий Европа олимларининг асарлари ҳам мавжуд эди. Бу даврда туркий тил шаклланиб борди. Юсуф Хос Хожиб, Маҳмуд Қошгарий каби олимлар ўзларининг жаҳон аҳамиятига ега бўлган асарларини яратдилар.

XI аср бошида Ғазнавийлар давлати кейинроқ Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар давлати ташкил топди. Ғазнавийлар даврида ҳам илмий, ижтимоий – фалсафий фикрлар ривожланди. Маҳмуд Ғазнавий ўз саройиға жуда катта маданий бойликларни тўплайди, олимларни илмий ишға жалб этади. Жумладан, Абу Райҳон Беруний ҳам Маҳмуд саройида яшаб «Машҳур Ҳиндистон» асарини шу ерда яратган.

XI асрда Хоразмда илм – фан айниқса тараққий етди. Хоразм шоҳи Маъмун ўз саройиға энг забардаст олимларини таклиф этади. У ташкил етган «Байтул хикма» - «Донишмандлик уйи» қомусий олимлар – Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, тарихчи Мискавайс, риёзатчи Абу Наср ибн Ирак, файласуф Абу Сал ал – Масиҳий, табиб Абдулхай Хаммор каби олимлар илмий ижод билан шуғулланганлар, лекин тожу – тахт учун кураш натижасида бу илм даргоҳи ўз фаолиятини тухтатади.

Низом ул - Мулкнинг маорифни ривожлантиришдаги хизматлари беқиёс. У 1067 йилда Боғдодда ўзининг шахсий жамғармасиға ўша даврнинг энг машҳур ўқув юрти – «Низомия» мадрасасини қурдиради. У олимлар, дилпешволари, суфийларға катта эътибор бериб, уларға ҳомийлик қилади.

Унинг катта хизматларидан яна бири таълимни ислоҳ қилиш бўлди. У 1074 йил Ўрта Шарқ мамалакатлари учун календар – тақвим тузадики, бу тақвим ҳозиргача энг такомиллашган тақвимлардан ҳисобланади.

Низом ул – Мулк 1092 йилда муҳолифлар туфайли ўз вазифасидан кетишға мажбур бўлади ва 14 октябрда номаълум шахс томонидан ўлдирилади.

XIV – XVI асрларда маворауннахрда мактаб ва педагогик фикрлар тарақиёти

Амир Темур Кўрагон ибн Амир Тарағай 1336 йилнинг 9 апрелида ўша пайтдаги Кеш (Шахрисабз)га қарашли Хожаилғор қишлоғида таваллуд топди. Отаси Тарағай ўзига тўқ, бадавлат киши эди. Темурнинг онаси Тегина Бегим Бухоролик таниқли олим Убайдуллоҳнинг қизи бўлган. Темур шахси масаласи узоқ йиллар давомида манн қилинганлиги натижасида нафақат Темур тарихи, балки Ўрта Осиёнинг XIV – XV асрлардаги тарихи, маданияти, маорифи масалалари деярли ўрганилмай қолди.

«Амир Темур номи тарихимиз саҳифаларидан қора бўёқ билан ўчирилиб, унитишга маҳкум етилди. Мақсад, халқимизнинг юрагидан миллий онг, миллий қурур туйғусини йўқотиш, уни қарамликка, тобеликка кўндириш эди. Лекин Ўзбек халқи ўз ажодларини, ўз баҳодирларини унутмади, ҳамиша юрагида, қалб тўрида сақлади».

Машхур муҳаррирлар ўз асарларида Амир Тумур исмига Кўрагон, Соҳибқирон, Қутбиддин, Абулмансур каби унвонлар кўшиб, уни эъзозлаб, улуғлаб ривоят ва хотиралар битганлар. («Кўрагон» сўзи – хон куёви маъносини билдиради, «Соҳибқирон» «Юлдуз буржларининг бахтли келиши (Қирон)»да туғилган фарзанд) демаклик. Қутбиддин – замона пешвоси, йўл кўрсатувчи авлиё, «Абулмансур» унвони еса – зафарманд, ғалаба қозонувчи деган луғавий маъноларни билдиради).

Темур билим олишни етти ёшдан бошлайди. У болалик ва ўсмирлик йиллари ҳақида шундай дейди, «Мен 9 ёшга тўлганимда намоз ўқий бошладим ва мадрасадаги барча ўқувчилардан устун бўлиб олди. 12 ёшимда болалар билан ўйнашга орландим ва вақтимни ўз тэнгдошларим ҳамда ўспиринлар билан ўтказардим», дейди. У Яна «Етти ёшимдан етмиш ёшимгача ва умр бўйи мен камбағалларга еҳсон қилар эдим. Бир марта кийган кийимимни иккинчи қайта киймас эдим ва уни йўқсилларга ҳадия қилардим. Мен қудратга еришганимда болаликдаги ёру дўстларимнинг ҳаммасини катта мансабларга кўтардим. Ҳар куни қўй сўйиб ва ҳар бир қўй танасини еттига бўлиб камбағалларга улашдим. Пайғамбар авлодларига, олимлар ва кексаларга нисбатан буюк ҳурмат ҳамда еҳтиром билан муносабатда бўлдим, уларга нафақа тайинладим, бу мамлакатнинг бадавлат кишилари оға-инимдек, етим-есир ва камбағаллар еса болаларимдек бўлиб қолди. Ҳаммага яхшилик қилдим. Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар қуришни дарёлар устига кўприклар қуришни буюрдим. Мусулмонларга диний масалалардан таълим бериб, шариат ақидалари ва ислом дини илмлари: Тафсири ҳадис, фикрдан дарс берсинлар деб, ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилдим». Бундан кўринадики, Амир Темур одоб-ахлоқ, иймон еътиқод, таълим-тарбия соҳасида мукамал билимга ега бўлган буюк сиймолардандир.

У ўзи ёзган ва Темур ҳақида ёзилган «Тузуки Темурий» (Темур тузуқлари), «Малфизоти Темурий» (Темурийнинг айтганлари) ва «Воқиоти Темурий» (Темурнинг бошидан кечирганлари) каби асарларда таълим-тарбия ҳақида фикр юритади.

Амир Темур куйидаги сифатларга амал қилган:

1-сифат: «мен сифатларимнинг энг авали деб беғаразликни тушундим. Ҳаммага ҳам бир хил жиддий ва одил қарадим... бойни камбағаллардан устун қўймадим».

2-сифат: «мен ҳар доим исломга қатъий риоя қилдим ва Аллоҳ Таолонинг амри билан шуғулланган шахсларга ҳурмат билан қарардим».

3-сифат: «мен камбағалларга кўп хайри-еҳсон қилдим...».

4-сифат: «халойиққа раҳм қилдим, барчага наф етказдим. Бунда бировга ноҳақ озор етказдим ва мандан ёрдам сўраб келганларни кўкрагидан итармадим».

5-сифат: «исломга тааллуқли ишларни мен ҳар доим кундалик итоатни адо етиб бўлганимдан кейингина кундалик ишларга қўл урдим».

6-сифат: «барча сўзларимда доимо ҳақиқатгўйликка амал қилдим. Бу дунё ва у дунё ҳақидаги эшитганларимдаги ҳақиқатни ёлғондан ажрата билдим».

7-сифат: «мен ҳар кимгаки, ваъда берсам, унга вафо қилдим».

8-сифат: «доимо ўзимни Аллоҳнинг ердаги мулкининг посбони деб билдим ва парвардигорнинг изсмисиз уни сарф етмадим».

9-сифат: «мен ҳар доим тангрининг амрини ва унинг пайғамбар Муҳаммад алайҳисаломнинг ҳадисларини тўла адо етишга интилдим».

10-сифат: «мен ҳар доим инсоф байроғини баланд кўтардим ва иймон тарқатишни ўз буюклигимнинг қудратли замини деб билдим».

11-сифат: «мен доим саидларга еҳтиром билан қарардим, уламо ва шайхларни еъзозлардим».

Шундай қилиб, соҳибқирон Амир Темурнинг ибратли, ҳаётий панд-насиҳатларининг кучлилиги, теранлиги, таъсири, умуминсоний қадриятлари асосига қурилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Бу ўғитлар халқларнинг бир мақсад сари бирлаштирган жипслаштирган, сеҳрли тарбиявий кучга ега бўлган дурдона – педагогикадир. Бу педагогика буюк Соҳибқироннинг давлатни бошқариш ва уни идора қилиш, ғолибона ҳарбий юришлар қилиш, мамлакатда осойишталик ўрнатиш, Фан ва маданиятни ривожлантириш, халқлар ўртасида дўстлик, меҳр-шавқат, одамийлик ва ахлоқ-одобни тарбиялаш каби муаммоларни ҳал қилишга бағишлангандир.

Амир Темур замонасида ўғил болалар учун диний билим берадиган мактаблар кўп бўлиб, масжидларда ва хусусий уйларда ўқимишли кишилар, домла-имомлар томонидан очилган.

Мактабларда араб алифбосида савод чиқарилган «Ҳафтияк» китоби ўқитилган. «Ҳафтияк»да кўпроқ диний маросимларда ўқиладиган суралар берилган. Уни ўрганишга 2-3 йил вақт кетган. «Ҳафтияк»дан сўнг «Чор китоб», Сўфий Оллаёрнинг ҳикматлари ўқитилган. Мактаб муайян ўқув дастурига еса бўлмаган. Ўқувчилар якка тартибда ўқитилган. Мактаб муайян ўқув дастурига ега бўлмаган. Ўқувчилар якка тартибда ўқитилган. Мактабга қабул қилишнинг аниқ вақти ҳам бўлмаган.

Темур ва темурийлар вҳдаврида Мовароуннаҳрда ибтидоий диний мактаблардан ташқари, шахзодалар, хонзодалар, бекзодалар ва йирик

амалдорларнинг болалари учун саройлар ва хонадонларда алоҳида савод мактаблари ҳам ташкил етилган. Бундай мактаблар подшо хонадони учун махсус қиссахон дейилар эди.

Шаҳзодалар ва маликалар Темурнинг бой кутубхонасида мутолаа қилишган. У кутубхоналарда барча фанларга оид китоблар бўлган.

Амир Темур даврида мадрасалар олий ўқув юрти вазифасини ўтган. Улар диний ва кейинчалик дунёвий билимлар ўчоғи бўлган. Кўплаб мадрасалар қурилган.

Тарихчи Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида ёзилишича Амир Темурнинг ўзига хос хусусиятларидан бири давлат ва мамлакат фуқаросининг ғамхўри бўлганлигидир. Унинг қонидаси «Ростидурусти» эди.

Амир Темур ўғит-насихатларида ахлоққа оид гаплар жуда кўпдир.

1. Адолат ва адолацизлик ҳақида: «Ҳар мамлакатда адолат ешигини очдим, зулму-ситами йўлини тўсдим. Қайси мамлакатни забт етган ёки қўшиб олган бўлсам, ўша ерни обрў-эътиборини, кишиларини азиз тутдим, сайидлари, уламолари, фуқаро ва машойихига таъзим бажо келтирдим ва ҳурматладим, уларга вазифалар бериб, маошларини белгиладим. Ўша вилоятларнинг улуғлари шўа-иниларимдек, ёшлари ва болаларини бўлса ўз фарзандларимдек кўрдим», - дейди.

Шунингдек, у иш ва сўз бирлигини хуш кўрар эди.

Амир Темур дўстигасодиқ эди. У Имом Барока вафот етганда йиғлаб кўз ёши тўккан. «Шиддатли кишиларни дўст тут, чунки тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди», деб Яна дўст-душмандан кимки мэнга илтжо қилиб келгудек бўлса, дўстларга шундай муносабатда бўлдимки дўстлиги янада ортди, душманларга шундай муомалада бўлдимки, уларнинг душманлиги дўстликка айланди.

Амир Темурнинг ўзи Тўхтамишхон унинг паноҳига сиғиниб келганда унга яхшилик ва мурувват кўрсатган. Амир Темур «Ҳеч кимга ғазаб билан қаттиқ муомала қилмадим», деб ёзади ўз тузукларида. У ширин сўз айтиб ғанимни имонга киритган. «Бир калима ширин сўз қилишни қинига киритар», деб таъкидларди Соҳибқирон.

Шундай қилиб, XIV асрнинг иккинчи ярмидан XVII асргача бўлган давр Мовароуннаҳрда иқтисодий, ижтимоий, маданий юксалиш дари бўлди. Марказлашган давлатнинг асосчиси Амир Темур ўз империясини тузиб, унинг иқтисодий ва маданий қудратини юксакликка кўтарди. Уни Оврўпа ва Шарқда энг қудратли давлатга айлантиришга еришди.

Абдурахмон Жомийнинг XV асрда яшаган мутафаккурлар каби инсонни, унинг юксак ахлоқий хислатларини, гўзал фазилатларини қуйлаш орқали уларнинг бахт-саодатига еришиш йўлларини баён етган алломалардан саналади.

Абдурахмон Жомийнинг тўлиқ исми Нуриддин Абдурахмон ибни Аҳмад бўлиб, 1414 йил 7 ноябрда Жом шаҳрида таваллуд топган. Жомий тахаллуси у туғилган жой – Жом шаҳри номидан олинган.

Абдурахмон Жомийнинг ҳаётида ва фаолиятида, унинг ижодий йўли, таълимий ва тарбиявий қарашлари ҳақида машҳур шарқшунос олим

Е.Е.Бертелс, тожик олими М.Орифий, ўзбек олимлари Ш.Шомухамедов, А.Қаюмов, Ҳ.Алиқулов ва бошқалар тадқиқот олиб борганлар.

Абдурахмон Жомий ўз асарларида инсоний юксакликни таъриф этади. Тадқиқотчи Ш.Шомухамедов Жомий ҳақида фикр юритар экан: «Унинг шахсан ўзи бунга намуна бўлади; поклик шамларидан бири бўлиб порлаган», - дейди.

Жомий учта лирик девони, еттита дostonдан иборат «Ҳафт авранг» (Етти тахт), таълим-тарбияга оид «Баҳористон» асарлари билан жаҳон маданияти тараққиётида муносиб ўрниша ега бўлди. Унинг барча асарлари сонини тадқиқотчилар 46 та деб аниқлаганлар.

Абдурахмон Жомийнинг таълимий-ахлоқий қарашлари Саъдийнинг «Гулистон» асари услубида ёзилган «Баҳористон» асари ва «Ҳафт авранг»га кирган «Тухфатул аҳрор» ҳамда «Силсилатуз-заҳаб» (Олтин тизмалар) ва бошқа дostonларида ифодаланган. Бу дostonларда ва «Баҳористон»да Жомий ҳақиқий камолотга еришган инсон ҳақидаги қарашларини баён этади.

Жомий ўзининг машҳур «Силсилатуз-заҳаб» (Олтин тизмалар) дostonида еса «Севимли азиз фарзандга насиҳат» бобида, энг аввало ҳар бир ёш билим олиши зарурлиги, чунки инсон умри жуда қисқа бўлиб, бу умрини беҳуда ўтказмаслиги, аммо билим олгандан сўнг унга амал қилиш лозимлигини таъкидлайди ва амалиёциз илм ҳам беҳуда эканлигини алоҳида уқтириб ўтади.

Жомий билимни ёшлиқдан егаллаш лозимлигини таъкидлайди ва жоҳилликни қаттиқ қоралаб, доно билан нодонни бир-бирига қарама-қарши қўяди.

Ҳаммадан аввал фарзанд, билимдан бахраманд бўл,
Нодонлик юртдан чиқ, билим томон олгил йўл,
Ҳар бир кишига бу сўз, ойна каби аёндир,
Доно тирик ҳамиша, нодон ўликсимондир.

Абдурахмон Жомий «Баҳористон» асарида илмни беҳуда егалламаслик, ҳар бир шахс фойдаси тегадиган илмни егаллаши зарурлигини таъкидлайди.

Маълумки, барча алломаларнинг таълимий-ахлоқий асарларидагидек, Жомий ижодида ҳам инсоннинг билим олиш билан бирга касб-хунар егаси бўлиши ҳам унинг камолотининг муҳим мезони сифатида талқин етилади.

Масалан, «Баҳористон»да бундай ғояни илгари сурган ҳикоятларни кўплаб учратамиз.

Жомий инсон учун илму-хунарнинг қай даражада зарурлигини тўғри талқин етган. Аллома илм ва хунарни ёъзозлаган раҳбар ҳам ўз елининг ёъзозига сабаб бўлиши, бундай ўлка гуллаб яшнаши мумкинлиги таъкидлади. Шунингдек, Абдурахмон Жомий меҳнаткаш инсонни улуғлайди, айниқса, деҳқонлар меҳнати ҳақида фикр юритар экан, уларнинг моддий неъматлар яратиш билан жамиятда хурматга сазовор эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Жомий асарларида яхшиликни баркамол инсон ега бўлиши зарур бўлган энг зарур ахлоқий хислат сифатида тараннум етилиши бежиз эмас.

Зеро энг кадимги маърифий ёдгорликлардан бошлаб яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш ва яхшилик, эзгуликнинг ғолиб келишига бўлган олий истак барча пандномаларнинг асосини ташкил етган.

Хулоса қилиб айтганда, Абдурахмон Жомийнинг етти дostonдан иборат «Ҳафт авранг», «Тухфат-ул-аҳрор», «Сабҳат ул-аброр» каби фалсафий-ахлоқий асарлари; «Хирадномаи Искандар» дostonи, «Силсилатус-заҳаб» (Олтин тизмалар) асарларида унинг инсон тарбиясига оид баркамол ғоялари ўз ифодасини топган.

Абдурахмон Жомий ўз асарларида инсонни улуғлайди, уни маънавий камолот даражасига кўтаришнинг асосий мезонларидан бири билимлилик, ақлий камолотнинг юксак даражасига еришиши зарурлигига алоҳида эътибор берган.

Жомий маънавий баркамол инсонни тарбиялашнинг иккинчи бир жиҳати ахлоқий баркамоллик деб билди ва ахлоқийлик – юксак хулқ-одоб мезонлари сифатида инсонийлик, адолат, меҳнацеварлик, саҳоват ва карам, меҳр-мурувват, чин инсоний муҳаббат, ростгўйлик, камтарлик, жасорат, мардлик каби хислатларни улуғлайди ва такаббурлик, мол дунёга ҳирс қўйиш, ёлғончилик, жоҳиллик билан боғлиқ иллатларни қоралади.

Қомусий билимлар соҳиби, буюк мутафаккир **Алишер Навоий** фан ва санъатнинг турли соҳаларини ривожлантириш билан бирга, таълим-тарбия масалаларига ҳам катта эътибор берган. У 1441 йил 9 февралда Ҳирот шаҳрида туғилган. Адабиёт ва бадиий ижодга муҳаббат унда болалигида уйғонган. Алишер шеър тинглашни ва айтишни жуда севган. Алишер Ҳиротда ва Машҳадда ўқиган, араб ва форс тилларини ўрганган. У 15 ёшидаёқ истеъдодли шоир сифатида халқ оммасига танилган. Ўзбек Туркий тилидаги шеърларига «Навоий», форс-тожик тилидаги шеърларига «Фоний» тахаллусларини қўйган.

Алишер Навоийнинг «Ҳамса», «Маҳбуб ул-қулуб», «Арбаъин», «Назм ул-Жавоҳир», «Муножот», «Вақфия» каби асарларида тарбияга катта ўрин берилган.

Навоийнинг таълим-тарбия соҳасидаги фикрларида инсонпарварлик ғоялари марказий ўринда туради. Унинг фикрича, инсон дунёда ҳаммадан юксак ва қадрлидир.

Навоий инсон учун келажак авлодни яратишдан, уни тарбиялаб, фойдали киши қилиб етиштиришдан кўра ҳайрли ва лаззатли нарса йўқдир, дейди. Шунингдек, ҳар бир киши ўз фарзандининг яхши тарбия кўриши ва камол топиши тўғрисида ғамхўрлик қилиши, болага келажакдаги ҳаётига монанд гўзал ва мазмундор номлар қўйиши лозим, дейди.

Навоий ҳаётда ўз илмига амал қилиши, ўрганганларини ҳаётга тадбиқ етиши масаласига алоҳида эътибор беради. Масалан, у «Маҳбуб ул-қулуб» асарида илм ўқиб уни ишлатмаган киши, шудгор қилиб деҳқончилик қилмаган ёки уруғ сочиб ҳосилидан баҳра олмаганга ўхшайди, дейди.

Илм ўқуб қилмағон амал мақбул,
Дона сочиб кўтармади мақсул.

Алишер Навоий билим олишда барча фанларни ўрганишни тарғиб этади. Бунда у олиму фозилларни йиғиб, улар орқали илм-фанни тараққий еттиришга эътибор беради.

Масалан: Навоий ўзининг «Ихлосия» мадрасаси ёнида мактаб очиб, ўз вақфидан маблағ ажратган, мадрасада таълим олаётган ҳар бир талабадан илмда қаттиқ интизомга риоя қилиш талаб етилган. Шунингдек, у илм-фанни мустақил ҳолда ўрганиш, етук илм соҳибларидан дарс олишга ҳам ундайди.

Алишер Навоий илм олиш йўллари ҳақида ҳам муҳим фикрлар баён этади. У билимларни тинмай узлуксиз ўрганиш зарур дейди. Бунда ҳар қандай қийинчиликларни энгиб ўтиш муҳимлигини, кунт билан ишлаш, тиришқоқлик билан ҳаракат қилиш, изчиллик билан ўрганишни таъкидлайди. Алишер Навоий таълим тизимини ўз даврида мактаб, мардрасаларда ўқиш, олим, ҳунуарманд, санъаткорларга шогирд туши бёки мустақил ҳолда илм олиш имкониятларидан фойдаланишни тавсия этади.

Алишер Навоий ёшларга чуқур билим беришда муаллимлар, мударрислар ҳамда устоз-мураббийларнинг ўзлари ҳам билимли ва тарбияли бўлиши зарурлигини уқтиради.

Қаттиққўл, жоҳил ва тамагир ўқитувчиларни танқид қилиб улар раҳмсиз, мияси пўлат ва кўнгли тошдир, дейди. Уларни қоралаш билан бирга ўқитувчи меҳнатининг оғирлиги мураббийлик ҳаққини холисона баҳолайди.

Алишер Навоий асарларида комил инсонни тарбиялаш услуб ва усуллари, воситалари ҳам ўз ифодасини топган. Навоий асарларида бола тарбияси билан оилада ва мактабда шуғулланиб, намуна услубидан фойдаланиш тавсия етилган. Тарбия ва таълим ота-она ҳамда ўқитувчи томонидан олиб борилиши лозим топилади. Алишер Навоий болаларга жисмоний жазо бериш эмас, балки хушмуомалалик билан муомалада бўлишини, лекин бунда ҳам меъёридан ошмаслик лозимлигини уқтиради. Тарбия ҳақида гапирар экан «Қобилиятлини тарбия қилмаслик зулмдир ва қобилияцизга тарбия ҳайф. Уни тарбия қилмаслик билан нобуд қилма, шунга тарбиятингни нобуд қилма», дейди.

Алишер Навоий тарбияда инсоннинг ўз-ўзини тарбиялашига хато ва камчиликларни англаб тузатишига эътибор беради. Янглиш ва хато кишиликнинг шартидир. Кимки, еътироф томон қайтар экан, хатоси йўқолади. Кимки, далил келтириб алжирай берса, хатосини бир карра оширади. Яъни киши хато қилганда янглишганини бўйнига олса – бу яхши. Агар ўз хатосига далил кўрсата берса, унинг хатоси Яна икки баробар ортади, дейди аллома.

У бола тарбиясига ва уни шахс сифатида шакллантиришга катта аҳамият бериб, болани уйнинг «чироғи», бола оилага бахт ва саодат келтирувчидир, деб характерлайди.

Алишер Навоий болаларга ёшлигиданоқ билим, маълумот ва тарбия беришликни кўрсатиб, ўқил-қизларни 6 ёшдан тарбиясига – муаллимга бериш лозимлигини айтади.

Шу билан бирга илк ёшдаёқ фанлар ва ҳунарларни егаллаб олмоқлиги лозимлигини таъкидлайди.

Алишер Навоий таълим-тарбия масалаларига алоҳида эътибор берар экан, тарбия жараёнларини, воситаларини, талабларини кўрсатади. У таълимда илмийликка асосланган, тархийлик каби талабларни асос қилиб олади. У ўқитувчи ҳақида гапирар экан, муаллим ўз шогирдларини ҳам, ўзи таълим бераётган фанни ҳам севган бўлиши зарур дейди. Ўзига ҳам ўқувчига ҳам талабчан бўлишини уқтиради.

Навоий ўқитувчини жамиятда обрўли ва ҳурматга лойиқ инсон деб билиб, шогирдлар муаллимни ватандек жуда ҳурмат қилишларини, еъзозлашларини уқтиради.

Алишер Навоий ўзи яшаган анна шу муҳитнинг маданий камолотига инсоният тарихида абадий боқий қолувчи ҳисса қўшди. Шунингдек, Навоийнинг ҳаёти, фаолияти, мероси ўзидан кейинги авлодларнинг сиёсий онгини ўсишида, миллатпарварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик ҳис-туйғуларининг шаклланишида катта манба бўлиб хизмат қилади.

XV асрда фақат Эронда эмас, балки Хуросон ва Мовароуннаҳрда ҳам ижтимоий фалсафий, маърифий фикр тараққиётига катта ҳисса қўшган олимларидан бири **Жалолоддин Давоний**дир. Давонийнинг таълимий-ахлоқий қарашлари Алишер Навоий, Абдурахмон Жомийларнинг ижтимоий фикрлари билан кўп жиҳатдан туташ келади.

Жалолоддин Муҳаммад ибн Асад ас-Сиддиқий ал-Давоний Эроннинг Казарун вилоятидаги Давон қишлоғида 1427 йилда дунёга келган.

Жалолоддин Давоний бошланғич маълумотни қишлоғида олгач, Шерозга келади ва у ерда Дорул ай-том мадрасасида тахсил кўради. Мадрасада у мусулмон қонуншунослиги (фикх) билан махсус шуғулланади ҳамда илм-фан сирларини машғур олимлардан ўргана бошлайди. Унинг отаси Саъдиддин ҳам ўз замонининг фозил кишиларидан бўлиб, ўғлининг ҳам илм-фанни чуқур егаллашига ёрдам беради. Давоний ўз даврининг илм-фан тараққиётига катта ҳисса қўшган қомусий олим. Унинг йирик олим бўлиб етишишида Самарқанд, Ҳирот илмий муҳитининг ҳам катта таъсири бўлган.

Давоний инсонни камолга еришиши унинг бошқалар билан муносабатига ҳам боғлиқ экнлигини таъкидлайди, жамиятда, маълум ижтимоий муҳитда, бошқалар билан алоқада шаклланиб тарбия топган. Инсон ўзи яшаган жамиятда адолат ҳукмрон бўлса, унда бахт-саодатга еришиши мумкин, дейди. Шунинг учун у «Ахлоқи Жалолоий» асарида жамиятни адолатли фозил шахарга ва жоҳил шахарларга бўлади. Фаробий каби Давоний ҳам фозил шахар бошқарувчисида ўнта энг яхши фазилат мужассамлашган бўлиши керак, дейди. Булардан:

1. Ҳукмдор одамларни еъзозлаши.
2. Давлат ишларини адолатли ижро етиши.
3. Хирс ва шахватга берилмаслиги.
4. Ҳукмдорликда шошма-шашарлик ва ғазабга йўл қўймаслиги, балки шафқат ва мурувватга асосланиши.

5. Халқининг еҳтиёжини қондириши учун худанинг иродасидан келиб чиқиши.

6. Халқ еҳтиёжини қондиришга оид ишларни бажаришга ҳаракат қилиши.

7. Халққа нисбатан одил бўлиши.

8. Ҳар бир ишни маслаҳатлашиб, кэнгашиб ҳал етиши.

9. Ҳар бир кишини унинг қобилиятига монанд лавозимга тайинлаши, қобилиятига кишиларга юқори лавозим бермасликни.

10. Адолатли фармонлар чиқариши, қонунни бузишга йўл қўймаслик қабилардир.

Давонийнинг фикрича, боланинг тарбия олиши, одоб-ахлоқли бўлиши унинг кейинги тарбиясига ҳам боғлиқ. Чунки ҳаётда ҳар куни бола кўрадиган, мулоқотда бўладиган нарсалар унинг хулқига яхши ва ёмон томондан таъсир етади. Болада ҳар куни керак бўладиган инсонинг хислатлар: юриш-туриш қоидалари, хушмуомалалик, ота-она ва бошқа катта ёшлиларни ҳурмат қилиш, тўғрилиқ ва ростгўйликни ўрганиш, ширинсуҳанлик, камтарлик, сўзлашув одобига риоя қилиш кундалиқ турмушда ўрганилади. Шунга кўра бундай хислатларни болаларда ҳар куни тарбиялаб борилиши муҳим. Бундай тарбияда еса ота-она олдида катта вазифалар қўйилади. Ота ва она бола тарбиясида баробар масъулиятлидир, дейди Давоний.

Ота боланинг яхши фазилатларни егаллаб, касб-хунар ўрганиб бориши, илм-фанни чуқур ўзлаштириб олиши учун моддий асос, яъни кийим-кечак, керакли буюмлар билан таъминлайди.

Она бола тарбиясида асосий қийинчиликларни бошидан кечирувчи саналади. У болага яшаш учун қувват беради, еҳтиётлаб асрайди, меҳр-шавқатини аямайди.

Болага оддий ахлоқий ўргатиш, юриш-туриш, ейиш-ичиш қоидаларига риоя қилиш, ўз қилмиши олдида жавоб бериш масъулиятини ҳис етишни таркиб топтириш ота ва она бурчидир. Бола тарбиясида ота-она билан бир қаторда мактабга чиққандан сўнг муаллим ҳам жавобгар саналади, дейди олим. Бунинг учун муаллимнинг ўзи ҳам яхши тарбия топган бўлиши шарт. Шу ўринда Давоний муаллимнинг хислатларига, бола ва унинг ўртасидаги муносабатларга алоҳида эътибор беради. Давоний муаллимни «Маънавий падар» деб атайти. Чунки ота болани жисман ҳаётга келтириб, уни жисмоний тарбияласада, муаллим уни маънавий жиҳатдан камолотга етказди, дейди, олим. Давоний ғазабни энг оғир руҳий касаллик дейди. Ғазаб кишининг катта нуқсони, камчилиги, ақлсизлигидир, агар ақл ғазаб ва ҳиссиётга бўйсунса, киши ҳайвон даражасига тушиб қолиши мумкин, чунки ҳайвоннинг ақли бўлмаганлиги туфайди у ғазабни бўйсундира олмаса, буни ҳеч қачон кечириш мумкин эмас. У ҳамма вақт ўз ғазабини ақлга бўйсундиришга ҳаракат қилиши керак, шундагина у ҳақиқий инсон бўлиб етишиши мумкин, дейди. Олим кишилар руҳияти ҳақида гапирар экан, ғазаб қувватини қуйидагиларга бўлади: баъзилар тез ғазабга келади ва тез жаҳлдан тушади, баъзилар еса секин-аста ғазабланиб, тез жаҳлдан тушадилар, баъзилар тез ғазабланиб, узоқ вақт жахилларидан тушмай

юрадилар. Давоний ғазаб турларидан иккинчисини яхшиси деб энг охиргисини ёмони деб белгилайди.

Демак, Давоний кишиларнинг салбий руҳий ҳолатларини даволаш мумкин, деб ишонади ва уларни яхши маслаҳат бериш, сўз билан, жазо ва меҳнат қилдириш йўллари билан тарбияласа бўлади, деб ҳисоблайди. Давонийнинг илм-маърифат, таълим-тарбия ва ахлоқ тўғрисидаги фикрлари таълим-тарбия тарихида муҳим аҳамиятга эга.

XVII дан XIX асрнинг биринчи ярмигача хонликларда мактаб ва педагогик фикрлар равнақи

XV асрнинг охири XVI аср бошларида Мовароуннаҳр бир юз еллик йил хукмронлик қилган теурийлар сулоласи инқирозга учради. Унинг ўрнига Шайбонийлар хукмронлиги ўрнатилди. Шайбонийхон (1451-1510) Мовароуннаҳрда кучли марказлашган давлат барпо қилишга уринган бўлса ҳам, унинг ўлимидан сўнг ўзаро урушлар авж олиб кетди ва бу ҳуқудда учта хонлик, аввало Бухоро ва Хоразм, XVIII аср охирига келиб, Қўқон хонлиги қарор топди. Бу хонликлар орасидаги бетўхтов урушлар фан-маданият соҳасига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Иқтисодий ахвол ҳам тобора ёмонлашиб бормоқда эди. Бунинг олдини олиш мақсадида бир неча бор пул ислоҳати ўтказилди. 1502 йилда Зарафшон дарёсига сув айиргич қурилди.

Бухоро хони Абдуллахон чет давлатлар билан алоқаларни яхшилаш чора-тадбирларини кўради. Бу давлат ўртасида дўстона муносабатларни ва алоқаларни мустаҳкамланишига олиб келди. Абдуллахон ўз атрофига ёзувчи, шоир ва олимларни тўплаб уларга ҳомийлик қила бошлади. Шоирлар орасида, айниқса Мушфикий ўз мадҳиялари билан, лирик шеър ва ҳажвиялари билан шуҳрат қозонди. Абдуллахон кўплаб мадраса, масжид, кўприк, сув омборлари ва бошқа иншоатларни қурдирди. Сарой муаррихларидан Ҳофиз Таниш далиллар асосида «Абдулланома» номли катта тарихий китоб ёзди.

Тиббиёт соҳасида Султонали Самарқандий «Дастур ал илож», Муҳаммад Юсуф маххол «Тахқиқ ал-хумайёт», «Зубдат ул-қаҳқолин» асарларини; шоир ва адиблардан Самарқандийлар еса баракали ижод қилганлар. Шайбонийхоннинг «Таворихи ғузидаи нусратнома», Бобурнинг «Бобурнома», Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ», Фазлуллоҳ ибн Рўзбехоннинг «Меҳмонномаи Бухоро» каби йирик бадий асарларида ўша давр ижтимоий, мафкуравий, адабий маърифий ҳаёти ўз аксини топган.

Мазкур даврда Муҳаммад Балхийнинг 5000 байтдан иборат «Субхонқулихоннома», Мирмуҳаммад Амин Бухорийнинг «Убайдулланома», Муҳаммад Вали Самарқандийнинг 200 нафар адабиёт арбоблари таржимаи ҳолига оид маълумотлар берувчи «Музаккирул асхоб» номли асарлари, Сайидо Насавфийнинг Нақшбандийга бағишлаб ёзган шеърлари, қасидалари, Сўфи Оллаёр ва Бобораҳим Машрабнинг тангига бўлган муҳаббатларини ифодаловчи шеърлари, борлик, мавжудот, инсон, маҳбуб, моддий дунё ноз-неъматларидан баҳраманд бўлиш, шариат,

тарикат, маърифат ва ҳақиқатга амал қилиш ҳақидаги асарлари юзага келди. Бу даврда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида диний мафкура ҳукмрон эди. Турмушда ҳам, оилада ҳам, ҳар бир киши ахлоқида, ҳуқуқ-атворида диний талабга риоя етилар, мадрасаларда асосан илоҳий таълим асослари ўрнатилад эди. Мадрасани битирганлардан мударрис, мутавали, қози, имомлар, шунинг билан бирга фан арбоблари, адиблар, шоирлар ҳам етишиб чиқарди. Чунончи: Бобораҳим Машраб, Муҳаммад Амин Косоний-Намангоний, фазлий Намангоний, Шавкай Намангоний, Сайидо Насафий, Сўфи Оллаёр, Зебунисо, Дилшод-Барно, Увайсий, Муҳаммад Мир Олим Бухорий, Абулғозий Баходирхон кабилар анна шундай илм соҳиблариландирлар.

Бу даврда кўпроқ адабиёт, тарих, меъморчилик, тасвирий санъат ривожланди. Абулғозийнинг «Шажараи турк» асари айниқса машҳур бўлди. Абулғозий 1603 йили Хива хони Арабмуҳаммад оиласида дунёга келди ва у 1645-1663 йилларга келиб ҳукмронлик қилган эди. У сипоҳлик, шоирлик, тарихнавислик соҳаларида шуҳрат топганди. Абулғозий барча шарқ ҳукмдорлари каби Шарқ халқлари тарихини, маданий меросини ўрганган, илм-фанга еътиқод қўйган, мамлакатда осойишталик ўрнатишга ҳаракат қилган ҳукмдор, олим, тарихчи ва адиб бўлган эди.

Абулғозий Хоразмда илм-фанни тараққий еттириш ва маданиятни яхшилаш мақсадида ўз саройига бинокорлар, табиблар, шоирлар, тарихнавислар, адиб, хаттот ва бошқа касб егаларини тўплади. Абулғозий ота-боболарининг кунчиликлари туфайли ёзилмай қолиб кетаётган хонлик тарихини яратишга қатъий киришди ва қобилиятли хаттотларни бу ишга жалб етди. Хоразмнинг ўтмиш маданияти Абулғозийда катта иштиёқ ва қизиқиш уйғотган эди. Абулғозий «Шажараи тарокима» (1661), «Шажараи турк» (1664) ва табобатга оид «Манофё ул-инсон» (1664) каби нодир асарлар ёзди ва Хоразм тарихчилик мактабига асос солди.

Абулғозий асарлари Шарқ тарихчиларининг – олимларининггина эмас, балки 1880 йиллардан бошлаб рус ва Ғарбий Оврўпа олимларининг диққат-еътиборини ўзига торта бошлади. муаллифнинг «Шажараи турк» асари (1825) Қозонда Руменсев, 1854 йилда Г.С.Саблуков, 1871 йилда П.И.Демизонлар томонидан, «Шажараи тарокима» асари еса 1898 ва 1966 йилларда бир неча маротаба рус тилида нашр етилди. Ғарбий Овропада еса немис, англиз, франсуз тилларида, ҳатто Америкада ҳам таржима қилиниб нашр етилди.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон худудидаги хонлик ва амирликлар даврида фан, адабиёт, санъат, маърифат бирмунча ривожланган. Кўпроқ хон саройлари доирасида ҳам диний, ҳам дунёвий адабий асарлар ёзилган. Ўзбек тилида ёзилган асарлар орасида муаллифи ҳалигача номаълум «Таворихи гузида»да туркий қабилалар тарихи ва номлари кэнг ёритилади. Бу даврда бошқа кўплаб тарихий асарлар яратилганки, биз уларни ўрганишимиз орқали ўтмишни тўғри тасаввур қила олиш имконига ега бўламиз. Жумладан, бу вақтда Муҳаммад Ёқубнинг «Гулшан ул-мулук», Муҳаммад Мир Олимнинг «Тарихи амир Насрулло», Мулла Аваз Муҳаммаднинг «Тарихи жажоннумойи», Мулла Ниёз Муҳаммаднинг

«Тарихи Шоҳруҳи», Абдурахмон Толенинг «Абулфайзхон тарихи» каби асарлари диққатга сазовордир.

XVIII асрда яшаб ижод етган маърифатпарварлар орасида Сўфи Оллаёр анчагина машхур бўлиб, униг асарлари мактабда, мадрасаларда ўқув кўлланмаси сифатида кэнг фойдаланилган.

Сўфи Оллаёр 1720 милодий (1133 хижрий) йилда таваллуд топган. У дастлаб Самарқандда ўз кишлоғида бошланғич таълим олади, сўнгра ўн ёшларида Бухорога бориб, у ерда ўн беш йил давомида турли илмларни ҳамда касбларни ўрганеди. 25 ёшда Бухоронинг божхонасига амалдор етиб тайинланади. Лекин кўп ўтмай, Оллаёр шайх Хабибуллохга еътикод қилиб, уларнинг илм халқаларига қабул қилиндилар. Шайх Хабибуллох мадрасасида Оллаёр ўн икки йил ўқиб, етук олим ва авлиё даражасига етади.

Сўфи Оллаёр фикҳга оид «Сирож ул-ожизин», «Сабот ул-ожизин», «Мурод ул-орифин», «Махзан ул-муштайин», «Нажот ул-толибин» асарларини яратди. «Сабот ул ожизин» деган асар мактабларда савод чиқарилиши биланоқ ўқитиладиган дарслик сифатида фойдаланилар эди. Унда ислом динининг асосий қоидалари, ақидалари баён етилган. Улар инсоний фазилатлар, бадий хикматлар, ҳамда хикоятлар тарзида ифодаланади. Китобда илгари сурилган масалалар ояту ҳадисларга мувофиқ ёзилганлиги намоён бўлади. Асар форс ва араб тилини билмаган оддий халқ учун мўлжалланган. Унда «Аллоҳ таолони танимоқ баёнида», «Аллоҳ таоло маърифатининг баёни», «Аллоҳ таолонинг саккиз сифатини баёни»дан сўнг иймоннинг, фаришталарнинг баёни, пайғамбарларга иймон келтириш баёнидан сўнг ислом динининг асосий қоидалари юксак ахлоқий талаблар, ҳикоятлар, хикматлар асосида баён етилиб берилади.

Масалан, «Камтаринлик, ҳақида мавъиза», «Таъмадан тийилиш ҳақида», «Ёмонлар суҳбатидан қочиб, яхшилар суҳбатида бўлмоқнинг баёни», «Нафси шум баёнида», «Банда ахдида турмоғи баёнида», «Яхши ҳамроҳ баёнида», «Хиёнатдин йироқ бўлмоқ баёнида», «Жавонмардлик нишони» каби боблар бунга мисолдир.

Бу даврда мактаб ва мадрасаларда грамматика, хандаса, мантиқ, қироат, тафсиф, шариат, ҳикмат, ислом тарихи ва ақидаларига оид илмий-назарий билимлар, иш юритиш, ҳуқуқшуносликка, савдо-сотик ишларига оид, мерос ва бойлик, тақсимот ва шу каби бошқа ўнлаб илмий билимлар, дунёвий ҳамда диний билимлар ўргатилар эди. Барча мадрасаларда мажбурий фан сифатида «Қуръон», «Тафсир», «Одоб ас-солихин», «Маслак ул-муттақин», «Сабот ул-ожизин», «Кимёи Саодат», «Ҳадис» кабилар ўқитилган. Ўқиш муддати 15-20 йилни ташкил етган. Масжид ёнидаги мактабда болаларга 7 йил алифбе, абжод, Қуръон, фарзи, чор китоб, Хожа Ҳофиз, «Маслак ул-муттақин», Мирзо Бәдилдан савод ўргатилган.

Ўзбек болалари ўқийдиган мактабларда «Китоби Фузулий», «Лисон ут-тайр», «Девони Алишер Навоий», «Хувайдо», «Қиссаи девона МАшраб», Сўфи Оллаёрнинг «Сабот ул-ожизин» китоби ўқитилган. Барча

мактабларда талабаларнинг саводи чиқарилгандан сўнг Сўфи Оллаёр ўқитилган.

Мазкур даврда луғацҳунослик, тарихнавислик фанлари ривожланди, шеърят кэнг равнақ топди. Кўплаб асарлар араб ва форс тилларидан таржима қилинди, халқ оғзаки ижодига катта эътибор берилди. Халқ оғзаки ижодиёти орқали ёшларга қаҳрамонлик, меҳнацеварлик, ҳақгўйлик, садоқат каби инсоний, ахлоқий фазилатлар тарғиб қилинди.

Таълим-тарбия жараёнида хотин-қизларга, аёллар тарбиясига катта эътибор берилган. Ўқимишли, зиёли аёллар томонидан кўплаб мактаблар ташкил етилди ва у отинлар мактаби деб номланган. Марказий Осиёда отинлар мактабининг асосчиларидан бири, аёллар таълимида катта хизмат қилган, ўзига хос мактаб яратиб шуҳрат қозинган, машҳур отинлардан бири Жаҳон Отин Увайсийдир. Жаҳон Отин Увайсий Марғилон шаҳар Чилдухтарон маҳалласида, Фарғона тумани, Арсун қишлоғида туғилиб яшаган. Увайсийнинг мактабдорлик фаолияти қайси йилларда бошланганлиги маълум эмас. Аммо, у турмушга чиққунча, шоира, отинча сифатида анчагина танилиб қолган эди.

1796-1797 йилларда онаси отинлик қилган хусусий мактабда Увайсий дастлаб халфалик ва кейинчалик мустақил равишда отинлик қилган. Жаҳон отин ўз мактабида таълим-тарбия соҳасида ўзига хос илғор усулларни қўллашга ҳаракат қилганини кўрамиз.

XIX асрнинг бошларида мактабларнинг аниқ бир таълим тизими ҳақида гапириш бир оз қийин. Бу даврда асосан мактабларнинг, яъни таълим муассасаларининг қуйидагича бошланғич мактаблар тузилишига ега эканлигини кўрамиз:

1. Мактаблар:

а) ўғил болалар мактаби – ўғил болаларга диний таълим-тарбия берадиган бошланғич мактаблар;

б) отиний мактаблар – қиз болаларга ислом қоидаларини ўргатадиган ва бошланғич мактаблар.

2. Мадрасалар – ўғил болаларга диний таълим берувчи олий таълим муассасалари.

Қизларга бошланғич диний таълим берадиган отинбиби мактаблари эса асосан хусусий бўлиб, отинларнинг уйларида ташкил қилинар эди. Бундай мактаблар муайян бир ўқув режасига ва дастурига эга эдилар. Ўқувчилар ҳам синфларга бўлиб эмас, балки болалар ўқитиладиган китобларни ўзлаштириш даражасига қараб гуруҳларга бўлиб ўқитилар эди.

Мактабни муваффақиятли тугатган талабалар бир қанчаси туман миқёсидаги отинлар мактабида ўқишни давом эттирар эдилар. Увайсий Кмархон саройида шоира сифатида шеър санъатидан, мусикадан муаллифлик қилган.

Жаҳон отин Увайсий фаолият кўрсатган қизлар мактаби ибрат олса арзийдиган билим ўчоқларидан саналади.

Муҳаммад Содик Қошғарий ҳақида бизгача жуда оз маълумотлар етиб келган. Лекин ҳозирги пайтда бизга маълум бўлган «Одоб ас-солиҳин» асарининг ўзиёқ бизга уни машҳур педагог олим сифатида танитади.

Муҳаммад Содик Қошғарий 1740 йилда Қошғарда камбағал дехқон оиласида туғилган ва 1843 йилда у шу ерда вафот етган биз олимнинг қай даражада тарбияшунос эканлигини унинг мероси – қолдирган асарларидан биламиз. Унинг «Одоб ас-солиҳин» (Яхши кишилар одоби), «Зубдат ал-масойил» (Масалаларнинг қаймоғи), «Дурр ал-музоҳир» (Кўмакдошларнинг дурдонаси) ҳамда «Тазкин хожагон» (Хожалар тазкираси) асарлари бизгача етиб келган.

Муҳаммад Қошғарийнинг «Одоб ас-солиҳин» (Яхши кишилар одоби), «Зубдат ал-масойил» (Масалаларнинг қаймоғи) асарлари туркий тилда яратилди. У 5 марта: Тошкентда 1889, 1901 йилларда ва Истамбулда 1894-1892, 1986 йилларда қайта нашр етилган.

Унда кундалик турмушимизда ҳар бир ёш эгаллаб олиши зарур бўлган зоҳирий (ташқи) ва ботиний (ички) одоб ва ахлоқ қоидалари нималардан иборат бўлиши зарурлиги ва шунда буларнинг (толибу-содиқларнинг) ҳам ўсиб, баркамол инсон даражасига етишиши таъкидланади.

Муҳаммад Содик Қошғарийнинг «Одоб ас-солиҳин» (Яхши кишилар одоби) асари муалифнинг ўзи таъкидлаганидек, муқаддима ва 7 бобдан ҳамда ҳар бир боб 4 фаслдан иборат.

Муқаддимада асарнинг мақсади ифода етилади, яъни инсонга яхши хулқ егаллаши зарурлиги таъкидланади ва у одоб қоидаларини егаллаб олмаса ва яхши хулқ билан муаддаб (одобли) ва муҳаззаб (тоза) бўлмаса, нафақат ўзига, балки бутун дунёга ёмонлик тарқатади, дейди ва шундай маснавийни келтиради:

Адабсиз нафақат ўзи учун ёмонлик қилади,

Балки бутун дунёга қт қўяди.

Шундай экан, ҳар бир инсон одоби зоҳирий ҳамда одоби ботинийни билиб, унга амал қилиши зарурлиги ва бу одоб қоидаларини мўтабар китоблардан жам этганлигини айтади. Сўнг юқорида таъкидлаганимиздек, инсоннинг баркамол бўлиб етишишида кундалик турмушида зарур ботиний ва зоҳирий одоб қоидалари: саломлашиш ва рухсат сўраш, мулоқот одоби, ухлаш ва йўл юриш, суҳбат аҳлининг ўзини тутиши, ер-хотин одоби, тозалик ва озодалик қоидалари, меҳмон кутиш, зиёфат ва овқатланиш одоби, сафар қоидалари баён етилади.

Биринчи боб рухсат сўраш ва саламлашиш, кўришиш, қўл олишиш ҳақида бўлиб, у тўрт фаслдан иборат.

Маълумки, шарқ халқларида бирор кимса бирорта уйга кирганда у ерга рухсатиз кириб боравермайди, маълум урф-одат қоидаларига риоя қилади. Анна шу қоидаларнинг енг муҳимлари деб, Муҳаммад Содик Қошғарий ҳар бир одам келганлигини билдириш (ешикни қоқиш ёки йўталиш), овоз берилгандан сўнг киришга рухсат сўраш ва сўнг кириш кераклиги баён етилади.

Иккинчи фаслда еса саломлашишнинг ўн икки одоб қоидаси ҳақида фикр юритилади. Шунда салом бери шва жавоби масаласида ҳозирги пайтда ҳам юз бераётган мунозарали фикрларга нуқта қўйгандек бўлади. Муаллиф айтишича, адаби аввал – икки мўмин киши келсалар, хоҳ ошно

ва хоҳ но ошно, салом беришгайларки, салом бермоқ суннатдур, жавоби фарзи айндуру, дейди.

Шунингдек, олим «Улуғ кичикка, отлиқ пиёдаги, юрувчи ўлтирувчига, ва оз кўпга салом бергай», деб таъкидлар экан, бир киши кўпчилик олдига кириб келганда, биринчи бўлиб салом бериши, кўпчилик еса бараввар овоз чиқармасдан саломга Алик олиши жоиздир. Мактаб ҳамда олий ўқув даргоҳларидаги муаллим синф хонасига ёки аудиторияга кириб келганда, «Ким олдин салом бериши керак?» деган муаммони ечган бўлади.

Биринчи бобнинг учинчи фаслида берилган мулоқот (учрашув) одобига оид тавсиялар ҳам диққатга сазовор. Бунда учрашганда қўл бериб кўришиш, лекин қўл учи билан эмас, астойидил, лекин қўлни силамай, очик юз билан кўришиш одоби баён етилади. Қучоклашиб кўриш, сафардан қайтган киши билан кўришиш ва ёш болалар билан кўриши, ўпиб кўришиш одоблари баён етилади.

Иккинчи бобда ухламоқ, кийим кийиш, йўл юриш одоблари ҳақида фикр юритилади. Масалан, ухлаш олдидан ешикларни маҳкамлаш, идишларни оғзини ёпиш, ўриндаги кўрпани қоқиб ёзиш, ўт, чирокни ўчириш, ухлайдиган ўринни юмшоқ қилмаслик, ўнг қўлга бир оз суяниб ётиш тавсия етиладики, бу қоидаларга риоя қилмаслик натижасида кўплаб нохуш воқеалар рўй берганлиги айтилади.

Либос кийиш қоидалари ҳам хулқ – атвор қоидаларининг таркибий қисми саналади. Бунда енг муҳимларидан киши имкон даражасида кийиниши лозимлиги, қулайлиги ва ёши, жинсига, жойига, фаслга мос бўлиши, уни тоза тутиш, яхши либос кийганда манманлик қилмаслик, киймайдиган ортиқча либосларидан муҳтожларга инъом қилиш каби тавсиялар ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Учинчи бобда суҳбатлашиш одоби баён етиладики, бу одоб қоидаларига инсон ҳар бир дақиқада риоя етиши зарур.

Суҳбатнинг яхши ният ва беғараз бўлиши, унга покиза либос билан бориш, танининг тозалигига еришиш, оғиз ва тишларни тозалаб бориш, суҳбат аҳлининг бир-бирларига ҳурмат ва илтифот кўрсатиши, улуғларга еътиборни қаратиш, ўтириш қоидаларига риоя етиш, аҳли суҳбат кирганда ва чиққанда ўрнидан туриш ва улуғларни юқорига ўтказиш, беадаб сўзлар, ёмон хатти – ҳаракатлар, ноўрин жимликдан сақланиш, барчага яхши муомалада бўлиш, иззат қилиш, акса келса оғзини тўсиб, паст овозда, енгил акса уриш, суҳбат аҳлига иш буюрмаслик; суҳбат аҳлига беминанат хизмат кўрсатиш, дўст ва нотанишларга бир хил очик чеҳра билан муомалада бўлиш, ака – укалар, опа- сингилларнинг хатосини кечириш ҳамда улар айбини юзига солмаслик, бошқалардан четда насиҳат қилиш, суҳбат аҳлидан бирор кишининг ёмон қилиғи, қабих феълт ҳақида гапирмаслик, уни четлатишга ҳаракат қилиш каби одоб қоидаларига риоя етиш ҳақида фикр юритилади.

Асарда мусибат одоблари ҳақида ҳам баён етилганки, буларни билиш, айниқса ёшларга зарурдир.

Бирор мўминнинг вафоти ҳақидаги хабарни ешитганда аҳли мусибатга таъзия адо етилади. Бу дафндан олдин ёки кейин ҳам бўлиши

мумкин. Таъзия уч кунгача жоиз, ундан сўнг макрух дейилади. Тобутни олиб чиқиб кетаётганда сукутда бўлиши вожиблиги, аёллар тобутга ҳамроҳ бўлиб ешикка чиқмаслиги, аҳли мусибат йиғилганда овоз кўтармаслиги, майитни кўмгандан сўнг ҳар ким ўз ишига кетиши, бир ерда йиғилиб ўтирмаслик кераклиги, йиғилиш учун турли тадбирларни излаб топиш ва ўтказиш бидъат эканлиги, аммо таом тайёрлаб аҳли мусибат уйига юбориши мустаҳаблиги таъкидланади.

Асарда зиёфат, меҳмондорчилик одоби ҳақида ҳам кўп кўпгина ибратли гаплар ёзиб қолдирилган. Жумладан, меҳмондорчилик одоби ҳақида қийидагилар ифодаланали.

Меҳмондорчиликда кишининг бойлиги, мавқеига қарамай ҳаммани баравар чақириш, оила аъзоларини ҳам ажратмаслик, меҳмоннинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш, лекин уч кундан сўнг ортиқча такаллуфлар, дабабалар қилмаслик, меҳмон учун уйни ортиқча безамаслик, лекин озода, тоза, кўрпа- тўшаклардан фойдаланиш, дастурхон тузишда исрофгарчиликка йўл қўймаслик, таом қўйилганда аввал, мезбон бошлаб, охирида таомдан қўлини тортиш; меҳмондан олдин қўлини узатмаслик, ортиқча такаллуф қилавермаслик, имкони бўлса лаззатли ва латф таомлар билан меҳмонни зиёфат қилиш, кетишга изн сўраганда ҳурмат билан кузатиш каби мезбонга хос одоб қоидалари баён этилади.

Асарда меҳмоннинг ҳам соҳиби хонадонга қиладиган одоб қоидалари ҳақида ҳам батафсил тўхталид ўтилган. Хусусан, меҳмонга чақирилганда, у фақирми, улуғ мартабалими, албатта, бориш зарурлиги, золим ва ахлоқсиз ва иккиюзламачилар, хурофотчилар зиёфатга чақирганда еса бормаслик сингари меҳмондорчилик одобига риоя этиш баёе этилади.

Еттинчи бобда енг зарурий сафар қоидаларига тўхталиб ўтилади. Сафар қилишни олим уч қисмга бўлади: фарз, фазилат, мубоҳ (рухсат этиладиган). Бундан сафари фарзнинг ўзини беш бўғинга бўлади: жиҳод, ҳажжи фарз, ота ва она чақириғига биноан, радди мазолим (зулмни қайтариш) учун ва бешинчиси илм олиш учун сафар қилиш.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Муҳаммад Содик Қошғарийнинг «Одоб ас- солиҳин» асари ёшларнинг баркамол, маънавий юксак, етук ахлоқли бўлишларида катта аҳамиятга ега. Мазкур асар турмушимизда ҳар куни, ҳар дақиқа билиш зарур бўлган хулқ – одоб қоидаларининг мажмуидир. Шунинг учун ҳам Шарқ педагогикаси тарихида «Қобуснома» каби бу асар ҳам, ўз мавқеига ега. Бу асарни бобма-боб ўрганиш ёш авлоднинг маънавий камол топишида фойдаланиладиган бебаҳо хазинадир, дейиш жоиз.

XIX асрнинг иккинчи ярми- XX асрнинг бошларида туркистонда мактаб ва педагогик фикрлар тарақиёти

XIX асрнинг бошларига келиб Туркистонда ислом дини кенг тарқалиб, мустаҳкам ўрнашиб ўз мавқеига ега эди. Бу даврга келиб диний етиқод асосий тарбия кучи сифатида майдонга чиқди. Ислом дини мураккаб таълимот бўлганлигидан у турлича талқин қилина бошлади. Ислом динида турли хил оқимлар вужудга кела бошлади. Бу ҳолат ислом динини софлиги учун курашувчи илғор кишиларни қониктирмас эди.

Шунинг учун ҳам Бухородаги маърифатпарварлар, мусурмон руҳонийлар ва зиёлилар орасида мадраса ва мактаблар тизимига ҳамда ислом динига кириб қолган бидъатларни ислоҳ қилиш фикри пайдо бўла бошлади. Шундай ислоҳот тарафдорларини жаидлар, яъни янгилик тарафдорлари деб атай бошладилар.

«Жаид» - сўзи арабча сўз бўлиб, «янги», жаидизм еса янгилик тарафдорлари деган маънони англатади.

XIX аср бошларида қанча маърифатпарварлар, мударислар Бухоро шаҳридаги 200 га яқин мадрасани ислоҳ қилиш ғояси билан чикдилар. Бу ҳаракат бошида мадраса мудариси Абу Наср ал-Курсавий турган. Аммо кадимистлар оқими уларни кофирликда айблайдилар ва Бухоро амири Курсавийни ўлим жазосига ҳукм етади. Абу Наср ал-Курсавий зиндондан қочишга мувофиқ бўлади ва Қозонда ўз фаолиятини давом еттиради.

XIX асрнинг 50-60 йилларида диний ислоҳотчилик ҳаракати янада кенгайди. Жаидчилик ҳаракати бошида бухоролик мударис ва тарихси олим Маржоний, ғиждувонлик домла Фозил, Мўминжон Вобкандий, Мулла Худойберди Бойсуний ва бошқа мударислар турар эдилар.

Ислоҳотчилар бу даврда Маржоний раҳнамолигида қуйидаги масалаларни олдинга сурдилар:

1. Қуръондаги ҳар қандай диний масала юзасидан кишилар билган ҳолда ўзлари эркин фикр юрицинлар.

2. Бировнинг бировга кўр-кўрона ергашиши қатъий манн қилинсин;

3. Мадрасаларда ўқитиладиган хошия ва шрқ каби мазмунга ега бўлган ва мадраса ўқувчилари учун фойдасиз бўлган ҳамда уларнинг вақтини бекорга олувчи дарслар дарс жадвалларидан олиб ташлансин;

4. Мадрасаларда Қуръони Карим, Ҳадиси Шариф, уларнинг таржималари ва ислом тарихи каби дарслар ўтилсин;

5. Арифметика, тарих, жуғрофия, табобат, ҳандаса, мантиқ ва бошқа дунёвий фанларни ўқитишга қаршилиқ кўрсатилмасин.

6. Ҳар бир ишда мусулмончилиқнинг Муҳаммад Алайҳиссалом давридаги қадимий ислом маданиятига қайтариш кўзда тутилмасин.

XIX асрнинг 80-90 йилларидаги жаидчилик ҳаракатининг кенг ёйилишида Мунаввар Қори, Махмудхўжа Беҳбудий, Саид Аҳмад Сиддиқий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Муҳаммадшариф Сўфизода ва бошқалар жонбозлик кўрсатган.

Жаидлар 1906 йилда «Тараққий» деб номланган газета нашр еттириб, ўз ғояларини тарқата бошладилар, орадан кўп ўтмай, «Хуршид», «Шухрат» сингари янги газеталар дунё юзини кўрди. Бу газеталарда жаидчилик ҳаракатининг асосий ғоялари талқин қилинар ва муҳокамага ташланар эди.

Бу даврда жаидларнинг ҳаракат дастури тузилиб, у қуйидаги масалаларни ҳал қилишга қаратилган эди:

1. Диний тасаввуф ва фанатизмга қарши кураш (кўр-кўрона еътиқод);

2. Диний ақидаларга асосланган Ўрта аср мактаблари ўрнига Оврўпа қабилидаги дунёвий илмларни она тилида ўқитишга мосланган янги усулдаги мактабларни ташкил етиш, феодал даври маориф тизимини ислоҳ қилиш;

3. Жадинчилик ғояларини кенг халқ оммасига етказиш ниятида янги ўзбек адабий тилини ишлаш чиқиш, матбуот хурлиги учун курашиш, халқ оммасига тушунарли адабиёт ва теартни яратиш;

4. Хотин-қизларни паранжидан чиқариш ва жадин мактабларига қатнашишларини таъминлаш йўли билан улар тақдирини ўзгартириш ва оилада ислохот ўтказиш;

5. Маҳаллий бойлар ва савдогарлар аҳлининг сиёсий ва иқтисодий жихатдан рус буржуазияси билан бир ҳуқуқда бўлиши, маҳаллий амалдорларнинг чор ҳукмдорлари томонидан сиқувга олишига қарши курашиш, шу йўл билан мустамлакачилик сиёсатини ислох қилиш.

Асосий талаблари ана шундан иборат бўлган жадинлар учун илм ва маърифат ягона қурол бўлиб, улар шу қурол ёрдами билан ўлкада ижтимоий иқтисодий ва маданий тараққиёт учун курашмоқчи бўлдилар.

Марказий Осиё жадинчилик ҳақида гап кетганда буни Бехбудий, Мунаввар қори, Фитрат каби маърифатпарварларнинг ижоди ва фаолиятини алоҳида ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Махмудхўжа Бехбудий

Туркистонда жадинлар ҳаракати асосчиларидан бири, жаҳонга машҳур бўлган ўзбек жўғрофияшуноси, атоқли жамоат арбоби, буюк илсшунос, улуғ педагог ва ахлоқшунос, юксак дидли журналист, Махмудхўжа Бехбудий 1874 йил 10 мартда Самарқанднинг Бахшитепа қишлоғида рухоний оиласида таваллуд топди. Унинг отаси имомлардан бўлиб, илм-маърифатга ихлосманд эди. Бехбудхўжа асл-насабига кўра хўжа Аҳмад Яссавийлар авлодига бориб тақалади.

Махмудхўжа Бехбудий «Мунтахбаи жуғрофияи умумий» (Қисқача умумий жўғрофия), «Китобатул-атфол» (Болалар мактаби), «Мухтараси тарихи ислом» (Ислоннинг қисқача тарихи), «Мадхали жўғрофи умроний» (Аҳолии жўғрофиясига кириш), «Мухтасари жўғрофияи русий» (Россиянинг қисқача жуғрофияси), «Амалиёти ислом» ва ҳоказо китобларни ёзди ва улардан дарслик сифатида фойдаланди.

«Усули жадин» мактабларида ҳамма ўқиш ҳуқуқига ега бўлган. Бу янги усул мактаблари чор ҳуқумати томонидан ва маҳаллий рухонийлар, ески мактабларнинг домлалар томонидан таъқиб қилиб келинар эди.

Бундай тўсиқлар ва қарама-қаршилиқларга қарамасдан Бехбудий ва унинг сафдошлари «Усули жадин» мактабларида Туркистон фарзандларини ўқитиш ишларини жадал суръатлар билан олиб бордилар. Бехбудий барча мақсадларини фақат маърифат орқали амалга оширишни кўзда тутди. У таълим-тарбия хусусидаги ўз ғояларини амалга оширишда бош йўл сифатида янги мактаблар очиш, унда диний илмлар билан бирга, аниқ фанларни ҳам ўқитишга, маҳаллий аҳолини илм-маърифатли бўлишга даъват етади.

Бехбудийнинг «усули жадин» мактабидаги ўқитиш ишлари қуйидаги тартибда олиб борилар эди: «Мактаб икки босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқич – ибтидоий қисм, деб номланган. Бунинг тахсил муддати тўрт йил. Биринчи йилда: форсча ва арабча ёзув ҳамда ўқишни ўрганилган. Иккинчи йилда: ҳафти як, имон ва еътиқоддан дарс, форс, туркий ва араб

тилида шеърлар, қасидалар ўқитилган. Учинчи йилда: Қуръони карим, ислом ибодати, форс ва туркий тил пухта ўргатилган. Ҳисобдан турли тақсимот ва иш юритиш каби зарурий жиҳатлар ўқитилган. Тўртинчи йилда еса Калому шариф, муфассал тажвид, форсий ва туркий назм ва насм, ахлоқ дарси, туркий ва форсий тил, тарих, жуғрофия ўқитилган. Бу тўрт синфни тамомлаган болаларнинг муаллимнинг ўзи тақсимлаган. Хоҳласа иккинчи босқичдан қолдирар, уларнинг ўзлаштиришларига қараб, мадрасага юборар, боланинг ўзи хоҳласа, Европа мактабларига юборар ёки тирикчилик учун ишлашга йўлланма берарди».

Мактабнинг иккинчи босқичи – рушадия бўлиб, бунга тўрт синф киритилган. Унга ибтидоий қисмини тамомлаганлар ўтказилган.

Беҳбудий мактабида ҳар йилнинг охирида тантанали имтиҳонлар ўтказилиб турилар эди. Имтиҳонларга албатта ота-оналар ва бошқа меҳмонлар ҳам таклиф қилинарди.

Саккиз синф, яъни икки босқични тамомлаган шогирд арабча, форсча ва туркчада бемалол сўзлаб, ёзарди. Русчани ҳам ўқиб, бемалол гаплаша олар эди.

Беҳбудий бутун онгли фаолияти давомида фақат халқ манфаатларини ҳимоя қилди, халқни бахтиёр етиш, фарзандларини еса саводхон қилиш учун курашди. Адабиётхунос Шерали Турдиевнинг ёзишича, Беҳбудий Бухоро амирининг дахшатли зиндонида ўз қотилини кутиб ётган оғир дамларда ҳам Туркистон ва Бухорода маориф нурларини ёйиш, халқни жаҳолатдан қутқариш, уларга ҳақиқат, адолат, озодлик йўлини кўрсатишга, бу йўлда қурбон бўлганларни унутмасликка ундовчи васият хатини зиндондан озодликдаги дўстларига чиқаришга мувофиқ бўлди. Бу васиятда қуйидаги сатрларни ўқиш мумкин: «Сизларга васият қиламан: Маориф йўлида ишлайтурган муаллимларнинг бошини силангизлар! Маорифга ёрдам етингиз! Ўртадан нифоқни кўтарингиз! Туркистон болаларини илмсиз қўймангизлар! Ҳар иш қилсангиз жамият ила қилингиз! Ҳаммага озодлик йўлини кўрсатингизлар! Биздек маориф қурбонларини йўқлангизлар! Озодликни тезлик ила юзага чиқарингизлар! Маорифни Бухоро тупроғида жорий қилингизлар!» - дейди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ўзбек халқининг миллий мустақиллиги йўлида улкан истеъдодини, билимини, бутун куч ғайратини, азиз умрини фидо қилди.

3-МАВЗУ: Замонавий таълим-тарбия ва унинг моҳияти.

Педагогик технологиялар

1. Педагогик технология тушунчаси ва унинг тарихи.
2. Педагогик технология ва унинг таърифлари.
3. Таълим-тарбияга ёндошувлар.

Асосий тушунчалар: таълим, технология, сифатли, техника, материал, фан, тараққиёт, ислоҳот, талаб, анъанавий, технологик ёндошув, баҳолаш, самарадорлик, ЮНЕСКО, дидактик, эркин фикрлаш, ҳамкролик, мустақил бажариш ва хок.

Мамлакатимизда таълим тизимининг ислоҳ қилиниши таълим жараёнини илғор-жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ташкил этишни

тақозо қилади. Фан-техника тараққиёти технологияни фан сифатида ўрганишни, кейинчалик эса ўқув жараёнини ҳам технологиялаштиришга олиб келди.

Асосий мақсад- замонавий талаб даражасида ёшларимизни тарбиялаш, ижодий фикрлай оладиган малакали мутахассислар тайёрлашдир. Бу эса, ўз навбатида, таълим жараёнига бошқача назар билан қарашни талаб этади. Мамлакатимиз таълим тизимида қатор камчиликлар мавжуд бўлиб, у ўз навбатида замон талабларга мос рақобатбардош кадрлар тайёрлашга тўсқинлик қила бошлади.

«Технология» - юнунча техне ва логос сўзлардан олинган бўлиб, махорат, санъат ва сўз, таълимот маъносини англатади.

Одатда, технология ишлаб чиқаришга нисбатан қўлланилган. Технология деганда маҳсулот ишлаб чиқариш учун хомашё, материаллари, ярим фабрикантларга ишлов бериш ёки қайта ишлаш йўллари, усуллари тушунилган. Фан-техника тараққиёти туфайли технология ҳам такомиллашиб борган.

Технология деганда тайёр маҳсулот олиш учун хомашё, материалларига ишлов бериш усуллари, бажарадиган ишларнинг кетма-кетлиги ва қандай тарзда бажарилишидир.

Педагогик технология – бу таълим самарадорлигини ошириш учун қўлланиладиган ҳамда педагогика назарияси ва амалиётининг барча соҳалари билан ўзаро боғлиқ бўлган ўқитиш шакллари, методлари, воситалари, унга ёндошувлар, тизимлар, концепсиялар, тенденциялар, ғояларнинг фанлараро ўзаро бирикиб ягона мажмуа тарзида ифодаланишини билдиради.

Шу ўринда юртбошимиз И. Каримовнинг «Бизнинг асосий вазифамиз ўқув-тарбия жараёни сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, таълим, замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг бутунлай янги усулларини жорий этишдан иборат бўлмоғи лозим»¹, деб алоҳида таъкидлаган эдилар.

Хақиқатдан ҳам бугунги кунда ахборот маълумотларининг ортиб бориши ёшларнинг илм олишига чанқоқлиги, мустақил фикрлаши ва илмий-ижодий изланишлари, янгиликлар ва кашфиётларга нисбатан чексиз қизиқиши ва таълим мазмунига талабчанлиги, ўқитувчи-тарбиячининг ўз устида ишлашга, малакасини ошириб боришига ва онгини янада ривожлантиришга, таълим тизимидаги барча янгиликлардан баҳобар бўлиб бориши кераклигича асосий мотив бўлиб хизмат қилади.

Сўнгги йилларда педагогика фанига, таълим тизимига шиддат билан кириб келаётган янги педагогик технологиялар, инновациялар, янги педагогик-психологик тушунчалар, интерфаол методларни таълим берувчи томонидан ўзлаштириб ва қўлланиб бориши, таълим мазмунини тубдан

¹ Р.Салиева «Инновацион фаолият-мақсадлар уйғунлиги», Бошланғич таълим, 2010 йил, №7, 6-бет.

ўзгартириб юборди десак муболаға бўлмайди. Замонавий ўқитувчи дарс жараёнида ўқувчиларни миллий қадрият руҳида тарбиялаш учун барча имкониятлардан фойдаланиши лозим. У ўз ўқувчиларини фанга ижодкорлик нуқтаи назари билан қарашларини ташкил қилиши, уларда изланувчанлик хусусиятларини шакллантириши ва албатта, янги педагогик технология усулларидан фойдаланган ҳолда дарсни ташкил этиши керак бўлади.

Шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчиларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатиб келинган эди. Бундай усул болаларда мустақил фикрлаш, ижодий изланиш, ташаббускорликни сўндирар эди.

Педагогик технология деярли ярим аср давомида тадрижий равишда ривожланди ва ҳозирги даражага етди. Бу даврда ўқитиш **«оғзаки – кўргазмали - аудиовизуал – дастурлаш – мултимэдиа – гипермэдиа»** кетма-кетлиги бўлиб алмашинди.

Педагогик технология усулларининг дастлабки кўринишлари бу схоластик усулдан онглилик, кўргазмалилик(юз марта эшитгандан кўра бир марта кўрган яхши) усулидан ҳозирги кунда ўқувчи-талабаларнинг ўзлари мустақил бажаришига асосий этибор қаратилмоқда.

Педагогик технологиянинг эътироф этилиши даврини тўрт босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи давр. Педагогик технологиянинг ўрганиш объекти сифатида эътироф этилиши. XX асрнинг 30-йилларида АҚШ таълим тизимига аудиовизуал ўқитиш дастурлари киритила бошланди. У нафақат таълимда технологик инқилобга, балки янги фан- педагогик технологияга асос солди.

1946-йилда АҚШнинг Индиана университетида ўқув дастурига аудиовизуал таълим режаси киритилди (муаллифи Л Ларсон).

Таълим муассасаларда ахборотларни тақдим этишнинг техник воситалари товушни ёзиб олиш ва қайта эшитишга, бошқача қилиб айтганда «аудиовизуал воситалар» нинг пайдо бўлиши билан характерланади. Дастлаб ҳар бир дарс, ўтиладиган мавзуда ўқув ва тарбия мақсад-вазифалари ишлаб чиқилди.

Иккинчи давр (50-60-йилларнинг ўрталари) ўқитиш жараёнига технологик ёндошувнинг тадқиқ этилиши билан характерланади. Унинг технологик асосини ўқув мақсадлари учун махсус мўлжалланган аудиовизуал воситалар(тескари боғланиш воситалари, электрон синфлар, лингафон хоналари, тренажёрлар) ташкил этади. Бу даврда таълим технологияси дейилганда муқаррар равишда олдиндан режалаштирилган натижага олиб келувчи педагогик жараённинг илмий тавсифи (восита ва методлари) тушунила бошланди.

Учинчи даврда педагогик технологиянинг педагогикадаги назарий билимлар тармоғи сифатида эътироф этилиши. 70- йиллар педагогик технология базаси – асосининг кенгайиши билан характерланади.

Педагогик технологиянинг асосини яратишда информатика, телекоммуникация назарияси, педагогика, тизимли таҳлил фанларининг

ютукларига таянилди. Педагогик технологиянинг методологик асоси ўзгарди. Оғзаки ўқитишдан аудиовизуал ўқитишга ўтилди. Айниқса, 1976-йил биринчи шахсий компьютер «АППЛЕ» (олма) яратилиши (муаллифлар: Стив Жобс ва Стив Уозник) таълим соҳасида ҳам катта ўзгаришларга олиб келди.

Ҳозирги вақтда педагогик технологияни эътироф этишнинг тўртинчи даври давом этмоқда.

Педагогик технология моҳияти жиҳатдан бошқа технологиялар билан бир сафда туради. Чунки ҳар бир технология ўз хусусий соҳаси, методлар ва воситаларга ва маълум «материал» билан иш кўради. Бироқ, педагогик технология инсон онги билан боғлиқ. Билим бериш соҳаси сифатида мураккаб ва ҳаммага ҳам тушунарли бўлмаган педагогик жараёни ифода этиши билан ишлаб чиқариш, биологик, ахборот ва бошқа технологиялардан ажратиб туради. Унинг энг асосий ўзига хос томони, унинг «материали»- инсон.

1998-йили ЮНЕСКО ташкилотчиларида «XXI асрда олий таълим: ёндашувлар ва амалий тадбирлар» мавзусида ўтказилган жаҳон анжумани Декларацияси янги асрда олий таълимга бўлган мисли кўрилмаган даражада ўсиб бориши, яъни ёш авлоднинг янги билим, ғоя ва кўникмаларини эгаллаши, ижтимоий-маданий ва иқтисодий тараққиётда унинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини кенгроқ англашга интилиш кучайишини таъкидлади.

Педагогик технологиянинг моҳияти, унга асосланиб дарс жараёнини ташкил этиш ҳақида камида ярим аср давомида илмий мунозалар олиб бориляпти. Бу мунозараларнинг мазмуни, натижаси турли муаллифлар педагогик комиссиялар ва уюшмаларнинг таърифи тавсифларида ўз аксини топди. Бир гуруҳ муаллифлар педагогик технологияни ўқитишнинг замонавий воситалари мажмуаси деб ҳисоблашса, бошқалари коммуникация жараёни, учинчи гуруҳдагилар ўқитиш жараёни ва воситаларининг бир бутунлиги деб қарашади.

АҚШ педагогик технологиялар ва коммуникациялар уюшмаси 1979-йили педагогик технологияларнинг маъноси тўғрисидаги мунозаларга яқун ясаб, унинг расмий таърифини эълон қилди. Бу таърифга кўра «педагогик технология одамларнинг ғояларни, билимларини ўзлаштириши, таълим олишини режалаштириши, таъминлаш, баҳолаш ва бошқариш фаолиятини ташкил этиш методлари ва воситаларини ўз ичига қамраб олган мажмуавий интегратив жараёндир». Лекин ҳозирги пайтда ҳам бу ҳақидаги мунозаралар тўхтагани йўқ.

Маишур педагог олим Беспалко В.П. педагогик технология –Бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёнини лойиҳасидир -деб таърифлаган.

Педагогик технологияни теран маъносини В.П.Беспалко, биринчидан, педагогикадаги экспромтлардан холи бўлиш ва таълим жараёнларини лойиҳалашда, иккинчидан, ўқувчининг ўқиш, билим олиш фаолияти тузилиши ва мазмунини ишлаб чиқишда, учинчидан, ўқувчининг ўқув

материалини ўзлаштириш сифатини, унинг шахс сифатида камол топиш даражасини назорат этиш ва мақсадли ташхис қилишда, тўртинчидан, ўқув-тарбия жараёни таркибий қисмлари (компонентлари) мазмундорлиги ва тизимини яхлитлиги тамойилини жорий этишда кўради.²

Кларин М.В. фикрларига кўра, «ПТ—ўқув жараёнига технологик ёндашган ҳолда олдиндан белгилаб олинган мақсад кўрсаткичларидан келиб чиқиб, ўқув жараёнини лойиҳалашидир»³

Педагогик технология Республикамиз педагог олимлари тамонидан турлича талқин этилади. «Педагогик технология—бу ўқитувчи (тарбиячи)нинг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчи-талабаларга муайян шароитда таъсир кўрсатиш ва акс таъсир маҳсули сифатида уларга олдиндан белгиланган шахс сифатларини жадал шаклланишини кафолатлайдиган жараён»⁴.

Тадқиқотчилар Саидахмедов Н., Мирзажонова Д. таърифларига кўра, «Педагогик технология—бу илмий асосланган дидактик жараён амалга оширадиган, самарадорлиги ва ишончилиги юқори бўлган ҳамда таълим натижасига эришини кафолатлайдиган педагогик фаолият»⁵ дир.

Турли қарашларни ҳисобга олган ҳолда педагогик технология таърифига ёндошсак, «ишлаб чиқариш» натижаси «маҳсулот» -маълум малакага эга бўлган мутахассис тайёрлаш учун илмий асосланган дидактик жараённи амалга ошириш, яъни ўқитиш жараёнини қўйилган мақсадга кўра изчил кетма-кетликда, турли методларни қўллаш орқали самарали таълим натижасига эришининг ишончилигини таъминловчи педагогик фаолият деб тушунтириш мумкин.

Педагогик технологияда таълим ва тарбияга умумий тарзда қаралади. «Лекин ҳаёт кўрсатдики, таълим соҳасидаги технологияни ҳамма вақт ҳам тарбия соҳасида қўллаб бўлмас экан. Сабаби таълим жараёнида мақсадни таъхислаш ва режалаштириш имкони мавжуд. Тарбия жараёнида эса мақсадни таъхислаб бўлмайди»⁶. Бундан ташқари, ҳар қандай педагогик технология пировард мақсадга эришини таъминлаши зарур. Лекин ҳозирги вақтгача педагогикада инсоннинг тарбияланганлик даражасини, инсонда шаклланган муаяян шахсий сифатларни, инсоний кадриятларни, умуман олганда, унга тарбиявий таъсир кўрсатиш натижаларни аниқлаш жуда қийин ва бу мезонлар ишлаб чиқилмаган.

Таълим технологияси қўйилган мақсадни амалга ошириш ва натижасини маълум даражада кафолатлаш учун турли методлар ва воситалар орқали ўқитиш жараёнини ўзаро боғлиқ қисмларни бир бутун қилиб бирлаштириш ва маълум тартиб, тизим асосида изчил, мантиқий кетма-кетликда бажаришни кўзда тутати.

² Беспалко В.П. Слагаемые педагогической технологии. М. «Педагогика», 1989, с.192.

³ Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. М. «Знание», 1989, с.75.

⁴ Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. Т.: «Молия», 2003, 6-бет.

⁵ Саидахмедов Н., Мирзажонова Д. Педагогик технология таълими, замонавийлик ва илмийлик. Касб-хунар таълими №1, 2005йил.

⁶ Тожибоева Д., Юлдошева А. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Т.: «Алоқачи», 2009, 73-бет.

Таълим технологиясини ўқув жараёнига жорий этишнинг долзарблиги қуйидаги заруриятдан келиб чиқди:

-Қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзланган мақсад – вазифаларни амалга ошириш, ижтимоий-сиёсий ҳаётда онгли равишда қатнаша оладиган, ижтимоий жараёнларга фаол таъсир эта оладиган, мамлакат тақдирига жавобгар бўла оладиган, масъулиятни ҳис этадиган, мустақил ва эркин фикрловчи шахсни шакллантириш.

-Жаҳон талаблари даражасида рақобатбардош мутахассис кадрлар тайёрлаш.

-Бозор талабларига тезда мослашиш.

-Бозор иқтисодиётида ноаниқлик доимий йўлдош, қарор қабул қилишнинг турли вариантлари мавжуд ва риск билан боғлиқ. Ҳар бир киши вазиятдан келиб чиқиб, мустақил равишда энг кам талофат келтирадиган қарор қабул қилишни ўрганиши.

-Ахборотлар ниҳоятда кўп ва хилма-хил, ўқитувчи қанчалик билимдон ва маҳоратли бўлмасин, уларни барча зарурларини дарсда ўқувчи-талабага етказиб беролмайди. Ягона тўғри йўл уларнинг ўзлари(ўқувчилар)ни фаоллигини ошириш, мунтазам равишда ўз устида мустақил ишлашларини таъминлашга ўрганишдир. Кўп йиллик тажриба орқали илғор педагогик олимлар бу мақсадга таълим технологияси орқали эришиш мумкинлигини исботладилар.

Педагогик технологиянинг компонентлари ва дарс жараёнини ташкил этишнинг мазмуни қуйидаги чизмада кўрсатилган.



Таълим технологияси эса қўйилган мақсадни амалга ошириш ва натижасини маълум даражада қафолатлаш учун турли методлар ва

воситалар орқали ўқитиш жараёнини ўзаро боғлиқ қисмларини бир бутун қилиб бажартириш ва маълум тартиб, тизим асосида изчил, мантиқий кетма-кетликда бажаришни кўзда тутди.

Хозирги кундаги педагогик технологиянинг асосий мақсади:

- ўқувчининг ўз фаоллигини ошириш;
- ўқувчининг ўзи бажариши;
- ўзи меҳнат қилиши;
- ўзи излаб топиши;
- бир-бирларидан ўрганишга имконият яратиш;
- рухий ноҳушликларни йўқотиш;
- тортинчоқликларни бартараф этиш;
- кичик гуруҳларда ишлаш орқали катта гуруҳларда айтиш мумкин бўлмаган фикрлар билдирилади;
- ўз мулоҳазаларини билдиришига имконият яратиш;
- бир-бирлари билан ҳамкорликда алоқа қилиш;
- эркин фикрлашга шароит яратиш;
- ўқувчи хато қилиб қўйишдан қўрқмаслиги (хато қилиш ва уни тузатиш ҳуқуқига эга);
- ўқувчининг фазилатларини онгли равишда таъкидлаш ва шу асосда ўқувчи ўз кадрини баландлигини сезсин;
- фаоллик ўқитувчидан ўқувчиларга ўтиши лозим;
- бефарқлик ўрнини ҳушёрлик, ички интилиш эгаллаши;
- ечимини қидириш, ўзлари ечимини топиши ва хок.

Таълим-тарбияга ёндошувлар

Чунончи бўлажак ўқитувчиларнинг касб тайёргарлигини кучайтириш, ихтисосига доир фанларни чуқур ўрганиш билан бирга «Педагогик технология ва педагогик маҳорат» фани билимларини амалиётда қўллашга ўтиш масаласига эътибор кучайди.

Республикаимиз умумтаълим мактабларида фаолият юритаётган ўқитувчилар сони 450327 нафар бўлиб, улардан 68,1% (306487)аёллардир. Касб-ҳунар таълими соҳасида 82,8 минг педагог ва муҳандис-педагоглар, Олий таълимда эса тўла ставкада 20 мингдан ортиқ профессор-ўқитувчилар дарс беришмоқда⁷.

Ўзбекистон республикасининг кадрлар тайёрлаш миллий дастурида узлуксиз таълимни амалга ошириш ғояси ўқитувчи кадрлар тайёрлашга амалий ёрдам кўрсатмоқда. Шу муносабат билан ўқитувчилар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш иши давлат сиёсати даражасида кўтарилди. Бу тадбирлар университет ва педагогик институтларнинг махсус факультетларида, малака ошириш институтларида самарали амалга оширилмоқда.

Таълим тизимида ўқитишга ўзига хос ёндошувларни турли гуруҳларга бўлиш мумкин.

⁷ Тожибоева Д. Юўлдошев А. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Тошкент, «Алоқачи», 55-бет.

Бугунги кунда таълимда ёндошувлар ниҳоятда турли-туман. Уларни атрофлича ўрганган таниқли олим Г. К. Селевко ўзининг «Современный образовательный технологии» китобида педагогик технологияларни турли жихатдан ёндошган ҳолда энг кўп (12 та) гуруҳга ажратади. Уларни турли жихатдан гуруҳларга бўлиб, чуқур ўрганиш педагогик технологиялар фанида амалга оширилди.

Ўқитувчининг тутган ўрни, қўйилган мақсад, ўқитиш методлари ва бошқаларга қараб, таълим жараёнини ташкил этишни уч гуруҳга бўлиш мумкин: кўрғазмали–анъанавий (тушунтирув-иллюстрация) ёндошув, технологик ёндошув, тадқиқий-ижодий ёндошув. Ўқитишга уч хил ёндошувни бир-биридан қандай фарқланишини қуйидаги уларга берилган қиёсий тавсиф орқали кўриш мумкин.

Кўрғазмали –анъанавий (тушунтирув-иллюстрация) ёндошув	Технологик ёндошув	Тадқиқий-ижодий ёндошув
<ol style="list-style-type: none"> 1. Ўқитувчи билимларни ўргатувчи. 2. Ўқув мақсад-вазифалари доимо аниқ қўйилавермайди. 3. Тайёр билимлар баён қилинади. 4. Таълим беришнинг устивор методлари – баён қилиш ва сухбат. 5. Ахборотларни тўплаш, хотирада сақлаш, мустақамлашга доимо ундаш. 6. Ахборотни ихтиёрий равишда ёдда сақлаш. 7. Дарс асосан академик характерга эга бўлиб, бўлғуси мутахассислик фаолияти билан етарлича боғланмаган. 8. Қандай натижага эришиш кўпинча ноаниқ. Мустақил фикрлаш, қарор қабул қилиш кўникмасини ривожлантиришга имконият яратилмайди. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ўқув жараёнини тизимли ёндошувдан фойдаланган ҳолда лойиҳалаш. 2. Кўзланаётган натижага кўра, максимал даражада ўқув мақсадларини аниқ қўйилиши. 3. Ўқитиш ўқитувчи-ўқувчиларнинг фаол қатнашиши орқали амалга оширилади. 4. Таълим жараёнида интерактив методлар қўлланилади, вазиятга кўра тузатишлар киритиш мумкин. 5. Мустақил ўқишга ўргатиш. 6. Ўқув мақсадига эришиш учун амалларни ривожлантириш ва маълум кема-кетликда амалга ошириш. 7. Режалаштирилган натижаларга кафолатли эришиш. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Вариантларна баҳолаш ва қарор қабул қилиш, муаммоларни ечишга қаратилган. 2. Ўқув жараёнини изланиш, тадқиқот ўтказиш тарзида ташкил қилиш. 3. Маълумотлар тўплаш, гипотеза ва фаразларни илгари суриш ва текшириш. 4. Ўқувчи-талабаларни шахсий ташаббуси, янги билимларни мустақил ўрганишларини қўллаб-қувватловчи методлар. 5. Мустақил фикрлаш, таҳлилий фикрлаш фаолиятини юз бериши учун муҳит яратиш. 6. Таълимда ҳамкорлик қилиш эксперимент, тажриба-синов ўтказиш, моделлаштириш.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ўқитишга уч хил ёндошув бир-биридан фарқ қилади. Кўрғазмали анъанавий ёндошувга асосланган дарс ўтишга ўқитувчи билим берувчи сифатида тайёр билимларни баён қилиш орқали ўқувчи-талабалар онгига етказувчи педагогик жихатдан мажбур қилишга таянган. Технологик ёндошувда таълим оловчи шахсига қаратилган, таълимга тизимли фаолият сифатида ёндошилади. Ўқувчи-талаба таълим марказида туради. Инсонпарварлик, демократик муносабатлар ўрнатилиб, уларни мажбур қилишдан воз кечилади. Ўқитишда ўқувчи-талабаларнинг интеллектуал имкониятини

ҳисобга олиб табақалашган ҳолда ёндошилади. Ўқиш ақлий жиҳатдан ривожланиш, мустақил изланиш, айниқса, олинган билимни амалда қўллашга қаратилади.

Биринчи ёндошувда ўқувчи ўқитувчига бўйсундирилган объект сифатида қаралса, яъни «билим олиш – ягона мақсад», хато эса жазоланади;

Иккинчисида, таълим жараёнининг тенг ҳуқуқли, мустақил ҳамда фаол равишда илм олишга интилувчи сифатида кўрилади, яъни «билим олиш – шахсий муаммоларни ечиш воситаси», хатони ҳар ким ҳам қилиши мумкин, инсон хатолар орқали ўрганади, уни такрорламасликка ҳаракат қилади.

Анъанавий ёндошувга, одатда, кўргазмали тушунтирув, ахборот-ретсептив, репродуктив каби усуллар киритилади. Уларнинг умумий тамони тайёр билимларни ўқувчи-талабага етказиш, баён қилишга асосланган бўлиб, ўқувчи билим олувчи ролини бажаради. Анъанавий ўқитишда:

1. Янги материалнинг деярли ҳаммаси ўқитувчи тамонидан оғзаки баён қилинади:

- билимлар талабаларга тайёр ҳолда тақдим этилади;

-ўқитувчи турли йўллар билан бу билимларнинг қабул қилинишини ташкил этади.

2. Ўқувчилар билимни қабул қиладилар ва уларни маъносига етадилар, ўз хотираларида сақлаб қоладилар.

3. Дарслик асосан мустақил иш учун қўлланилади.

4. Аудитория машғулоти пайтида дарсликлар: айрим ҳолларда педагог тушунтиришларига ҳалақит бермаслиги учун ёки ўқувчи-талабалар диққатини бузмаслик мақсадида қўлланилмайди. Кўпинча дарслик уйда ҳам қўлланилмайди, унинг ўрнини дарс пайтида тузилган конспект босади.

5. Билимларни текшириш асосан машғулоти вақтининг сезиларли қисмини эгаллайдиган индивидуал оғзаки сўровлар ҳамда узок муддатларда ўтказиладиган назорат ишлари ёрдамида амалга оширилади.

6. Мустақил ишнинг нисбий миқдори жуда кам.

Ўқувчи-талабаларни олинган билим, ахборотларни хотирада сақлаш, мустаҳкамлашга ўқитилади. Таълимга **анъанавий-кўргазмали ёндошувда дарс ўтишининг анъанавий (таълим жараёни марказида ўқитувчи бўлган) методлари** қўлланилади. Бу методларда ўзига хос афзаллик ва камчиликлар бор.

Методларнинг афзалликлари:

• Аниқ, маълум тушунчаларни билиш, маълум кўникмаларга эга бўлиш;

- Ўқитувчи томонидан ўқитиш жараёни ва ўқитиш муҳитини юқори даражада назорат қилиш;
- Вақтдан унумли фойдаланиш;
- Аниқ илмий билимларга таяниш.

Методнинг камчиликлари:

- Ўқитишда талабаларнинг машғулотларда пассивлиги ва билим олиш самараси пастлиги;
- Ўқитувчининг тўла назорати барча ўқувчилар учун қизиқиш иштиёқини вужудга келтирмайди;
- Ўқувчи-талабалар ўқитувчи билан бевосита мулоқотга кириша олмайди;
- Эслаб қолиш даражаси ҳаммага тенг бўлганлиги сабабли гуруҳда ўзлаштириш паст бўлиши мумкин;
- Мустақил ўрганиш ва қарорлар қабул қилиш учун шароитлар яратилмайди.

XX асрнинг бошларида яшаган немис педагоги Рудолф анъанавий дарс ҳақида «Фақат эшитиш ва кўриш методи билан таълим олган ўқувчилар жуда пассив зотларга айланадилар. Улар ҳаётий ҳақиқат олдида ожиз бўладилар» -деб билдирган фикри ҳозирги кун учун янада долзарбдир. Яна бир немис педагоги А.Ф. Дистервег «Ноқобил ўқитувчи ҳақиқатни шунчаки айтади-қўяди, яхшиси эса уни топшига ўргатади» деган.

Айнан ҳозирги куннинг талаби ҳам ўқувчи-талабаларни мустақил фикр юритиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш, қарор қабул қилишга ўргатишдир. Бу мақсадни амалга оширишга технологик ёндошув орқали эришилади.

Технологик ёндошув таълим жараёнини ўзаро узвий боғлиқ босқичларга ажратиш, кўйилган мақсадга эришиш учун белгиланадиган амалларни бажариш ва маълум кетма-кетликда амалга оширишни лойиҳалаштирилган иш ва амалларни бир хил талаб асосида бажаришни назарда тутати. Ўқув материали таълим мақсадига мос тузилади.

Ҳар икки ёндошувда ҳам умумий жиҳат: таълим жараёни марказида ўқувчи туради. Ўқувчи-талабаларнинг мустақил билим олишга, ўқишга, мустақил фикр юритиш, таққослаш, хулоса чиқаришга ўргатилади. Дарсда фаол қатнашишларига кенг имконият берувчи, уларни ўйлашга ундовчи, ҳамкорликда ишлашга ўргатувчи методлар қўлланилади. Бу методлар қисқача ноанъанавий ёки интерфаол методлар деб юритилади. Бу методлар ҳам ўзига хос афзаллик ва камчиликларга эга.

Ноанъанавий (таълим жараёни марказида ўқувчи-талаба турган) ўқитиш методларининг афзалликлари:

- Ўқувчи-талабаларнинг дарсда фаол қатнашиш имконияти кенглиги;
- нафақат мазмунни ўзлаштиришга ёрдам бермай, балки танқидий ва мантиқий, таҳлилий фикрлашни ҳам ривожлантиришга ёрдам бериши;
- муаммоларни ечиш кўникмаларини шакллантириш;
- мустақил фикрлай оладиган ўқувчи-талабаларнинг шаклланишига ёрдам бериши.

Ноанъанавий методларнинг камчиликлари:

-кўп вақт талаб этиши;

-ўқувчи-талабаларни доимо ҳам кераклича назорат қилиш имконияти пастлиги;

-мураккаб мазмундаги материаллар ўрганилганда ҳам ўқитувчининг роли паст бўлиб қолиши;

-билими паст ўқувчи-талабалар бўлгани сабабли билимдонларнинг ҳам паст баҳо олиши ёки аксинча ҳолат бўлиши;

-ўқитувчининг ўзи ҳам фикрлаш қобилиятига ва муаммоларни ечиш кўникмаларига, вазиятни тезда баҳолай олиш, ҳозир-жавоб бўлиш кўникмаларига эга бўлиши талаб этилади.

Учунчи тадқиқий-ижодий ёндошувда ўқувчи-талабаларнинг муаммоларни ечиш қобилиятини ривожлантириш, уларни янги билимларни мустақил ўзлаштириши, ташаббус кўрсатишга кўпроқ этибор берилади. Шахсий ташаббуслари фаоллаштириб, қўллаб-қувватланади ва ривожлантирилади. Ижодий фикрлашга ундалади. Таълим ҳамкорликка асосланади. Бу ёндошув технологик ёндошувнинг ижобий томонларини ўзида мужассамлаштирган ҳолда янада юқорироқ даражада талабаларни илмий изланишга йўналтиради.

Ҳозирги пайтда таълимда интегратив ёндошув ҳам кенг ёйилмоқда. (Интеграция сўзи лотинча бўлиб, тиклаш, тўлдириш, қисмларни бир бутун қилиб бажартириш деган маънони англатади). Таълимда билимлар интеграцияси ёки фанлараро боғланишдан кўп фойдаланилади.

Интеграциялашган таълим ўқувчи-талабаларни ижодий фикрлашга ўргатади. У нафақат ўқув-билим фаолиятини тизимлаштиради, жадаллаштиради, балки таълим олувчиларнинг умумий маданиятини юксалтиришга ҳам хизмат қилади, Предметлараро боғланиш туфайли интеграция турли даражада номоён бўлади:

- Бир неча фанларни бирлаштириб, махсус курслар яратиш;
- Ўқув фанларининг турли бўлақларини маълум бир блокка бирлаштириш;
- Бир мавзун икки ёки бир неча предметлар асосида ўрганиш;
- Билимларни умумлаштириш асосида яратилган курсларни ўрганиш.

Кейинги пайтда кенг қўлланилаётган, таълимни ривожлантиришнинг самарали йўналишларидан бири-фанларни **модул технологияси** асосида ўқитишдир. Маълумки, анъанавий таълим мақсадлари, асосан, билим беришга, модул технологияси асосида ўқитишда эса таълим олувчилар фаолиятига йўналтирилади.

Модул – бу фаннинг бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлган фундаментал тушунчаларни ўрганишга йўналтирилган ва дидактик тамойил асосида тузилган ўқув материаллари бирлиги бўлиб, унда фан бўйича ўқув дастурлари қисқартирилган ва чуқурлаштирилган тарзда табақалаштиради. Натижада босқичма-босқич ўқитиш имконияти яратилади.

Педагогларнинг фикрича, агар модул технологияси асосида ўқитиш тўғри ташкил этилса, таълимнинг ҳар қайси босқичида ўқувчи-талабалар янги ўқув материалларини ўзлаштиради, кўникма ва малакасини

такомиллаштиради. Модул алгоритм асосида ишлаб чиқилади ва қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади: аниқ мақсад, назарий билим, амалий машғулот, услубий кўрсатма, йўл-йўриқлар, назорат, ўзлаштирган билим, малакани синаш, баҳолаш ва ҳоказо.

Модул технологияси асосида ўқитиш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

- Модули ўқитишдаги дастлабки шарт-шароитларни таҳлил этиш;
- Модулнинг ўқув мақсадлари ва мазмунини белгилаш;
- Ўқув-дидактик материаллари ва ўқитиш воситаларини тайёрлаш;
- Назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш;
- Ўқувчи-талабаларнинг олган назарий билими ва амалий кўникмаларни баҳолаш.

Юқоридаги келтирилганларнинг ҳаммаси таълим олувчиларни фикрлаш даражасини кенгайтириш, юз берадиган воқеа-ҳодисаларнинг сабабини аниқлаш, изланишни ўргатишга қаратилган.

Модул – педагогик технологияни ташкил қилувчи таркибий бўлақларни ифодаловчи тушунча. Бу таркибий бўлақлар, яъни модуллар энг кичик бўлақлардан ҳамда уларнинг турли миқдордаги тўпламлардан иборат бўлади. Педагогик технологияда энг кичик модул «ғиштча»лар вазифасини бажариш билан асосий аҳамиятга эга.

Модул тизимининг моҳияти шундан иборатки, таълим олувчилар таълимнинг алоҳида бирлик модулларини изчил ҳолда кетма-кет ўзлаштирадilar. *Таълимда модул тизимини қўллаш эски модул бирлиги ўрнига тезда янгисини ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш имкониятини беради.*

Модул тизими асосида таълим беришнинг афзаллиги шундаки, эътибор кўпроқ таълим олувчига, унинг ўз устида мустақил ишлаши ҳамда ўз-ўзини назорат қилишга қаратилади.

Модул тизим асосида ўқитишнинг давомийлиги таълим олувчиларнинг тайёргарлигига ва касбий малакани қай даражада эгаллаш истагига боғлиқ. Ўқитишни таълимнинг истаган модулидан кейин тўхтатиш мумкин.

Модули технология асосида ўқитишда ўқув дидактик материаллар сифатида назарий ва амалий дарсларда матнли визуал воситалар, масалан ўқув адабиётлари, картотека ва Семинар матнлари, тарқатма материаллар, услубий кўрсатмалардан фойдаланилади. Модул таркибига киритилган назарий машғулотларни қуйидаги кетма-кетликда ўтказиш тавсия этилади.

Қизиқтириш (мотивация ўйғотиш). Фанларни модул технология асосида ўқитишда дарсларни қизиқарли, ҳатто дарсга тўғридан-тўғри тааллуқли бўлмаган маълумот билан бошлаш мумкин. Масалан, мавзу билан боғлиқ қирралари кашфиёт, янгилик ёки хизматни тушунтириш билан дарс бошланади. Бу таълим олувчилар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади ва уларнинг шу соҳага ёки кейинги дарсларда ўрганиладиган мавзуга қизиқишга ёрдам беради.

Маълумот (билим) бериш. Ўқитувчи ўқувчи-талабаларга янги материални тушунтиради, қисқа марузалар ўқийди, мунозаралар, ўқув

сухбатлари уюштиради. Янги модул бирлигини ўрганишдан аввал ўтилган модул бирликлари қисқача умумлаштирилган ҳолда такрорланади.

Модул бирлигига мос тарқатма материаллар берилади. Бу ўқув жараёнини осонлаштиради. Уларни модул бирлигига монанд равишда бирин-кетин тарқатиш ва кўриб чиқиш учун етарли вақт ажратилади.

Ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш учун топшириқлар бериш. Ўқувчи-талабаларга тафаккур қилиш ва маълумотларни қайта ишлаш имкониятини яратувчи топшириқлар берилади.

Ҳар бир топшириқ ёки машқдан кейин бажарилган ишлар баҳоланади. натижаларни гуруҳларда очиқ-ойдин ва самимий муҳокама қилиш ҳам юқори самара беради. Модулни ўрганш охирида якуний суҳбат учун вақт ажратилиши керак. Бу- ўқитувчи ва ўқувчи-талабалар фаолияти натижалари, уларнинг амалга оширган ва оширмаган ишлари юзасидан мулоҳаза юритиш учун яхши имконият беради.

Фанларни модул технологияси асосида ўқитишда ўқувчи-талабалар билим ва кўникмалари ўқув мақсадларига мувофиқ ҳолда мунтазам баҳоланиши керак. Баҳолаш ҳуқуқий, педагогик ва психологик тамойилларга ҳамда Давлат таълим Стандартларига асосланади. Баҳолаш орқали бутун модулни ўрганиш жараёни ва унинг барча компонентлари мақбуллиги текширилиб кўрилади. Бу билан модули ўқитиш кутилаётган натижани бераётгани ёки бермаётгани аниқланади.

Педагогик технология жараёнини ўрганишнинг

соддалаштирилган тартибини қуйидагича тушуниш мумкин:

- **тушунтириш** – ахборотнинг маъно-мазмунини, ундан фойдаланиш тартибини турли воситалар ва усулларни қўллаб, тушунтирувчининг ўзи тушунадиган даражада бошқаларга етказиш фаолиятидан иборат жараён;


- **тушуниш** – ахборотнинг маъно-мазмунини идрок қилиш, ундан кўрсатилган тартибда мустақил фойдалана олиш;

- **ўргатиш** – ахборотдан фойдаланиш ва турли ҳаракатларни бажариш кўникмаларини ўргатувчининг ўзи ўрганган даражада бошқаларнинг такрорлай олишини турли восита ва усулларни қўллаб амалга ошириш фаолиятидан иборат жараён;

- **ўрганиш** – ахборотдан фойдаланиш ва турли ҳаракатларни кўрсатилган тартибда мустақил бажариш кўникмаларини эгаллаш;

- **ўзлаштириш** – тушуниш, ўрганиш орқали ахборотнинг маъно-мазмунини, ундан фойдаланиш ёки ҳаракатларни бажариш тартиби тўғрисида билим ва кўникмалар ҳосил бўлиш.


Педагогик технологияни амалга оширишнинг таркибий элементлари сўзлаш, кўрсатиш ва машқлар бажаришдир. Улар қуйидагича кетма-кетликда ва боғлиқликда амал қилинади.



Бу чизмадаги тушунча ва боғлиқликлар асосан бир бутун ҳолда амал қилиб, таълим-тарбия жараёнининг ҳозирги такомиллашган шакли бўлган педагогик технологияларнинг асосий ўзагини ташкил қилади(1-2-чизма).


Ўқувчи фаолиятидаги асосий жараёнлар

1-чизма



2-чизма

Ўқитувчи фаолиятидаги асосий жараёнлар



Шундай қилиб, педагогик технология, тўғрироғи, таълим технологияси, қўлланиладиган методларнинг барчаси ҳам таълим олувчиларни чуқур билим олишлари ва талаб даражасида кўникмага эга бўлишларига қаратилган. Ҳамма гап қўйилган мақсадни қай даражада амалга оширишдадир.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Педагогик технологиядеганда нимани тушунасиз, унга берилган таърифларни биласиз?
2. Педагогик технологияга берилган таърифларнинг қандай умумий томонлари ва фарқлари бор?
3. Педагогик технологияни ўрганиш объекти сифатида эътироф этилиш босқичлари (даврлари)ни кўрсата оласизми?
4. Ўқитишга (таълимга) уч хил ёндошувнинг қиёсий таҳлил қилинг ва уларнинг фарқларини изоҳланг?

4-мавзу: Педагогик мулоқот. Овозни, нутқни бошқаришнинг илмий асослари

Режа:

1. Педагогик маҳорат ва техника.
2. Ўқитувчи нутқи – педагогик маҳорат кўзгуси.
3. Ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги муомала маданияти ва педагогик ҳамкорлик
4. Нутқ, талаффуз, диксияни пантомимик ва мимик ҳаракатлар билан уйғунлаштириш.

Таянч сўзлар, иборалар ва тушунчалар:

Педагогик техника, нутқ малакалари, мимика, пантомимика, ўз ҳиссий ҳолатини бошқариш, педагогик мақсадга йўналганлик, нутқ ҳақида тушунча, нутқ ва инсон камолоти, нутқни машқ қилдириш. Тўғри нафас олиш, фонатика, юзаки нафас олиш, кўкрак орқали нафас олиш, диафрагма орқали нафас олиш, нафас олишнинг содир бўлиши, овоз, овоз аппарати:

генераторли, енергетик, резенаторли; овоз бузилиши; зўриқиш, заифлик, гигиена қоидалари бузилиши, туғма заифлик; диксия, талаффуз аниқлиги, ритмика, ритм, вазн.

1. Педагогик техника тушунчаси ва унинг тузилиши

Устоз - педагоглар еришган муваффақиятларнинг сирини билишга ҳаракат қилар эканмиз, биз уларнинг педагогик таъсир усулларидан усталик билан фойдаланган ҳолда турли-туман амалий таълим-тарбиявий вазифаларни усталик билан ҳал етишларига гувоҳ бўламиз. Бунда муҳим ролни махсус кўникмалар егаллайди: ўқувчиларни ижримоий фойдали ўқув фаолиятига сафарбар ета билиш, муаммо қўя билиш, жамоа ва алоҳида шахс билан тил топиш, кузата билиш, ўз кечинмаларини бошқача билиш: овоз, нутқ, мимика, ҳаракатларини эркин бошқара билиш ва ҳ.к.

Педагогик техника - ўқитувчи фаолиятининг ботиний мазмунини ҳамда зоҳирий ифодасининг гармоник бирлигидан иборатдир. Педагог маҳоратининг маънавий маданияти ҳамда педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган зоҳирий ифодаси синтезидан иборатдир. (Н.Н.Тарасович)

Шундай қилиб техника - усуллар мажмуасидир. Унинг воситалари еса - нутқ ва мулоқот воситаларидир. “Педагогик техника” тушунчаси ўз ичига 2 гуруҳ таркибий элементларни олади:

1. **Ўқитувчининг одоб-ахлоқий кўникмалари** билан боғлиқ бўлган элементар: ўз жисмини (мимика, пантомимика) бошқара билиш; ҳис-туйғу, ҳаяжон, таъбини бошқара билиш (ортиқча руҳий зўриқишлардан осонлик билан халос бўла олиш, ижобий муҳитни тўғрича билиш): диққат қила билиш, кузатувчанлик, тасаввурнинг кенглиги; нутқ техникаси (нафас, овозни бошқариш, диксия, нутқ тезлиқи (темпи)).

2. **Шахс ва жамоага таъсир кўрсата билиш техникаси** таълим-тарбиянинг технологик томони билан боғлиқ бўлиб, буларда: дидактик, ташкилий, ижодийлик, муомала кўникмалари; талаб қила билиш, педагогик мулоқотни бошқара билиш, жамоатчилик ижодий фаолиятини ташкил ета билиш ва бошқалар киради.

Куйида биз педагогик техниканинг, педагогнинг одоб-ахлоқи билан боғлиқ бўлган жиҳатларини қараб чиқамиз.

Педагогик мақсадга қаратилганлик ва педагогнинг ташқи қиёфаси. Тарбиячининг ташқи қиёфаси естетик жиҳатдан кўримли бўлиши лозим. Ўқитувчи жуда ҳам башанг ва жуда ҳам пала-партиш кийинмаслиги лозим.

Унинг ташқи қиёфаси кийим-кечаклари – тарбиячи шахсини шакллантириш вазифасини ҳал етишга бўйсиндирилган бўлиши лозим. Замонавий кийиниш нормаларидан кейинда қолмаган ҳолда у ўртача меъёрга амал қилгани тузук. Тарбиячининг естетик дид билан кийиниши, унинг ўзини эркин тута билиши, нутқи, мимик ва пантомимик ҳаракатларига мос бўлиши лозим. Чунки унинг ҳар бир ҳаракати: аудиторияга қай таҳдидда кириши, стулда қандай ўтириши, юриш-туриши – барчаси тарбияланувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатади. У ўзини хотиржам, жиддий, ўрни келганда еса болаларнинг ёшига мос равишда

хушчақчақ тута билса, тарбияланувчиларга таъсири талаб даражасида бўлади.

Эмоционал ҳолатни бошқариш. Бошловчи педагог биринчи марта ўзини жуда ишончсиз сезади. Ўзига қараб турган кўзларнинг тазъийқи натижасида уни титроқ босади, нутқи узук-юлик, пала-партиш, ўзини йўқотиб қўяди. (чунки у ўз устидан кулишларидан қўрқади). Буларнинг барчаси ўқитувчидан бўлажак машғулот олдидан ўзини руҳий физиологик жиҳатдан тайёрлашни, мулоқот пайтида ўз эмоционал ҳолатини бошқара билишни талаб этади.

Ўз-ўзини бошқариш қобилиятини аниқлаш учун Б.М.Черний тузган тестдан фойдаланиш мумкин:

“**Ҳа ёки йўқ**” сўзлари билан ҳиссиёт-ҳолатингизга тегишли бўлган саволларга жавоб беринг:

- Ҳар доим хотиржам, тоқатлимисиз?
- Сизнинг таъбингиз ҳар доим тузукми?
- Аудиторияда машғулот ўтаётганда, унга диққат ва саранжомлик сизни тарк етмайдими?
- Сиз ўз ҳис-ҳаяжонингизни бошқара оласизми?
- Сиз ўз ўртоқларингиз ва яқинларингизга нисбатан диққат еътиборли ва меҳрибонмисиз?
- Сиз ўрганиш керак бўлган материални енгил ўзлаштира оласизми?
- Сизда ўзингиз халос бўлишни истаган салбий одатлар йўқми?
- Сиз қайсидир вазиятда ўзимни нотўғри тутдим, деб афсусланасизми? “**Ҳа ва йўқ**” жавобларини ҳисоблаб, хулоса чиқариш мумкин. Агар барча жавоблар ижобий бўлса, вазминлик, ўз-ўзини бошқара билиш, ёки ўзига ортиқча баҳо беришни кўрсатади. Агар барча жавоблар ёки уларнинг айримларига салбий жавоб тўғри келса, бу кишининг нотинчлиги, ўзига ишончсизлиги, ўзига танқидий қарашидан далолат беради. Аралаш жавоблар (“Ҳа” ҳам “йўқ” ҳам) ўз нуқсонларини кўра билишни кўрсатади, бу еса ўз-ўзини тарбиялаш томон биринчи қадамдир.

Ўз-ўзини бошқариш усуллари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- яхшилик, меҳрибонлик ва оптимизимни тарбиялаш;
- ўз хулқ-атворини назорат қилиш (мушак зўриқиши, ҳаракат тезлиги, нутқ, нафас олиш);
- фаолиятда дам олиш (меҳнат, мусиқа, китобхонлик, юмор, имитасион ўйинлар).

Навбатдаги усуллар организмнинг фаолиятини назорат қилишга асосланади. Хусусий қайғуришлар чуқурлигини ўзгартириш мумкин. Бунинг учун ташқи таъсир зарур бўлади. Бунга назоратни нимага қаратиш лозим? Албатта мимика, суяк мускуллари, нутқ тезлиги, нафас олишни мўтадиллаштириш лозим бўлади.

Жисмоний ва руҳий жиҳатдан организмни бўшаштириш учун аутоген машқлар (психик ўз-ўзини бошқариш) ўзига хос психофизик гимнастик машқлар бўлажак ўқитувчи учун нафас олиш ва нутқ оҳангини тарбиялашда хизмат қилувчи машқлар қаторидан жой олмоғи лозим.

Психик ўз-ўзини бошқариш ўз таркибига **релаксация** (бўшашув ҳолати) ва касбий зарур бўлган сифатларни егаллаш учун ўз-ўзини ишонтириш формулаларидан фойдаланишни қамраб олади. Бунинг учун чордона қурган ҳолда махсус формулалар ёрдамида оғирлик ва иссиқлик сезгисини организм аъзолари - қўл-оёқда ҳосил қилиш, мускулларни бўшаштириш, тинчланишни машқ қилиш мумкин. Шундан сўнг қуйидаги формула асосида қуйидагиларни овоз чиқариб айтиб ўз-ўзини у ёки бу фаолиятда сафарбар етиш мумкин:

“Мен хотиржамман. Дарсимни яхши ўтяпман. Талабалар яхши тинглашяпти. Ўзимни эркин ҳис етяпман. Мен дарсга яхши тайёрланганман. Дарс қизиқарли. Талабаларнинг барчасини биламан ва кўряпман. Мен дарсни яхши ўтаман. Менинг дарсимга талабалар қизиқишади. Мен ўзимга ишонаман, кучлиман. Мен ўзимни яхши тута оламан. Руҳиятим яхши. Ўқитиш қандай яхши. Талабалар мени ҳурмат қилишади, тинглашади ва менинг талабларимни ижро етишади. Ўқитувчилик касби менга ёқади. Мен - ўқитувчиман!”.

Бироқ педагогик фаолиятнинг бошида рўй берадиган қийинчиликларни енгиб ўтиш учун катта бардош, ирода, сабр-тоқат талаб етилишини ёддан чиқармаслик лозим.

Пантомимика. Гавда, қўл ва оёқнинг ҳаракатига - **пантомимика** дейилади. Пантомимикадан моҳир педагоглар ўз фикрларининг асосий ўрнини таъкидлаш, образ яратиш мақсадида фойдаланадилар. Ўқитувчи дарс пайтида ўқувчилар олдида тўғри туриш малакасини егаллаши керак (оёқлар оралиғи 12-15 см, бир оёқ бироз олдинга ташланган ҳолда). Унинг барча ҳаракатлари назокатли, оддий ва табиийлиги билан ажралиб туриши лозим. Гавдани тутиш естетикаси салбий одатлардан холи бўлишни талаб етади: орқа-олдга томон чайқалиш, бир оёқдан иккинчисига оғирликни ташлаш, стул суянғичини тутиш, қўлда дарсга алоқасиз буюмларни айлантириш, бош қашиш, бурун қоқиш, кулоқ кавлаш ва ҳ.к.

Унинг имо-ишоралари аниқ тушунарли, маъноли бўлмоғи лозим. Имо-ишоралар тасвирий ва психологик турларга бўлинади. Тасвирий ишоралар фикр йўналишини тасаввур етиш, чизиб бериш учун хизмат қилади. Енг муҳими психологик тестлар бўлиб, улар ҳис-ҳаяжон, туйғуларни ифодалашга хизмат қилади. Масалан, ўқитувчи тўғри жавобдан мамнунлигини бошини 3 марта оҳиста пастга егиш орқали, жавобдан қониқмаганлигини еса бошини икки томонга “сарак-сарак” қилиб чайқаш орқали ифодалаш мумкин. Шунини таъкидлаш жоизки, ишоралар айтилмоқчи бўлган фикр тўғрисида олдиндан огоҳ етиш учун ишлатилади, айтилган фикрдан кейин уларни қўллашнинг фойдаси йўқ. Ўқувчиларга айтиладиган фикр таъсирини ошириш учун олдинга қараб юриш, уларга дам бериш учун еса орқага қайтиш лозим.

Мимика. Ўз фикри, ҳиссиёти, руҳий ҳолатини ифодалаш санъатига - **мимика** дейилади. Баъзан ўқитувчи юз ифодаси у айтмоқчи бўлган сўздан ҳам кўра кучли таъсирга ега. Имо-ишора ва мимика ахборотнинг емоционал таъсир кучини ошириб яхши қабул қилишига сабаб бўлади.

Ўқувчилар ўқитувчининг фикрини унинг юз ифодасиданоқ билиб оладилар. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ўз кечинмаларини яшира олиш ҳам лозим. Юз ҳаракатлари фақатгина ўқув тарбия мақсадида қўлланилиши лозим.

Юз ифодаси бутун қиёфа каби ўзга ишонч, хайрихоҳлик, ҳукм, норозилик, хурсандлик, фахрланиш, лоқайдлик, қизиқувчанлик, хафалик кабиларни ифодалай олиши лозим. Инсоннинг барча ҳиссиётлари унинг табассумида мужассамлашган бўлади, у кишининг маънавий соғломлиги ва ахлоқий қудратини ўзида ифодалайди. Мимикани ифодаловчи деталлар - қош ва кўздир. Қошнинг юқорига кўтарилиши ҳайратланишни, чимирилиши - диққатни тўплашни, қимирлатмасдан туриш-хотиржамликни, лоқайдликни, тез ҳаракатга келишим - танг қолишни ифодалайди.

Кўз кишининг енг таъсирчан органидир. Ўқитувчи ўз юз тузилишининг имкониятларини яхшилаб ўрганиб чиқиши лозим. У ҳар бир ходисага нисбатан ўз кўз қарашлари билан ўзининг ижобий, салбий, бетараф муносабатини ифодалай билиши лозим. Унинг кўзи “олма-кесак” термаслиги, ёки “балиқ кўз” бўлмаслиги лозим.

Мана масалан, қувончли ҳолатни ифодаловчи белгилар: табассум, кўз яшнайти, ҳаддан ташқари имо-ишоралар, сўзамоллик, бошқаларга ёрдам бериш истаги кўзга ташланади.

Кўрқув белгилари: кўзлар катта-катта очилган, гавда шалпайган, қошлар бироз кўтарилган, овоз титрайди, кўз олма-кесак теради, ҳаракатлар шиддатли, гавда титрайди.

Ўқитувчининг назари ўқувчиларда бўлиши лозим. Улар орасидаги кўз алоқаси машғулотлар давомида мустаҳкамланиб бориши керак. Бироқ шуни ҳам унутмаслик лозимки, катта йиғин, митингларда сўзга чиққанда бундай алоқадан воз кечиш лозим. Чунки кўпчилик томонидан ҳосил бўладиган биомайдон нотикқа салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам оломонга худди девор ёки гулзорни кузатган каби назар ташлаган мақсадга мувофиқ бўлади: оломон биомайдони нотикқа салбий таъсир кўрсата олмайди.

Ўқитувчи нутқи - педагогик маҳорат кўзгуси сифатида

Олимларнинг ҳисоблашларига кўра ўқув учун ажратилган вақтнинг тахминан 1/4 - 1/2 қисми ўқувчиларнинг ўқитувчи нутқини ешитишлари ва тушунишлари учун сарфланади. Демак, ўқув материалининг ўқувчилар томонидан пухта ўзлаштирилиши ўқитувчи нутқининг камолоти ва ёрқинлигига боғлиқ экан.

Ҳақиқатан ҳам, А.Авлоний таъкидлаганидек “Сўз инсоннинг даража ва камоли, илм ва фазлни улуғлаб кўрсатадурғон тарозисидир. Ақл соҳиблари кишиларнинг фикр ва ниятини, илм ва қувватини, қадр ва қимматини сўзлаган сўздан билур”. Айниқса, ўқувчилар ўқитувчи талаффузи, нутқ техникасига катта еътибор берадилар. Дудук, кириш, товушга тақлид каби сўзларнинг, масалан “айтайлик”, “хўш”, “анақа”, “ўтга-бўтга”, “демак” каби сўзларнинг ўринсиз равишда кўп такрорланиши

ўқувчиларнинг енсасини қотиради. Бундай ҳол фақат ўрта мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари орасидагина эмас, балки олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари орасида ҳам учраши ачинарли ҳолдир. Масалан, собиқ иттифоқ давридаги СамДУнинг бир ўқитувчиси (муаян сабабларга кўра у кишининг исмини айтмадик) бир жуфт Семинар давомида 82 марта ҳеч бекорга “хўш” ва 172 марта “демак” сўзини ишлатган. Бундай ҳол ўқувчи ва талабаларнинг фанга бўлган кизиқишларни сўндиради.

Кишининг овози, табиати ўзгармас деган фикрларга кўшилиб бўлмайди. Ҳозирги замон физиология фаниниг далолат беришича овоз сифатини мутлақо ўзгартириш мумкин. Бу тарихий фактлар билан ҳам исботланган. Масалан, буюк нотик Демосфен ўз дудуқлигини машқ қилиш туфайли енгиб Қадимги Римнинг буюк нотифига айланган.

Ҳозирги кунда нутқ техникасига доир машқлар тизими ишлаб чиқилган. Бу тизим театр педагогикаси тажрибаларига таянади ҳамда нутқ пайтида тўғри нафас олиш, танаффуз ва диксияни сўзлаш каби кўникмалар ўқув-методик мажмуасидан ташкил топгандир. Мазкур тизимни ўзлаштирган исталган ўқитувчи ўз нутқи орқали ўқувчиларда ўзи истаган билим, кўникма ва малакаларни сингдира олади, тарбиялай олади.

Нутқни бошқаришнинг илмий асосларини қуйидагилар ташкил этади:

1. Тўғри нафас олиш.
2. Талаффуз ва диксияни созлаш.
3. Нутқ, талаффуз, диксияни пантомимик ва мимик ҳаракатлар билан уйғунлаштириш (театр педагогикаси тажрибаси асосида).

1. Тўғри нафас олиш

Нафас фақатгина инсоннинг тириклигини таъминлабгина қолмасдан нутқнинг куч берувчи базаси бўлиб ҳам ҳисобланади. Нутқ ҳосил қилувчи нафас **Фонатика** деб аталади (грекча **фоно** - **товуш**). Ҳаётда муомала диалогик тарзда кечиши нафас олишда кўп қийинчилик туғдирмайди. Бироқ дарс пайтида еса бир оз бошқачароқ: ўқитувчи узоқ вақт гапиришига тўғри келади, машқсиз нафас олиш шунда ўзини намойиш қилади: нафас олиш қийинлашиши томир уришни тезлашиши, юз қизариши кузатилади.

Нафас олиш жараёнида қандай мускуллар иштирок етишига қараб нафас олишнинг 4 хил типни фарқланади.

Юзаки нафас - олиш елкани кўтарувчи ва туширувчи, кўкрак қафаснинг юқори қисмини ҳаракатга келтирувчи мускуллар иштирокида ҳосил бўлади. Бу юзаки нафас ҳосил қилади, ўпканинг фақат юқори қисмигина фаол ҳаракат қилади.

Кўкрак нафаси - қовурғалар оралиғи мускуллари ёрдамида ҳосил қилинади. Кўкрак қафасининг кўндаланг қисми ўзгаришга учрайди. Диафрагма деярли ҳаракациз, натижада нафас чиқариш кучсиз.

Диафрагма орқали нафас олиш - кўкрак қафасининг кўндаланг ўзгариши ҳисобидан содир бўлади. Диафрагма қисқаради (бунда қовурғалар оралиғидаги нафас мускуллари қисқаради, бироқ озроқ).


Диафрагма қовурға орқали нафас олиш диафрагмаларнинг тўғридан-тўғри ва кўндаланг равишда қисқариши, қовурғалараро нафас олиш мускулларининг қисқариши натижасида юзага келади. Бу нафас олиш энг тўғри бўлиб, ундан нутқ товушини ҳосил қилиш учун фойдаланилади.

Кўкрак қафасининг кенгайиши нафас чиқариш натижасида фаол ишга киришган қовурғалараро мускулларнинг ҳаракати ўпка кенгайди ва ҳаво билан тўлади. Шундай савол туғилади - нафас олиш қандай содир бўлади?


Кўкрак қафаси диафрагмаси қисқаради ва кўтарилади ҳамда кўкрак қафасининг юқорисига таъсир этади, бу вақтда қовурғалар пастга тушади, натижада кўкрак қафасининг кўндаланг ҳажмини кичрайтиради. Кўкрак қафасининг умумий ҳажми қисқариши натижасида босим кўпаяди ва ҳаво ташқарига чиқади.

Оддий нафас бурун орқали содир бўлади: у вақт жиҳатидан қисқа ва равондир. Оддий нафаснинг формуласи: нафас олиш, чиқариш, паузадан иборат.

Буни шундай тасаввур этиш мумкин:



Бундай нафас олиш еса нутқ учун етарли эмас. Нутқда нафас чиқариш нафас олишга нисбатан чўзиқроқдир.



Бундай нафас олиш сараёнида юзага келади. Шунинг учун ҳам диафрагма, бел ҳамда қовурғалараро мускуларни ривожлантиришга доир машқлар мавжиуд. Масалан: ёнбошлаган ҳолда бурун орқали чуқур нафас олиш. Бунда ҳаво ўпканинг пастки қаватида сақланишига ётибор бермоқ даркор. Ҳавони ҳар доим пастга томон йўллаш лозим.

2. Талаффуз ҳамда диксияни созлаш

Ҳа, баъзи ўқитувчиларнинг овози табиатан берилган. Бироқ ҳар қандай овоз махсус машқсиз вақт ўтиши жараёнида бузила бошлайди. Ҳар бир кишининг овози ўзигагина хос: кучли қаттиқ ва оҳангдордир.

Овоз аппарати 3 қисмдан: **генераторли, энергетик, резаноторлик хусусиятига** ега.

Овоз генерацияси овоз тугунчалари оғиз бўшлиғидаги тўсиқларда ҳосил бўлади, натижада шовқинли товушлар юзага келади.

Резанатор тизимида халқум, бурун-халқум, оғиз бўшлиғи, нутқ ритми ва динамик ривожланишни таъминлайди.

Энергетик тизимда ташқи нафас олиш билан боғлиқ бўлиб, ҳаво тўлқинлари ва миқдорини ташкил этади, товушнинг келиб чиқишига сабаб

бўлади. Педагог нутқи кучли, узоқ масофага етиб борадиган ўзгарувчан, диапазонли (овоз ҳажми), тембри (улуғлик, ёрқинлик) бўлиши талаб этади.

Махсус илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, паст овозда тушунтириш юқори овозда нисбатан самаралироқ ўзлаштирилар экан.

Овоз бузилишлари 4 сабабга кўра содир бўлиши аниқланган:

1. Ҳар кунги овоз зўриқиши.
2. Овоз аппаратларининг заифлиги.
3. Гигиена қоидаларини билмаслик.
4. Овоз аппаратининг туғма заифлиги.

Овоз аппаратининг зўриқиши натижасида овознинг бузилиши ўқитувчилар орасида 50 % ни ташкил этади - бу баланд овоз билан гапиришнинг оқибатидир. Ўқитувчининг овозини еҳтиёт қилиши ҳақида **Абу Али Ибн Сино “Тиб қонунлари”**да асарида шундай ёзади: “Овозни йўқотмаслик, нафас олиш органларини ишдан чиқармаслик учун, аввало ўқишни паст овоз билан, кейинчалик еса аста-секин кучайтириш лозим, лекин кучли овоз билан ўқиш ҳам узоқ муддат давом етмаслиги лозим” (316-б). У яна давом етиб ёзади: ”Узоқ муддат давомида қаттиқ товуш жуда хавфлидир. Чунки бақирӣқ кўп миқдорда хавони ичга тортишни талаб қилиб, узоқ муддат товуш чиқариб туриш еса кўп миқдордаги хавони ташқарига чиқаришни талаб қилади (буларнинг ҳар иккиси ҳам хавфлидир)” - деган эди.

Диксия. Талаффузнинг аниқлиги, равшанлиги. Диксия бу ҳар бир сўз, жумлани аниқ талаффуз етишдир. Талаффузнинг аниқлиги нутқ аппаратининг софлиги, яъни созланганлигига боғлиқ. Нутқ ҳосил қилишда тил, лаб, юмшоқ танглай, кичик тил, пастки жағ фаол қатнашади. Шунинг учун уларни машқ қилдириш даркор. Бунинг учун махсус артикулацион гимнастикалардан фойдаланиш мумкин. Бундай машқлар нутқ аппаратини созлайди, ҳар бир товушни тўғри талаффуз қилишга ўргатади. Масалан, тилнинг чучуклигини машқ орқали тузатиш мумкин. Бунинг учун тил юқори танглай остига қаттиқ босилади. Гугурт чўпи билан талаффуз қилиш орқали ҳам бундай натижага еришса бўлади.

3. Нутқ, талаффуз диксиясини пантомимик ва мимик ҳаракатлар билан уйғунлаштириш

Нутқнинг чўзиқлиги, давомийлиги алоҳида сўзларнинг талаффузи, унинг ритмик тезлигини ташкил этади. Унинг тезлиги ўқитувчининг индивидуал хусусиятларига боғлиқ бўлади. Таҷрибалар шуни кўрсатадики, В-ХИ синфларда 1 минутда 60 сўз, Х синфларда 75 сўз баён қилинганда ўқувчиларнинг яхши ўзлаштиришга еришиши аниқланган.

Ўқув материалларининг мураккаб қисми, бўлимларини аста-секинлик билан, қолганларини еса ритмик тезлик билан уйғунликда тушунтирилиши лозим. Ўқувчи қанчалик ҳаяжонланса, ўқитувчи шунча секин ва хотиржам вазиятда гапириши катта самара беради. Нутқ жозибадорлиги ва бойлигини ошириш учун махсус машқлардан фойдаланиш тавсия қилинади. Булар: нафас олишни ташкил қилиш, талаффузини ўрганиш, нутқ суръатини бошқариш, овоз боғланишларини мустаҳкамлаш ва бошқалардир. Ўқитувчи нутқи тиниқ, мазмунли, жарангли, аниқ,

ўқувчилар диққатини ўзига тортадиган, фикрлашга даъват етувчи, ўқувчини тўлқинлантирувчи, унинг уйқусини келтирмайдиган бўлиши лозим.

Агар нутқ тезлигига **ритм** дейилса, унинг чўзиқ ёки қисқалик жиҳатдан муайян ўлчовга егалигига **вазн** дейилади. Масалан, шеърий асарларнинг вазни: **аруз, бармоқ, оқ шеър** кабилар.

Ўқитувчи ўз нутқини, талаффуз ва диксиясини пантомимик, мимик ҳаракатлар билан уйғунлаштира олса ва шунинг билан бирга чуқур касбий билимлар захирасига ега бўлса, бундай ўқитувчини моҳир уста, устоз ўқитувчи деб аташ мумкин.

Ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги муомала маданияти ва педагогик хамкорлик

Педагогик муомала ва унинг функциялари

Баъзи ўқитувчилар борки, улар ниҳоятда кучли билим, яхшигина нутққа ега бўлишади, бироқ ўқувчилар билан муомала қила билишмайди. Уларда ўқитувчини ешитиш сабр-тоқат малакаси етишмайди.

Мактабда 2 та бош **фигура** - **ўқитувчи** ва **ўқувчи** мавжуд бўлиб, бутун таълим-тарбия жараёнининг муваффақияти ана шу кишиларнинг муомала маданияти даражасига боғлиқ. Бироқ, ҳозирги мактаб, таълим-тарбияни демократиялаштириш жараёни бажараётган бирдаврда ҳам, биз авторитар-бюрократик, императив ёндашувни кўрамиз.

Саккиз йиллик мактаб директори “Мен ўқувчилар билан ёлғиз курашмоқдаман, лекин улар билан ҳамма курашишини истайман”, деб жаврайди, натижада болалардаги нуқсонларга эмас, балки уларнинг ўзларига қарши кураш бошлайди. Масалан, шарманда қилишга бағишланган линейка, қасам ичириш, ота-оналар орқали сиқувга олиш ва ҳ.к. Натижада икки бир-бирига қарши турувчи ўқувчилар ва ўқитувчилар лагери юзага келади. Умумий мақсадлар эмас, балки шахсий қизиқишлар учун кураш авж олади.

Ҳозирги истиқлол ва демократия шароитида таълим-тарбия жараёнини, онгли фикрлай оладиган ватан ва шахсий манфаатлари олдида масъулият сезадиган фуқарони тарбиялаш мақсадига бўйсунди.

Ўзаро қарама-қаршилиқ эмас, балки хамкорлик, инсонпарварлик билан суғорилган муносабатлар - мактабда сермахсул муомала маданиятини йўлга қўйиш орқалигина юқоридаги мақсадга еришиш мумкин.

Бу жараённи шартли равишда қуйидагича тасаввур этиш мумкин.

(1-жадвал)

Жамият	Мактаб
Жамиятни янгилаш.	Педагогик жараён иштирокчилари орасидаги муносабатларни инсонпарварлаштириш.
Демократиялаштириш.	Хамкорлик: Ўқитувчи-ўқувчи. Ўқитувчи - педагогик жамоа. Ўқувчи - ўқувчи.

Ҳамма нарса ўқитувчининг ўқувчилар билан моҳирона мақсадга мувофиқ муносабатларни ўргатишга боғлиқ, чунки бундай муносабатлар ўз навбатида ижодий мулоқотни шакллантиришга хизмат қилади.

Кўпчилик **25 % ўқитувчи** ўзининг мактабдаги етакчилик ролини англамаганлиги учун ҳамма айбни ўқувчиларнинг “тарбиясизлиги” га тўнқайди.

Муомала - педагогик фаолиятнинг муҳим касбий қуроли бўлиб, олимлар А.А.Ковалев, Н.Б.Кузмина, У.А.Кан-Калик, А.А.Леонтев, А.Н.Мудрик, А.У.Шербаковлар муомаланинг ўқитувчи фаолиятида муҳим рол ўйнашини исботлашган.

Педагогик муомала - бу ўқитувчининг ўқувчилар билан дарс ва дарсдан ташқари пайтдаги қулай психологик ҳолат яратиш мақсадида олиб борадиган касбий мулоқоти.

Педагогик муомала ижтимоий-психологик жараён сифатида қуйидаги функцияларга эга: шахсни англаш, ахборот алмашув, фаолиятни ташкил етиш, рол алмаштириш, ҳамдардлик, ўз қадрини билиш, иштирокчиларни алмаштириш, кечинмалар ҳосил қилиш, ўзида ишончни шакллантириш ва ҳақозо.

Ахборотларнинг алмашилиш функцияси материалларнинг ва маънавий сифатларни алмаштириш, таълим-тарбиявий жараёни ривожлантириш, ички ижобой ўзгаришларни ҳосил қилиш, ҳамкорликда билишга оид қидирув ҳамда онгли фикрлашга зарур шароит яратади. .

Педагогик муомала тузилиши. 1) Педагог томонидан синф билан бўладиган муомалани моделлаштириши (прагностик босқич).

2) Дастлабки ўзаро фаолиятга киришувдан оқ бевосита муомалага киришув (коммуникатив ҳуқум).

3) Педагогик жараёнда муомалани бошқарув.

4) Келажакдаги фаолиятни инобатга олган ҳолда қўлланилган муомала системаси ва моделлаштиришни таҳлил қилиш.

Нотўғри педагогик муомала ўқувчилар кўрқувини, ишончсизлигини, диққати, хотирасини бўшаштиради, билиш қобилиятини пасайтиради, мустақил фикрлашни сусайтиради ва салбий хулқ-атворини шакллантиради. Натижада ўқувчида ўқитувчи ва предметга нисбатан муносабат шаклланади. Педагогик фаолиятда ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамкорлигидаги унинг самарадорлигини таъминлайди. А.С.Макаренко ўқитувчи ва ўқувчиларнинг муносабатларида асосий нарса талабчанлик ва ҳурмат бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлаган. Сухомлинский қуйидаги маҳоратни ўқитувчи “Мактаб парталаридан айтилган ҳар бир сўз ўйлантирадиган донишмандона, мақсадга йўналтирилган, тўла маъноли бўлмоғи керак”.

Ўқитувчи муносабатида услублар

Мулоқотни 2 қисмга бўлиш мумкин: яъни муомала ва ҳамкорликдаги ҳаракатдан ташкил топади. Илмий тадқиотлар кўрсатадики, ўқитувчилар доимо ўз ўқувчилари билан эмоционал - турғун муносабатларда

бўлганлари ўқишда, хулқ-атворида нуқсонларни осойишталик билан - тенг ва ишонч асосида ҳал этади.

Ўқувчилар билан қўпол муомалада бўлган ўқитувчилар еса ўқувчилар ишончини йўқотади, тилёғламалик, ўзини кўрсатиш, синфда масхараомуз қилиқларни шакллантиришга шароит яратади. Булар ўқув-тарбиявий жараёнга таъсир кўрсатади. Тадқиқотчилар ўқитувчининг синф жамоаси билан муносабатларида 3 та услуб мавжудлигини таъкидлайди: 1. **Барқарор ижобий** (турғун); 2. **Фаол - ижобий**; 3. **Барқарор бўлмаган** (турғун бўлмаган) услуб.

Ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан бўладиган услубларини А.А.Леонтев хулосалаб, беқарор ўта салбий услубда бўлганлари ўзларига салбий муносабатни юзага келтиришни таъкидлайди. Бундай ўқитувчи мактабга ва жамиятга зиён келтиради. Муомалада ўқитувчиларнинг иш услублари 3 хил бўлади:

1. **Сўзсиз буйсунишга асосланган** услуб.

2. **Демократик** услуб.

3. **Кўнгилчанлик** услуби.

В.А.Кан-Калик алоқа услубларини тубандагиларга ажратиб кўрсатади:

- **ҳамкорликдаги** ижодий фаолият асосидаги услуби;

- **дўстликни хуш кўриш** асосидаги алоқа услуби;

- **масофа сақлаш** асосидаги алоқа ўрнатиш услуби;

- **дўғлаш, кўрқитиш** асосида алоқа ўрнатиш услуби;

- **ҳазил ёки ўйин** асосида алоқа ўрнатиш услуби;

Ш.А.Амонашвили дўстлик асосида алоқа услуби ҳақида шундай ғояни ифодалайди: (“Агар бола биздан узоқлашса қандай қилиб уни тарбиялаймиз?”).

“Фақат маънавий бирлик - бундан бошқа ҳеч нарса бу бирликни бузиши мумкин эмас”.

“Бақриш - инсоний муносабатлар маданияти йўқлигининг яққол кўриниб турган белгисидир. Ўқитувчининг бақриши болани довдиратиб, гаранг қилиб кўяди” - деган эди Сухомлинский.

Тарбиячининг болалар билан муносабатларида хушмуомалалик

Такт сўзма-сўз таржима қилинганида даҳлдорлик, алоқадорлик, тааллуқлилик маъносини билдиради. **Хушмуомалалик** иштирокчилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатларини тартибга солишга ёрдам берувчи ахлоқий мезон.

Хушмуомала хулқ-атворли педагог инсонпарварлик принципига асосланиб, енг мураккаб вазиятларда ҳам инсонни ҳурмат қилиш асосида иш тутаяди. Бу тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунида **“таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги”** таъкидланган.

Педагогик хушмуомалалик педагогнинг касб сифати яъни маҳоратининг бир бўлагидир. Педагогик назорат умумий назоратдан фарқланиб, ўқитувчи шахсининг асосий сифати бўлиб балки ўқувчига тўғри малакали ёндошишни назарда тутаяди. Шундай қилиб, педагогик

хушмуомалалик - ўқитувчининг мақсадга мувофиқ ўқувчига таъсир кўрсатиш маҳоратини белгилаб берадиган, самарали услубий алоқасидир.

К.Д.Ушинский “*Мактабда ҳазилга йўл қўйишни жиддий ҳукм суриши лозим, аммо ҳамма иш ҳазилга, ермакка, сертакаллуфликка, адолат тирноқ остидан кир излашга, яхшилик, мулойимликка, тартиб бачканаликка айланиб кетмаслиги, енг муҳими доимо ақлий фаолият ҳукмрон бўлиши керак*”, - деб таъкидлаган эди.

Ўқитувчининг ўқувчиларга қўядиган талаблари меъеридан ортиқ бўлса, тескари натижаларни меъеридан ортиқ кўнгилсизлик еса салбий натижаларни келтириб чиқариши мумкин. Ўқитувчи ўқувчини ҳурматлаб буни ўқувчиларга кўрсата олиш зарур. Ҳурмат қилиш очиқ кўнгилликни, еркалатишни, талабчанликни инкор етмайди, аксинча уни кучайтиради. Талабчанлик ўқувчи ёшининг ўртиқ бўлиши билан орттириб борилади.

Дарсда педагогик хушмуомалалик

Ўқувчилар билан ўқитувчи ўртасидаги тушунмаслигининг асосий сабабларидан бири - ўқитувчининг хушмуомала эмаслиги яъни ўқувчиларнинг ташқи кўриниши, ақлий ривожланиши, қобилиятларига қўпол равишда еътироз билдиришлари натижасида рўй беради. Баъзи ўқитувчилар синфда, кўчада, қаерда бўлмасин ўқувчиларни огоҳлантиради. Ўқитувчининг хушмуомалалиги дарснинг барча босқичларида амалга оширилиши керак. Асосий еътиборни ўқувчилар уй вазифаларини текшириш ва баҳолашга қаратиши лозим.

Бунда ўқитувчининг назорати моҳирлик билан уларнинг жавобларини тинглаши, мазмуни шакли, дуч келадиган қийинчиликлари ва бошқалар. Ўқитувчи ўқувчининг жавобидан кулимсираши, юз-қўл ҳаракатларини ўзгартириши, бошни ирғаши, изоҳ бериши, жавобни бўлиши мақсадга мувофиқ эмас.

Педагогик хушмуомалаликни ўзгартириш шартлари

Педагогик хушмуомалалик ўқитувчининг маънавий етуклик даражаси, қайсики ўз устида ишлаб, махсус билимларини орттириб бориши ва ўқувчилар билан хушмуомалалик қилиш кўникмаларини шакллантиришни талаб қилади. У аввало ёшлар руҳияти ва ҳозирги замон ўқувчиларининг хусусиятлари ҳақида педагогик маълумотга ега бўлишини талаб етади. (Албатта ўқувчиларга кўрсата олиш, болаларнинг ички хулқ-атвори).

Албатта ўқувчиларнинг таъсир кўрсатувчи кўникма ва билимлар, ўқитувчи учун жуда зарур. Булар қуйидагилардир:

- Болаларни севиш, уни ўқувчиларга кўрсата олиш, болаларнинг ички хулқ-атворини моҳиярини кўра олиш, сезиш, вазиятни мўлжал қила олиш: ўқувчиларга мақсадли таъсир кўрсатиш усулларини танлаш, болалар билан суҳбатлашиш ва ҳақозо.

Ўқитувчининг воситачилик қобилиятини ривожлантириш

Ўқитувчида тўғри алоқа усулларининг таъминланиши, педагогик одобни сақлаши, ҳар қандай фаолиятда унинг воситачилик қобилият - кўникмаларини ривожлантириш талаб қилади.

А.С.Макаренко ўқитувчининг воситачилик қобилиятини

ривожлантиришда муомаланинг илтимос шакли ҳақида “Илтимос қилиш муомаланинг бошқа турларидан шу билан фарқ қиладиган, ишни боланинг батамом ўз хоҳишига қўйиб беради. Илтимос худди шундай бўлиши ҳам керак. Бу илтимосни шундай ифода қилиш керакки, бола уни бировнинг мажбур қилиш, орқасида эмас, балки ўз ихтиёри билан бажараётгандек ҳис қилиш”- деган эди.

А.Н.Леонтев ўқитувчининг воситачилик қобилиятларига кенг тавсиф беради:

1. Ўқувчининг ижтимоий ўқиш қобилиятини билиши;
2. Ўқувчининг ташқи белгиларидан унинг руҳий ҳолатини тушуниш;
3. Ўзини ўқувчилар билан алоқа қилишга йўллаш;
4. Ўқувчилар билан нутқ ва сўзсиз боғланиш орқали нутқли алоқани самарали ташкил етиш.

Енг муҳими педагогик жараёнда ўзаро ҳамкорлик асосида ўқувчилар билан алоқа қилиш қобилиятларини йўлга қўйиши ва ташкил етиш мақсадга мувофиқ. Бу муаммоларни такомиллаштиришда А.Б.Добрович, В.Левиев, В.А.Кан-Калик сингари муаллифларнинг асарлари ёрдам беради.

Ёш ўқитувчиларга маслаҳатлар

1. Ўқувчилар билан алоқа боғлашга жамият манфаатларидан келиб чиқиб талаблар қўйиб бориш.

2. Ўқувчилар билан самарали ўзаро ҳамкорлик қилиш учун ўз шахсини улар билан тенг қўйиши.

3. Ўқитувчи ва ўқувчилараро муносабатларда ўзаро ҳурматга асосланган мақсадли алоқа ўрнатиши лозим. Ўқитувчи ҳар бир ўқувчи шахсини ҳурмат қилиши, ўз тенгдошлари орасида ўзига ишонч ҳосил қилиши ва ўқувчиларда яхши сифатларни ривожлантириши муҳим.

4. Ўқитувчи баъзан ўз мавқеини, имкониятини, ғамхўрлигини намоёни қилиши ҳам зарур.

5. Ўқитувчининг ўқувчилар билан алоқасининг самараси доимо ўқувчилар нутқ фаолиятини ўстириш, ўз нутқини ривожлантириш, фойдасиз вақт сарфини камайтириш, алоқалар сонини кўпайтириш (савол, жавоб) асосида олиб борилса мақсадга мувофиқ.

6. Арзимайдиган камгина муваффақият учун болаларни сахийларча мақташ зарур (ўқувчилар жамоасида мақташ, камчиликларни еса ўқуйсининг ўзига алоҳида айтиш).

7. Агар сиз ўқувчилар билан ишни бошлаганингиздан кейин ҳам умидли ўзгаришлар бўлмаса ҳам, уларга ўзларининг камчиликларни ва еътирозингизни айтмаслигингиз даркор. Сизнинг асосий вазифангиз - ўз мўлжалингизга ота-оналарни йўлдош қилишга ва ҳамфикр бўлишга қаратилиш керак.

8. Ёш ўқитувчи ўқувчи ёки ота-она билан ўзаро бир фикрга кела олмаслик малакаси етишмаслиги ёки бир масала тўғрисида бир фикрга кела олмаслиги, ё малакасиз суҳбатлар асосида самарага ериша олмайди. Шунинг учун суҳбат икки томонга ҳам қизиқарли бўлиши ва вазифани ҳам ўқитувчи ўзи ҳал етиши керак.

5-МАВЗУ: ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЙОТИ АСОСЛАРИ (ДИДАКТИКА)

1. Таълим жараёнининг моҳияти ва вазифалари.
2. Ўқитиш жараёнининг таълимий, тарбиявий ва ривожлантириш функциялари.
3. Таълим жараёнининг тузилиши (босқичлари).
4. Таълим жараёнида ўқитувчи фаолиятининг хусусиятлари.

“Ўз мустақил фикрига ега бўлган, ўз кучига, ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига ишонган инсон доимо келажакка ишонч билан қарайди. У жамиятдаги фикрлар хилма-хиллигидан чўчимаиди, балки замонавий билим ва фалсафий қарашларга, ҳаёт ҳақиқатига суянган ҳолда ҳар қандай зарарли ният, таҳдид ва интилишларни фож қилишига қодир бўлади”.

И.А.Каримов

Таълим жараёнининг илмий, назарий услубий ва амалий асосларини, яъни таълим, билим бериш, ўқитиш назарияси билан педагогиканинг мустақил бўлими дидактика шуғулланади. **Дидактика** – грекча сўз бўлиб, ”дидаско”, яъни ўқитиш, ўргатиш маъноларини беради. Таълим қонуниятларини ўрганиш, таҳлил қилиш жараёнида таълим тушунчаси унинг моҳияти мазмун ва вазифалари, ўқитиш принциплари, шакллари ҳақидаги билимларни баён етилади.

Таълим – инсон билиш фаолиятининг энг мураккаб турларидан бири бўлиб, индивидуал психик ривожланишни ва билимларни ўзлаштиришни анча тезлаштиради. Ўқитувчи таълим жараёнида фақат билим бериш билан чегараланмайди, балки бу жараёнда ўқувчи, талабага таъсир кўрсатади, бу еса уларнинг билим олишларини янада фаоллаштиради, натижада ўқувчи таълим жараёнининг фаол иштирокчисига айланади. Таълимдаги ютуқлар, аввало ўқитувчига боғлиқ. Мутахассис сифатида ўз фанини чуқур билиши, педагогик мулоқот устаси бўлиши, психологик-педагогик ва услубий билим ва малакаларни егаллаган бўлиши, ҳар хил педагогик вазиятларни зудлик билан ўрганиш ва баҳолаш, педагогик таъсир кўрсатишнинг мақбул усул ва воситаларини танлаб олиш қобилиятига ега бўлиши керак.

Таълимнинг асосий вазифаси шахсни илмий билимлар, кўникма ва малакалар билан қуроллантиришдан иборат. Таълим инсон билиш фаолиятининг бир тури сифатида бир неча маънони билдиради. Яъни: таълим оловчиларда билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, уларда дунёқараш, фикр ва еътиқодларни шакллантириш ҳамда уларнинг қобилиятларини ўстиришдир.

Таълим орқали ёш авлодга инсоният тажрибаси орқали тўпланган билимлар берилади, зарурий кўникма ва малакалар ҳамда еътиқодлар шакллантирилади.

Таълим ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти бўлиб, у икки томонлама характерга ега, яъни унда икки томон ўқитувчи ва ўқувчи фаол иштирок этади. Ўқитувчи аниқ мақсадни кўзлаб, режа ва дастур асосида билим, кўникма ва малакаларни сингдиради, ўқувчи еса уни фаол ўзлаштириб олади. Билдириш, билиш мураккаб, қийин, зиддиятли жараёндир. Бу жараёнда инсон психикасига тегишли сезги, идрок, тасаввур ва тафаккур каби жараёнлар фаол иштирок этади ва муҳим рол ўйнайди.

Таълим бериш, ёшларга билим бериш, уларда кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, янги ҳақиқатларни оча олишга қодир бўлган ижодий мантикий тафаккурни тарбиялашдир. Таълим ўқувчи-талабаларнинг ўзлаштириш, ўзида билиш қобилиятларини ҳамда фикрлаш операсиялари ва ҳаракатларини ҳосил қилиш жараёнидир. Бу пассив жараён эмас, балки ўқувчига номаълум фаол, ижодий фаолият, меҳнат жараёнидир. Таълим жараёнида таълим олувчи билмасликдан билишгача, нотўғри ва ноаниқ билишдан тобора тўлиқроқ ва аниқроқ, чуқурроқ билишгача бўлган йўлни босиб ўтади.

Билимларни ўзлаштириш жараёнида сезги, идрок, тасаввур, тафаккур каби психик жараёнлар фаол иштирок этади ва амалиётда синаб кўрилади.

Ўқитувчи, ўқувчи ва талабалардаги фикрлаш жараёни тўғри йўлга солиш учун амалиёт ҳар қандай билишнинг негизидир, деган қонидани ҳисобга олиши зарур.

Ўқувчи ва талабаларнинг эркин фикрлаш қобилиятини ўқув ва амалий машғулотлар ўтказиш йўли билан ўстириш лозим. Ўқувчи, талаба тафаккур жараёнида воқеликни таҳлил қилишни ва таққослашни, билимларнинг ўзлари учун тушунарли соҳаларидаги сабаб-хулосалар чиқаришни ўрганадилар, яъни оддий, сўнгра еса анча мураккаб тушунча ҳамда фикр-мулоҳазалар ҳосил қилишни билиб оладилар.

Таълимда ўқитувчи билим бериш билан чекланмайди, у ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятига ҳам раҳбарлик қилади, ўқувчиларда ишдаги мустақиллик, ижодкорлик қобилиятларини ўстиради ва шу тариқа ўрганилаётган нарсанинг онгли равишда ўзлаштириб олинишга еришилади. Материални идрок қилишлари ва тушуниб олишлари билан бирга, уни пухта еса сақлаб қолишлари тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилади.

Ўқитувчи ўқувчи-талабанинг билиш фаолиятларини ташкил қилиш мақсадида ўқув ишларини олиб борар экан, аввало таълим жараёни орқали уч вазифани, яъни билим бериш орқали уч мақсадни ҳал қилиши лозимлигини унутмаслиги керак. Бу мақсадлар ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятини бирлаштиради.

1) Таълимий мақсад – ўқув материалларининг мазмунини билиш, яъни ушбу фанга тегишли илмий билимларни ўзлаштириш ва амалиётга тадбиқ қила олишдир.

2) Тарбиявий мақсад – фан асосларини ўзлаштириш орқали унинг мазмунида ётган ғоялар, дунёқарашлар таъсирида ўзининг шахсий сифатларини, имон-эътиқодларини шакллантиришдир.

3) Ривожлантирувчи мақсад – таълим жараёни таъсирида шахснинг ақлий камолотини билиш қобилиятини, ўқишга, меҳнатга бўлган муносабатини ривожлантиришдан иборат.

Бу мақсадларни амалга ошириш натижасида ўқувчи- талабада мустақил ишлаш истеъдоди пайдо бўлади. Уни ўйлашга ўргатади, таълим жараёнида тафаккур ҳукмронлик қилади. Таълим турли босқичларда амалга ошади.

Биринчи босқич – ўқув материалларини идрок қилишдан иборат. Бунда ўқувчи-талаба таълимнинг мазмуни билан танишиб, ўзининг билиш вазифалари нималардан иборат эканини тушуниб олади. Бунда сезги, идрок, тасаввур каби жараёнлар фаол иштирок этади.

Иккинчи босқич – улар ўқув материалларини тушуниб оладилар, унинг моҳиятини англайдилар ва умумлаштирадилар. Натижада уларда янги билимлар пайдо бўлади. Бунинг учун улар анализ, синтез, таққослаш, хулоса чиқаришдан фойдаланадилар.

Учинчи босқич – янги билимлар, машқлар, мустақил ишлар, ўқитувчининг кўшимча изоҳлари орқали мустаҳкамланади.

Тўртинчи босқичда – улар ўзлаштириб олган билимларини имкониятга қараб амалиётга тадбиқ қиладилар.

Буларни билиш орқали ўқитуви таълим-тарбия жараёнини самарали бошқариши мумкин. Шунинг учун ўқув жараёнининг ҳамма босқичларида ўқитувчи етакчилик ва бошқарувчилик ролини ўйнайди. Юқоридаги фикрлардан хулоса чиқарадиган бўлсак, ўқитиш жараёни билиш фаолиятининг муҳим тармоғи сифатида қатор вазифаларни бажаради. Жумладан:

1) ўқувчи ва талабаларда билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилади;

2) уларда дунёқарашни, ишонч ва еътиқодларини ўстиради;

3) ёшларни муайян даражада ўқимишли, маданиятли, тарбияли кишилар бўлиб етишишларига, қобилият ва истеъдодларини ўстиришга еришилади.

Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал етиш учун ўқитувчида ўз касбига лаёқат бўлиши лозим. Лаёқатлилик педагогик меҳнатни муваффақиятли бажаришга кодир бўлишдир. Бу аввало, педагогик касбнинг ижтимоий роли ва заруриятини яққол тасаввур қила олишида кўринади. Бундан ташқари ўқитувчи, ўқувчига ўз фаолиятининг объекти сифатида қизиқиб қараши, унинг еҳтиёж ва хусусиятларини тушуна билиши лозим.

Бундан ташқари ўқитувчи таълим жараёнида ҳар бир ўқувчи-талабанинг билими ва тарбияланганлик даражасини аниқлай олиши ва ҳисобга олиши, ўқув материалларини тўғри танлай билиши, таҳлил қила олиши ва умумлаштира билиши педагогик маҳорат учун зарур бўлган таълим усуллари, воситалари ва шакллари мукамал билиш, ўқувчига нисбатан талабчан бўлиш педагогик вазиятга қараб улардан ўринли фойдалана олиш, таълим натижаларини дастлабки ва кейинги кўрсаткичлар билан таққослаш, таҳлил қилиш ва хулосалаш кабилар.

Хуллас, ўқитувчи кенг кўламдаги дидактик билимларга, педагогик маҳоратга ега бўлиши лозим.

Шундагина ўқитувчи, кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талаблари даражасида таълим жараёнини ташкил қилади ва бошқаради.

Таълим мазмуни. Ўқув режалари, дастурлари, дарсликлари ва касб
1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” Қонуни қабул қилинди. Бу Қонунда таъкидланишича, таълимнинг мазмуни: ҳар бир ўсиб келаётган ёш авлодни ҳаётга ва дунёвий демократик жамият бахт-саодати йўлидаги юқори унумли меҳнатига баркамол авлод қилиб тайёрлаш билан белгиланган.

Ушбу қонун фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-хунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш ва ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган.

Таълимнинг асосий мазмунини унинг вазифаларида ойдинлаштирилади. Асосий вазифаларга ақлий тарбия билан боғлиқ бўлган вазифалар киради. Бу вазифалар ичида илмий ва техникавий билимлар, ҳамда улар билан боғлиқ бўлган малака ва кўникмалар билан қуроллантириш, аждодларимиз қолдирган тарихий ва маданий қадриятларда ҳаётнинг маъноси, жамиятда инсоннинг тутган ўрни, таълим-тарбияси, одоб -ахлоқи ҳақидаги ҳикматли фикрлар борки, булар бугунги халқ таълими тараққиёти учун ва миллий мактаб яратиш борасида ёшларимизда инсонпарварлик, поклик, имон-еътиқод, мурувват, ватанпарварлик, меҳнацеварлик, миллатлараро дўстлик муносабатлари, қаҳрамонлик, мардлик сингари туйғуларини тарбиялайди.

Янги демократик жамият қуришда таълимнинг мазмуни бу жамият еҳтиёжларидан келиб чиқиб ва қуйидагиларга амал қилган ҳолда белгиланади:

- илмий билимларнинг етакчи роли тўғрисидаги қоидага;
- инсониятнинг маданий-маърифий мероси бойликларини, умуминсоний қадриятларини егаллаб олиш ҳақидаги “Миллий дастур” кўрсатмаларига;
- тарбияланувчи шахсни баркамол авлод қилиб ривожлантириш, иймон-еътиқодини, илмий дунёқарашини таркиб топтириш;
- илмий ҳаёт билан, янги демократик жамият қурилиши тажрибаси боғлиқлиги ҳақидаги қоидага;
- таълимнинг бир мақсадга қаратилганлиги (умумий ёки касбий таълим);
- таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принципларига ва дидактик принципларига мувофиқлигига амал қилинади.

Таълимнинг мазмуни ўзгарувчан, у доимо янгиланиб туради. Янги демократик жамият қураётган ҳозирги кунларда фан ва техниканинг, педагогик технологияларнинг жадал ривожланиши, халқимизнинг маданий-маърифий юксалиши туфайли бу жараён айниқса тезлашди. Бироқ материал танлаш ва таълимнинг мазмунини янгилаш дидактик муаммолар бўлиб қолмай, балки етарлича мураккаб муаммодир. Пайдо бўлаётган янги билимлар оқими учун енг муҳим, халқ таълими

вазифаларини ҳал етишда асосий аҳамиятга ега бўлган вазифаларни ажратиб кўрсатиш ва айти вақтда қандай ўқув материалларини чиқариб ташлаш ҳисобига улар дастурларга киритилишини ҳал етиш керак.

“Янги демократик жамият қураётган бизнинг мамлакатимизда таълимнинг мазмунини қуйидаги йўллар билан такомиллаштиришни назарда тутилади:

- фан ва тажрибадаги энг янги муваффақиятларни акс еттириш;
- иккинчи даражали ва ортиқча мураккаблаштирилган материалдан қутулиш;

- ўрганилаётган фанлар рўйхатини ва материаллар ҳажмини аниқлаш ҳамда ўқувчи-ёшлар, албатта, ўзлаштириб олиши керак бўлган малака ва кўникмаларнинг оптимал ҳажмини белгилаш;

- ўқув фанларига оид асосий тушунчаларни ва етакчи ғояларни жуда ҳам аниқ баён қилиш;

- ўқувчиларнинг педагогик технологиялар: компьютер, ксеркс, электрон почта ва шу каби бошқа билимлар билан қуроллантириш ҳамда уларда шу технологиялардан фойдаланиш кўникмалари ҳосил қилиш.

Бирор мақсадга қаратилганлиги бўйича умумий таълимни политехника таълими, касбий таълимдан фарқ қилиш керак.

Умумий таълим – бу ўқувчиларнинг ҳар томонлама умумий тайёргарлигини ва ривожланишини таъминловчи фан асосларини егаллаб олишдир.

Касбий таълим – инсонни ўзи танлаган, нисбатан тор йўналишдаги меҳнат фаолиятига хизмат қилади.

Политехника таълими – ўқувчиларни ҳозирги замон ишлаб чиқариши асослари, унинг энергетикаси ҳақидаги билимлар системаси билан қуроллантиришни таъминлайди, ҳамда инсон фаолиятининг турли соҳаларидаги иш операсияларини ўзлаштириб олиш учун база (асос) аҳамиятига ега бўлган бир қатор меҳнат кўникма ва малакаларини егаллаб олишни назарда тутди.

Умумий политехник ва касбий таълимнинг бирга қўшиб олиб боришигина янги демократик жамият қуришга қодир бўлган юқори малакали, онгли ва фаол заҳматкашни тайёрлашга имкон беради.

Таълим мазмуни қуйидаги давлат ҳужжатлари ва расмий ҳужжатларда ўз аксини топади:

1. *Ўқув режаси.*
2. *Ўқув дастури.*
3. *Дарслик.*

Ўқув режаси – давлат ҳужжатиدير. Унга барча умумтаълим мактаблари сўзсиз амал қилади. Бу ҳужжатда синфлар бўйича ўрганилиши лозим бўлган ўқув фанлари ва шу фанлар учун ажратилган ўқув соатлари кўрсатилади. Бу ҳужжат мактабнинг ягона ўқув режаси ҳисобланиб, у халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади. Алоҳида аниқ бир фаннинг ўқув режаси - шу фанни ўқитиш учун ажратилган соатлар ва ўқув йилининг тузилишини белгилаб берувчи давлат ҳужжатиدير.

Ўқув режасини тузишда қуйидаги омилларга асосланади:

1. Ўқув тарбия ишининг мақсади, ўқувчиларга аниқ илмий билим бериш, олган билимларини кўникмага айлантириб, уни ҳаётда қўллай олишга ўргатиш.

2. Мактаб ўқувчиларига билим бериш ёшига қараб тизимга солинади ва қоидаларга асосланади:

а) Бошланғич таълим- И-ИВ синфлар

б) Умумий ўрта таълим - В-ИХ синфлар.

д) Ўрта махсус касб-хунар таълими, академик лисейлар, касб-хунар коллежи.

Таълим тўғрисидаги Қонунга асосан академик лисей ва касб-хунар коллежининг мақоми тенглаштирилган. Уларнинг ўқувчилари ва битирувчилари олий ўқув юртига киришда ёки танланган йўналиш бўйича фаолият кўрсатишда конституциявий ҳақ-ҳуқуқларини амалга оширишда тенг ҳуқуқлидирлар. Шу билан бирга академик лисей ва касб-хунар коллежи ўз олдига қўйган мақсадлари билан бир-биридан маълум маънода фарқ қилади.

Академик лицейлар – ўқувчиларнинг қизиқишлари ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланишини, чуқурлаштирилган, ихтисослаштирилган ҳолда ўқитишни таъминлайди. Академик лисейларда ўқувчилар ўзлари танлаган йўналиши бўйича билимларини ошириш ва муайян фанлар асосларини чуқур мукамал ўзлаштириш имконига ега бўладилар. Академик лисейлар асосан олий ўқув юртлари қошида ташкил етилади.

Инсон тафаккури, ақлий салоҳияти ижтимоий бойлик ҳисобланади. Улар ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини белгилайдиган омиллардир. Шундай фарзандларимиз борки, улар умумий ўрта мактаб таълим жараёнида маълум йўналиш бўйича ўзларининг иқтидорини, истеъдодларини намоён қиладилар. Бу бойликдан оқилона фойдаланиш, уни тўғри йўналтириш катта аҳамият касб етади. Академик лисейлар айнан шу мақсадни амалга оширишга, иқтидорли, истеъдодли болаларни тарбиялашга хизмат қилади.

Касб-хунар коллежлари еса ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллигини, лаёқатларини, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, уларнинг танлаган йўналишлари бўйича бир ёки бир неча замонавий касб егаллаш имконини беради. Касб -хунар коллежлари олдинги билим юртларидан ҳам мазмунан, ҳам шаклан тубдан фарқ қилади.

Бу фарқ нималардан иборат?

Булар энг аввало ўқувчиларни ўқишга қабул қилишдан бошлаб, ўқув жараёнининг ташкил етилиши, мазмуни билан мезони ва бир нечта касб-хунар егаси, устаси, кичик_мутахассис бўлиб ўқишни тамомлашидан иборатдир. Ўқув жараёни жаҳон талабларига мос келувчи давлат таълим стандартлари, яъни замон талабларига жавоб берувчи, истиқбол ва келажакни кўзлаб ишлаб чиқилган ўқув режа ва дастурлари асосида ташкил етилади.

Касб-хунар коллежларида ўқув дастурлари олдинги ўқув босқичи - умумтаълим мактаблари ва кейинги поғонада турган олий ўқув юртлирининг ўқув дастурлари билан ўзаро муносибликда бўлиб, таълимнинг узлуксизлик ва изчиллик принципига амал қилади. Шу билан бирга коллеж педагогларининг савияси юқорилиги ва педагогик технологияларининг янгилиги билан фарқ қилади. Замонавий билим бериш учун ўқитувчиларнинг ўзи ана шундай билимга ега бўлиши керак. Шунинг учун педагог кадрларнинг обрў-еътиборини, ижтимоий мақомини, масъулиятини, малакасини оширишга ва замон талабларига мос ҳолда тайёрлашга еътибор қаратилган.

Академик лисейлар ва касб-хунар коллежларига ўқувчиларни қабул қилиш қандай амалга оширилади?

Бу умум ўрта мактабнинг 9 синфи битирувчиларининг якуний давлат аттестасияси натижасига биноан ўқувчи томонидан йиғилган Рейтинг кўрсаткичлари ҳамда педагог психологик ташҳис марказлари тавсиялари асосида ўқувчи академик лисейда ёки касб-хунар коллежининг маълум йўналишида ўқишни давлом еттириш ҳуқуқига ега бўлади.

Ўқув режасида айрим табиий фанлар, айниқса, математика, информатика, физика фанлари, айрим гуманитар фанлар бўйича ўқувчиларнинг қизиқиши ва хоҳишларини қониқтириш, қобилиятларини ривожлантириш мақсадида ўтказиладиган факультатив машғулотлар кўрсатилган бўлади.

Ўқув дастури – ҳар бир алоҳида фан учун ўқув дастури тузилади. Дастур ўқув режасига асосланади. Фаннинг мақсадидан, ўқув режаси бўйича ажратилган соат ва билим ҳажми унинг тизими мавжуд жамиятнинг ғоявий- сиёсий йўналишини ўзида акс еттирадиган давлат ҳужжатидир.

Ўқув дастурида бир синфда алоҳида фанлар бўйича ўқувчиларга бериладиган илмий билим, кўникма ва малакаларнинг ҳажми белгилаб берилади. Дастурда фаннинг мазмуни, мавзу кетма-кетлиги иккинчи мавзу биринчини тўлдириши, изчиллик билан ёритилади ва маълум мавзулар орқали кўрсатилади. Ўқув дастурида шу фан бўйича ўқувчиларга берилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар кичик мавзуларда ифодаланиб, мавзу мақсади қисқача изоҳланади.

Фаннинг мақсади ва вазифасидан келиб чиққан ҳолда йўналишлари ажратилади. Улар бобларга бўлинади. Боблар катта-катта мавзуларга, катта мавзулар еса кичик мавзуларга бўлиниб, шу мавзу юзасидан ўқувчи қанақа билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириши лозим бўлса, шу қисқача ифодаланиб берилади. Ўқув дастурининг ўзини амал қилиниши керак бўлган қоидалари мавжуд.

1. Дастурни аниқ бир ғояга асосланганлиги.

Мустақил жамиятимиз тараққиётининг тамойилларига асосланган ҳолда ислоҳ қилинган ҳар бир соҳасидаги фан, техника, ишлаб чиқариш, ижтимоий муносабатлар қирраларидаги еришилган ютуқлар даражасини илмий асосда акс еттириши лозим. Дастур узокни кўра билиш қоидаларига асосланиши керак.

2. Дастур илмийлик принципига асосланади.

Ҳар бир таълим ва тарбия ғоялари, илмий жиҳатдан текширилган, ишончли далиллар, кузатишлар, манбалар ва материаллар асосида киритилади.

3. Ўқув дастури аниқ мазмун ва мантиқ ғояларини ўзида акс еттириши лозим.

Дастурда фаннинг мақсад ва вазифалари ундаги билим асослари мисоллар ва масалалар орқали ўргатилади. Акс ҳолда ўргатилаётган билим асосларини назарий жиҳатдан тушуниш қийин бўлади.

4. Назарийёт билан амалиётнинг бирлиги принципи.

Талабалар назарий олган билимларини, амалда қўллай олиш кўникмасини шакллантириши назарда тутилади.

5. Ўқув дастурини тузишда фаннинг тарихий сабоқлари инобатга олинади.

Вақт ўтиши билан фан оламида янги-янги кашфиётлар, маълум бир илмий қонун-қоидалар пайдо бўлиб, фан такомиллашиб боради. Дастур фаннинг келажакдаги истиқболини ўзида қисқача ифодалайди.

6. Ўқув дастури ҳужжатлар ислоҳ қилинган таълим, давлат томонидан тасдиқланган режа асосида бакалавр, магистр, лисей, гимназия, коллежларга алоҳида-алоҳида тузилади.

Дарслик.

Дарслик ўқув жараёнининг асоси. Дарслик ўқувчининг уйдаги муаллими, ҳар бир фаннинг мазмуни, мақсади, вазифаси дарсликда ёритилади. Дарслик, яъни фан объектив борлиқ ўртасидаги муҳим қонуниятли боғланишларни акс еттиради. Дарсликдаги билимлар тизими ўзаро ички, мантиқий боғланишларга ега бўлиб, улар дидактика талабига мувофиқ равишда баён қилинган. Дарслик қуйидаги талабларга амал қилган ҳолда яратилади:

1. Дарсликда акс етган илмий билимлар синф ўқувчиларининг ёш хусусиятига мос келиши керак.

2. Дарсликда баён қилинган илмий билимларнинг назарий асоси, ғоялари тизимли ва изчил бўлиши талаб қилинади. Улар ҳаётдан олинган, ишонарли бўлиши лозим. Шу ҳолдагина ўқувчилардаги илмий дунёқараш, энг яхши инсоний фазилатлар таркиб топтиради.

3. Назарий билимлар ишлаб чиқариш амалиёти билан боғланган бўлиши керак.

4. Дарсликда мавзу содда, раво тилда ёзилиши, ҳамда тегишли қоида ва таърифлари берилиши керак. Дарслик ичидаги ва муқовасидаги чизилган расмлар ва безатилиши ўқувчининг ёшига мос, фаннинг характериға монанд бўлмоғи зарур.

5. Мавзулардаги фикрлар аниқ ва қисқа бўлиши, илмийликка асосланиши керак.

Таълимнинг мақсади – мустақил жамиятимиз равнақига назарий ва амалий ҳисса қўша оладиган “Баркамол авлод”ни тарбиялаш.

Таълимнинг вазифаси - ёш авлодни илмий билимлар, кўникма ва малакалар тизими билан қуроллантириш.

Дарснинг мақсади – ўқитувчининг режалаштирган аниқ бир мавзусини ўқувчиларга билдириш ва ўқувчилар ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини текшириб кўриш ҳамда янги мавзуга замин яратиш.

Дарснинг мазмуни – уни ўқитувчи томонидан режалаштирилган тугал маънога ега матн ташкил этади. Уни ўқувчилар онгига сингдириш жараёнида манбаа, хулоса ва ҳикоялардан фойдаланилади.

Дарс – ўз олдига қўйган аниқ мақсади ва тугал мазмундан иборат. Шу мақсад ва мазмун ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мос белгиланганлиги, метод ва тузилиши бўлган, қатъий дарс жадвалига мувофиқ, ўқитувчи раҳбарлиги остида, синф ўқувчиларининг ҳаммаси билан ёки ҳар бири билан индивидуал равишда ўтказиладиган илмий мулоқотнинг ташкилий формасига айтилади.

Дарс педагогик процеснинг асосий кўриниши. Дарс аниқ мақсад тугал мазмунига ега бўлиши билан бирга, ўздан олдинги ва кейинги дарслар билан узвий равишда боғланган бўлиши шарт.

Дарс турлари - дарснинг мақсади, мазмуни ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятига қараб, дарснинг тузилиши ҳар хил бўлади. Енди биз дарснинг нималигини янада равшанроқ кўрсатиб бериш мақсадида дарсларни турларга ажратамиз, саралаймиз ва уларнинг тузилиши билан танишамиз.

Улар қуйидагиларга асосан турларга ажратилади:

1. Дарсларни асосий мақсади ва мазмунига қараб турларга бўлиш;
2. Дарсларни ўқитиш процессининг анализига қараб турларга бўлиш;
3. Дарсларни тузилишига қараб турларга бўлиш.

Дарсларни турларга ажратишда биринчи қоида енг обектив ва маъқулдир. Дарснинг мазмуни дастурда кўрсатилган бўлади. Дарснинг мақсади еса, ана шу мазмунни билдиришдан ва билдирилган нарсамизга асосланиб, ўқувчиларда билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилишдан иборат. Бир дарснинг мақсади дастур материалларидан ўтиш бўлса, бошқа бир дарснинг мақсади худди шу ўтилган материалларни қайтаришдан? яна бирининг мақсади еса, ўқувчиларнинг уни қандай ўзлаштирганликларини аниқлашдан иборат бўлиши мумкин.

Тажрибадан бизга маълумки, дарснинг мақсади билан мазмуни ўртасида маълум боғланиш бўлиб, асосан улар дарснинг усулини ва тузилишини белгилайди. Шунинг учун дарсни турларга ажратганда, саралаганда дарснинг мақсади ва мазмунини асос қилиб олиш енг тўғри йўлдир. Ҳар бир дарс турига қараб ўзига хос тузилишга ега бўлади.

Дарсларни саралаш, дарс тузилишини билишимизга, ўрганишимизга ёрдам беради. Шундай экан, дарснинг тузилишини ўрганиш учун дарсларни асосий 3 турга ажрацак бўлади:

1. *Янги мавзуни ўтиш дарси;*
2. *Ўтилган мавзуни қайтариш, машқ ўтказиш дарси;*
3. *Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини текшириш ва уларга баҳо бериш дарси.*

1. Бу дарс турларининг биринчисида, яъни янги мавзуни ўтиш дарсида фақатгина янги мавзу ўтилар экан, бундай дарсда илгари ўтилган мавзуни

қайтариш, машқ қилдириш ёки ўқувчилар билимини текшириш каби ишларни қилиш мумкин эмас, деб ўйлаш нотўғри.

Янги мавзуни ўтиш дарсида янги мавзуни ўрганишдан бошқа ишларни ҳам қилиш мумкин. Лекин бу ишлар ўша дарснинг асосий ўрнини егалламаслиги, бу дарснинг бош мақсади бўлган янги мавзуни ўрганишни қулайлаштирадиган ёрдамчи восита бўлиб хизмат қилиши лозим.

Бунда фақат ўтиладиган мавзуни эмас, балки амалий суратда (лаборатория ишлари, тажриба участкалари ва бошқа амалий жойларда) ўргатиладиган, билдириладиган билимлар мажмуасини ўтишни кўзда тутати. Мавзу мақсадига кўра олинган назарий билим, амалиёт жараёнида кўникма, малакага айлантирилади. ўқувчиларнинг бу билиш категорияларини аниқлаш ва такомиллаштириш учун тажриба участкаларида, ишлаб чиқариш корхоналарида, билим масканларида, лаборатория хоналарида амалга оширилади.

Ўқувчиларга бирон назарий мавзунинг амалиётга тадбиқини ўргатганимизда, шу ишни қандай бажарилишини кўрсатамиз. Сўнг бу ишни қандай бажаришни ўқувчиларнинг ўзларига таклиф етамиз. Бу ишларни бир неча бор ўзлари секин-аста шу ишни бажаришга кўникма ҳосил қиладилар. Шундай қилиб, охирги тегишли натижага еришамиз.

2. Ўтилган мавзуни қайтариш, машқ қилдириш дарси.

Бу дарс ўтилган мавзуни қайтариш ва машқ қилдириш дарслари ўқитилган билимларнигина такрорлашдан, улар устида машқ ўтказишдангина иборат бўлмай, ўргатилган ишни қайтариш, меҳнат малакаларини берадиган машқлар ўтказишдан ҳам иборат бўлмоғи лозим.

3. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини текшириш ва уларга баҳо бериш дарси.

Бундай дарс турида ўқувчиларнинг назарий билимларини қанчалик ўзлаштирганлиги ва уни қай даражада амалиётда қўллай олиш малакаси текширилади ва баҳоланади, ўқувчиларни олган билимларини амалда қўллай олиш даражасинигина эмас. Балки биз уларни инсон сифатида қандай тарбияланаётганлиги, уларда инсон фазилатлари қай даражада шаклланиб бораётганлигини ҳам еътибордан холи қолдирмаслигимиз керак. Ўқувчи ақлий ва ахлоқий билимларни пухта егаллаб, уни ҳаётга тадбиқ ета билмаса, бу егаллаган билимлари уларни амалий жихатдан маънавий бойица, ўша ҳолатдагина биз “Баркамол авлодни тарбиялаш” дек бош мақсадимизга еришиб борамиз.

Юқоридаги уч асосий турдан бошқача бўлган яна бир хил қўшма дарслар тури ҳам мавжуд. Бу дарс турида юқоридаги саралаш нуқтаи назаридан олганда, ўқувчиларнинг ўзлаштиришини текшириш, янги мавзуни ўтиш ва уни пишиктириш учун қайтариш каби турли ишлар қўшилса ҳам лекин қўшма дарсларнинг асосини бу ишларнинг биттаси, қўшма дарсларнинг мақсадига тўлароқ жавоб бера оладиган ташкил етади, қўшма дарсдаги бошқа ишлар еса, шу асосий ишга ёрдамчилик вазифасини бажаради.

Таълим тамойиллари (принциплари)

1. Таълим тамойилларининг моҳияти.
2. Таълим тамойилларининг ўзаро боғлиқлиги.
3. Таълим тамойиллари:
 - а) таълимнинг илмий бўлиши,
 - б) таълимда назария билан амалиётни боғлиқ бўлиши,
 - с) таълимдаги онглилик ва фаол ҳаракатда бўлиш,
 - д) таълимнинг тарбияловчилик имкониятларидан фойдаланиш,
 - е) таълим жараёнининг кўрсатмали бўлиши,
 - ф) билимларни пухта ва системали ўзлаштириб олиш,
 - г) таълим жараёни ва тизимини демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш,
 - х) таълим жараёнида шахсий хусусиятларни ҳисобга олиш.

Узлуксиз таълим кадрларни тайёрлаш тизимининг асоси ва кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисмларидан бири деб, таъкидланади кадрлар тайёрлаш миллий дастурида. Узлуксиз таълим тизими ўқув-тарбия жараёнининг ҳамма босқичларини қамраб олади ҳамда ҳар томонлама етук баркамол авлодни етиштириш учун шарт-шароитлар яратади. Шу сабабли мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида узлуксиз таълимни ташкил етиш ва ривожлантиришнинг асосий тамойиллари (принциплари) белгиланади. Булар таълимнинг устуворлиги, таълимнинг демократлашуви, таълимнинг инсонпарварлашуви, таълимнинг ижтимоийлашуви, таълимнинг миллий йўналганлиги, таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, иқтидорли ёшларни аниқлаш, юқори даражада билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш кабилар. Жамият талаб қилаётган узлуксиз таълимга тегишли бу қонун-қоидалар ўқитиш, билим бериш, яъни таълим жараёнига ҳам самарали таъсир кўрсатади. Педагогикада таълимнинг илмий-назарий, услубий асослари алоҳида, яъни дидактика қисмида ўрганилади. Бу жараёнда таълим принципларига ҳам алоҳида тўхталади.

Таълим (ўқитиш) жараёни мураккаб ҳамда кўп қирралидир. Унда ўқитувчи ва ўқувчилар фаол иштирок этадилар. Бу жараённинг муваффақиятли ва самарали натижаси таълим жараёнининг қонун-қоидалари, яъни таълимга қўйилган дидактик талабларга қай даражада амал қилишларига боғлиқ.

Ўқитиш билиш фаолиятининг ажралмас қисми сифатида, инсоннинг теварак-атрофдаги дунёни билишнинг умумий қонунлари асосида содир бўлади. Шу сабабли шахсни ўқитиш, тарбиялаш, баркамол авлод қилиб етиштириш жараёнида бир бутунликда амалга ошириш зарур. Ўқитувчи қачонки таълим тамойилларидан хабардор бўлгандагина уни самарали бошқариш, ўқитишнинг самарали усулларини туғри танлаш имкониятига ега бўлади. Шунинг учун ҳам ўқитиш тамойиллари таълим жараёнининг энг муҳим масалаларини назарий ва амалий жиҳатдан тўғри ҳал қилишнинг асосий негизи ҳисобланади.

Таълим тамойиллари ўқув юртлари олдида турган улкан вазифалар асосида белгиланади. Улар ўзаро бир-бири билан мустақам боғлиқ ҳолда бир системани ташкил этади, ҳар бир дарсда дидактик тамойилларнинг

бир нечаси иштирок етиши мумкин. Улар таълим олдида турган асосий мақсадларни ҳал етишга ўз хиссасини қўшади. Таълим тизими ислоҳ қилинаётган ҳозирги жараёнда ўқувчи-талабаларга мустақам билим бериш, уларни эркин, мустақил фикрлай оладиган инсонлар қилиб тарбиялашда, таълим тамойилларининг моҳиятини чуқур англаш ва ҳаётга тадбиқ етиш муҳим муаммолардан биридир.

Ўқув юртларида бериладиган билим илмий характерга ега бўлиши фан-техниканинг сўнгги ютуқ ва кашфиётларини ўзида ифода етиши лозим. Шундай экан, ўқитувчи илм-фандаги янгиликлардан хабардор бўлиши лозим, ўқув фанлари ҳам илм-фан асосида яратилади. Ўқитишнинг илмийлик тамойиллари таълим жараёнида ўқувчи-талабаларни ҳозирги замон фан-техника тараққиёти даражасидаги илмий билимлар билан қуроллантириш, айниқса талаба ёшларни илмий-тадқиқот усуллари билан таништириб боришга қаратилган.

Илмийлик таълимнинг мазмунига ҳам, усулларига ҳам алоқадордир. Шундай экан, билим, илм-фан билан ўқув предмети ўртасида ҳамкорлик ўзаро боғлиқлик бўлишига еришиш лозим. Таълимнинг ҳамма босқичларида илмий изоҳлардан фойдаланмоқ лозим.

Назарий билимларнинг амалиёт билан, турмуш тажрибалари билан боғлаб олиб бориш таълимнинг етакчи қоидаларидан ҳисобланади. Таълим-тарбия соҳасидаги ютуқлар, енг аввало назария билан амалиётнинг ўзаро боғлиқлигига асосланади. Шундагина ўқувчи-талаба ўрганаётган ўқув материалларининг туб моҳиятини тушуниб етади ва амалиётда улардан фойдалана олади. Бунинг учун ўқитувчи таълим жараёнида ўқувчиларнинг фаол иштирок етишларига еришмоқ лозим. Фаол иштирок еса билимларни онгли, тушуниб ўзлаштиришга олиб келади.

Таълимдаги онглилик ва фаоллик, ўқувчидаги кўтаринки кайфият, кўпроқ билишга интилиш, мустақил фикрлаш ва хулосалар чиқаришга ундайди. Билимларни онгли ва фаол ўзлаштириш ўқитиш жараёнининг психологик томонларида ўз ифодасини топади.

Ўқитишда назарий билимлар қанчалик қатъий баён етилса, ўқувчи талабанинг фикр юритиши ҳам шунчалик аниқ ва равшан бўлади ва ўқув материалларини онгли ўзлаштириш даражаси ҳам ошади. Таълим тизими ислоҳ қилинаётган ҳозирги жараёнда ёшларнинг мустақил фикр юритиши, мустақил суратда билим олишга интилиши талаб қилинади. Бунинг натижасида билимларни ўзлаштириш жараёни ижодий тус олади. Бундай шароитда ўқитувчи ўқувчининг машғулотларга муносабати ва бу жараёнда ўзини қандай тутишга етибор бермоғи лозим. Ёшлардаги ўқиш истаги таълим жараёнининг зарурий ва мантиқий қисмидир. Шундай экан, таълимнинг самарадорли ўқитувчининг ўқувчиларни ўқишга изчил ва мунтазам қизиқтириб боришига боғлиқдир. Бунинг учун ўқитувчи, уларни ўқишга ижодий муносабатда бўлишга, мустақилликка, ишчанликка одатлантириши лозим.

Таълим жараёни, унинг мазмуни, унда кўтарилган ҳаётий масалалар ёшлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Шу сабабли таълим, шахс шаклланишининг асосий манбаидир.

Ўқитиб, тарбия бериш деганда бизда таълим ва тарбиянинг бир-биридан ажралмаслигини тушунамиз. Шундай экан, мактаб обрўси, ўқитувчи обрўси, аввало дарсда шаклланади. Тил ва адабиёт дарсими, математика дарсими ҳар доим уларнинг тарбиявий имкониятларини кўрабилиш, тарбия усулларидан фойдаланиш лозим.

Ўқувчи-талаба илмий билимларни ўзлаштирар экан, унинг дунёқараши ҳам, иродаси ва ахлоқий сифатлари, имон-еътиқоди ва қобилияти ҳам ўсиб ривожланиб боради.

Таълимнинг тарбиявий имкониятларидан фойдаланишда ўқитувчи аввало таълимни услубий жиҳатдан тўғри ташкил етишга, ўқув материалларининг мазмуни билан боғлиқ тарбиявий мақсадларни аниқ белгилашга ва билим олишга қизиқтира олишга боғлиқдир. Шу билан бирга, ўқитувчининг ўқувчилар олдидаги обрў-еътибори ҳам муҳим тарбиявий аҳамиятга егадир.

Ўқитиш жараёнини кўргазмали ташкил етиш зарур. Ҳам ешитиш, ҳам кўрсатиш орқали ўқув материалларини идрок қилиш, уларни онгли ва пухта ўзлаштириш, билимларни турмушдаги заруриятини англаб етишларига асос солади, диққатни барқарорлаштиради. Шунинг учун кўргазмали материаллар ўрганилаётган мавзунинг мазмунига мос келиши, ўқувчи-талабанинг ёши ва билим даражасига мувофиқлашган бўлиши, ҳамда улардан фойдаланишнинг самарали йўл ва воситаларини қўллаш ва ишлаб чиқиш лозим. Кўрсатмали материаллар ўқув предметларининг характери ва мазмунига қараб турли-туман бўлиши мумкин. Жумладан:

а) буюм ва нарсаларни асли табиий ҳолда кўрсатиш (ўсимликлар, ҳайвонлар, гербарий ва коллексиялар, лаборатория машғулотларига намоишлар, экскурсиялар чоғида кўрсатиладиган буюм, нарсалар).

б) тасвирий кўрсатмали материалларни намоиш қилиш (расмлар, фотосуратлар, диафильмлар ва диапозитивлар, кинофильмлар ва бошқалар).

в) нарса ва буюмларни шартли белгилар орқали кўрсатиш (ўқув хариталари, схема, жадвал ва макетлар).

г) овозли кўрсатмали материаллар (грампластинка, магнитофондаги ёзувлар, овозли кинофильмлар).

Билимлар турли йўл воситалари орқали пухта ўзлаштирилгандагина, у мустаҳкам еса қолади, бу еса ўқув материалларни онгли ўзлаштиришга, назария билан амалиётни боғлашга, кўрсатмалиликка амал қилишга ва билимларни такрорлаш орқали мустаҳкамлашга боғлиқдир. Таълимнинг бош мақсади еса билимларни системали ва пухта ўзлаштиришдир.

Таълим жараёнидаги муваффақиятларга фақат билим беришда ўқувчи-талабанинг ўзига хос шахсий хусусиятларини ҳисобга олганда еришиш мумкин. Шунинг учун ўқитувчида болалар психологиясидан тегишли билимлар етарли бўлиши лозим. Дарс жараёнида шу синф ўқувчиларига тегишли умумий хусусиятларни ва ҳар қайси ўқувчига тегишли хусусиятлар таълимнинг ҳар бир босқичида еътиборга олиниши даркор. Бунга еришиш учун ўқитувчи ўқувчиларни кузатиши ва уларнинг руҳий оламини ўрганиши лозим. Фақат шундагина ўқувчидаги камчиликларнинг

келиб чиқиш сабаблари аниқланади ва уларни бартараф қилиш учун изланишлар олиб борилади.

Таълим методлари ва воситалари

Таълим бериш, ҳар бир мавзунинг мағзини талабалар онгига етказиш маҳорати ўқитувчидан кўп изланишни, кўп мутола қилишни талаб қилади. Билим уммониغا бой бўлган устозгина мавзуни мағзини талабалар онгига моҳирона етказа олади. Мавзунинг мақсадига қараб, таълим методларини танлай билади.

Таълим методларидан оқилона фойдаланиб, илмий дарс ўтиш, ўқувчиларни ҳаётда ўз ўрнини топишга, онгнинг шаклланишига катта асос бўлиб хизмат қилади. Ўқитувчининг маълум фан илмини ўқувчилар онгига етказа олиш маҳорати, шу ўқувчиларни бўлғуси ҳаёт йўлларини танлашда муҳим аҳамиятга ега. Олдин баён қилганимиздек, таълимнинг моҳияти инсон камолотини шакллантиришга хизмат қилади. Таълим методи таълимнинг мақсади ва вазифаларига боғлиқ. Методлар ўқувчиларнинг ёшига, таълимнинг мазмунига ва функциясига қараб танланади. Ўқитувчи ўзининг шахсий сифатлари: комиллиги билан талабаларга ўрнак бўлиши, таълимий мақсад билан тарбиявий мақсад мутаносиблиги, фан асослари ва ғояларини чуқур билиши билан талабаларга ўрнак бўлиши талаб қилинади.

Бундай ўқитувчилардан билим олаётган талабалар нимани билиш керак эканлигини идрок қилиб берадилар. Назарий билимлар амалиётга кўчирилганда, уни аниқ ҳис қилиб, тасаввур қилиб ўзлари амалда бажарадилар, масалалар ечадилар. (Иқтисодий, математик, педогогик. Сўнгра билимлари моҳиятини тушуниб оладилар. Шу мавзу бўйича аниқ кўникмага ега бўладилар. Шу аснода бошқа фанлардан ҳам билим олиш ва амалий машғулотлар евазига уларда кўникмалари бойиб боради.

Талабалар ўзлаштириб олган билимларини имкониятларига қараб секин-аста амалиётга қўллай бошлайдилар. Талабалар билан бўлган мулоқотда, уларга билим бериш жараёнида ўқитувчи таълим-тарбия жараёнини самарали бошқариши лозим. Таълим-тарбия жараёни узвий жараёнدير. Таълим бериш жараёнида тарбиялаётганлигимизни унутмаслигимиз лозим. Сухандонлик, киноясиз сўзлаш, ўқитувчига хос кийиниш етикаси, фикрни эркин баён қилиш ва уни тамасиз етказа олиш хусусиятлари ўқувчилар учун амалий кўргазма эканлигини унутмаслик керак. Таълим беришда ўқитиш методлари асосий ўринни егаллайди.

Метод - юнонча атама бўлиб, айнан нимагадир йўл деган маънони англатади, яъни мақсадга еришиш йўлини билдиради. Методлар (усуллар)ни ҳар қандай муаммони (мақсадни) узатиш ва қабул қилиш характериға қараб қуйидаги турларға ажратиш мумкин:

Сўз орқали ифодаланадиган метод;

Кўргазмали метод;

Амалий метод.

Таълим мазмунини ўзлаштиришда ўқувчиларнинг билим савияси, ўзлаштириш қобилияти, таълим манбаи, дидактик вазифаларға қараб, муносиб равишда қуйидаги методлар қўлланилади:

- ўқитишнинг Семинар (сухбат) методи;
- ўқитишнинг амалий ишлар методи.
- Лаборатория ишлар методи.
- Мустақил ишлар методи.
- Муаммоли евристик моделлаштириш методи.
- Илмий тадқиқот методлари.
- Ўқитишнинг муаммоли-изланиш ва репродуктив методи.
- Ўқитишнинг индуктив ва дидуктив методи.
- ўқитишнинг назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш методи.

Методлар қуйидаги гуруҳчаларни ўз ичига олади:

Биринчи гуруҳ методлари: – сўз орқали узатиш ва информасияни ешитиш орқали қабул қилиш методлари (оғзаки методлар: ҳикоя, Семинар, сухбат ва бошқалар).

Иккинчи гуруҳ методлари: – ўқув информасиясини кўргазмали узатиш ва кўриш орқали қабул қилиш методлари (кўргазмали метод, тасвирий намоиш қилиш ва бошқалар).

Учинчи гуруҳ методлари: ўқув информасиясини амалий меҳнат ҳаракатлари орқали бериш (амалий методлар, машқлар, лаборатория ишлари, дастур тузиш, педагогик масалаларни ечиш, меҳнат ҳаракатлари ва бошқалар).

Таълимнинг рағбатлантириш методлари:

1. Таълимга қизиқишни рағбатлантириш методи.

2. Таълимга бурч ва масъулиятини рағбатлантириш методи.

Худди шунингдек, таълимда назорат ва ўзини-ўзи назорат қилиш методлари қуйидагилар.

1. Оғзаки назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш.

2. Ёзма назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш.

3. Лаборатория ва амалий назорат ва ўз -ўзини назорат қилиш методи.

4. Тест назорати.

Бу методлардан талабаларда билиш фаолиятини, қабул қилиш, англаш ва амалда қўллаш фаолиятини шакллантиришда фойдаланилади.

Тушунтириш ва уқтириш методи.

Ушбу тарздаги методни қўллашда ўқитувчи сўз воситасида мавзуни баён қилади ва тушунтиради. Ўқувчилар еса тинглашади, еслаб қолиш, англаб етиш орқали уни фаол қабул қилади ва ўзлаштиради

Мавзунинг асосини тушунтириш ва уқтиришда ҳикоя усулидан фойдаланилади. Ўқув материаллари мазмунини оғзаки баён қилиш, унинг асосий жойларини тушунтириш кўзда тутилади. Бу мақсадга еришиш учун, ҳикоя методини қўллаш самарали натижа беради. Бу метод орқали мавзуга хизмат қиладиган маълумот ва воқеаларни баён қилиш диққатни фаоллаштиради, хотирада сақлашни жадаллаштиради. Ҳикояни баён қилиш, уқтириш методларини самарали қўллаш шартлари: режани кунт билан ўйлаш, мавзуни ёритишнинг оқилона изчиллигини таъминлаш, мисоллар ва ҳикояларни муваффақиятли танлаш, тушунтириш ва уқтиришда зарурий эмоционалликни танлаш даркор.

Ҳикоя бир неча турга бўлиниб, ҳикоя муқаддима, ҳикоя баён, ҳикоя хулосаларга бўлиниб, улар мавзуни ёритишга хизмат қилади.

Мавзуни тушунтиришда оғзаки баён қилиш, тушунтириш ёки бирор бир лавҳани кўрсатиш, (иллюстрация)ни кўзда тутиб, ҳикоядан ўзининг ҳажми катталиги, мантикий кўйилиши, образли исботлаш ва умумлаштириш орқали мавзу мақсадига еришилади, ҳикоя қилиш мавзунинг мақсадини бир қисмига хизмат қилади.

Семинар матнини тушунтириш ва уқтириш информасияни оғзаки баён қилиш, узоқ вақт давомида диққатни тутиб туриш, тингловчиларнинг фикрлашини фаоллаштириш усуллари, исботлаш, таснифлаш, системалаштириш, умумлаштириш ва бошқа усулларидан фойдаланилади.

Тушунтириш ва уқтириш методи атрофлича ўйланган фикрлар, саволлар ёрдамида билим берилиб, у ўқувчини фактлар тизимини, янги тушунчалар ва қонуниятларни ўзлаштиришга олиб келади.

Таълимнинг муаммоли-қидирув методлари; тизимни сўз орқали ифодалаш, кўргазмали ва амалиёт методлари ёрдамида фойдаланилади. Таълимни муаммоли ўқитиш жараёнида ўқитувчи талабаларнинг билиш фаолиятини кўзғатадиган, фаоллаштирадиган, онгни чархлайдиган вазифалар беради. Талабалар мустақил ҳолда ёки ўқитувчининг ёрдамида уни ечиш, ҳал қилиш учун ижодий изланадилар. Муаммоли ўқитиш ёки муаммоли масалаларнинг ечилишини талаб қилиш ўқувчиларнинг егаллаган илмий билимларига ҳосил қилинган кўникмаларига асосланган ҳолда изланса ёки олинган билимларини хотирласа, бемалол ўзи еча оладиган қилиб тузилиш керак. Акс ҳолда, масала талабанинг улгурмаган билимларига ҳам асосланиб тузилса, у ҳолда талаба ўзига ишонмай қолади, ўзидаги билимга ишончи йўқолади, ҳар қандай илмий таълим талаба учун муаммолидир. Чунки талабага ҳозиргача номаълум бўлган янгилик билан таништиради. Муаммоли ўқитиш талабанинг фикрлаш фаолиятини ўстиради, ҳар нарсани билишга қизиқиш уйғотади. Фаҳм-фаросатли, мустақил ижод қилишга интилиш каби шахсий фазилатларини тарбиялашга ёрдам беради.

Қандай соннинг биринчи даражали ҳосиласи 1 га тенг?

Логорифм манфий асосда нима учун маънога ега эмас?

Нима учун тригонометрик функцияларнинг номи ўз жуфтини ўзгартиради?

Ёки педагогик муаммоли масалалар ечимини қарайлик.

Педагогик масала:

Ота ўз ўғлининг етуклик аттестатини олиши ва 16 ёшга тўлиши муносабати билан зиёфат берди. У ўзига ва ўғлига ҳам қадаҳ тўлдирди, ўғлини бугунги бахтли куни билан табриклар ўғлига қадаҳ узатади. Сиз оила аъзоларининг бу воқеага бўлган муносабатларини қайси бирини тўғри деб ўйлайсиз?

а) дадаси – ўғлим муборак ёшинг билан табриклайман, шу муносабат билан бир қадаҳ кўтарайлик!

б) бувиси – жон болам, сен спиртли ичимликларга ўғлингни ўргата кўрма, ҳеч қачон ичмасин, мартабаси улуғ бўлсин, бахтли бола бўлсин.

в) бобоси – майли, дадангни сўзи ерда қолмасин, дўстлари олдида изза қилма, кадаҳни уриштириб, бир ҳўплаб бера қол.

г) ойиси – ўғлим, даданг сенга кадаҳ узатиб, бу спиртли ичимликларнинг қанчалик зарарли эканлигини билиш ёки билмаслигингни синаб кўрмоқчи бўлди.

Бу тарздаги тест саволлари муаммоли тарбиявий масала, ўқувчининг ақлий ва ахлоқий билимини кенгайтиради. Онгини, тафаккурини чархлайди. Инсонларга бўлган муомала маданиятини такомиллаштиради. Шунга ўхшаш масалаларни муттасил ечиб борган, ақлий ва ахлоқий билимлар кўникмасига ега бўлган талаба комилликка еришиб боради.

Маънавий-ижодий методлар

Инсон маънавиятининг шаклланиши жуда мураккаб жараён. Инсоннинг маънавий сифатларини шакллантиришда оила, атроф-муҳит, жамият катта рол ўйнайди. Ота-онанинг меҳри, атрофдагиларнинг меҳри, уларни олқишлари болани мустақил фикрлашга ва мустақил иш бошлашга ишончини уйғотади. Устозлар, ота-оналар боладаги бу ҳаракатни, ишончни сезгандан бошлаб, уларга шароит яратиш ва уларни тўғри йўналтиришлари лозим. Ота-она ва устозлар орасидаги тарбия узвийлиги ёшларнинг шаклланишида муҳим аҳамиятга ега. Сен ўзинг уддалай оласан, бунга қурбинг етади, деб ишонтириш ва бу ишончни “Маънавий-ижодий метод” орқали амалга ошириш мумкин. Ушбу метод уч босқичда амалга оширилади:

а) ўқувчиларда билишга қизиқишни уйғота билиш;

б) ўқувчиларнинг егаллаган билимига ва тажрибасига асосланган ҳолда масала кўйиш, ҳамда уларга суяниб масалаларни таҳлил қилиш;

в) ўрганиш керак бўлган муаммо устида мустақил фикр юритиб хулоса олишга еришиш.

Юқоридаги босқичларни амалга ошириш жараёнида талабалар, инсоннинг бой хазинаси унинг ўзида яширинганлигини тушунадилар. Фақат бунинг учун ўқитувчи улардаги қизиқишни, яширинган иқтидорини англай билиши керак.

Илм олиш, одатийлик, ақлни пешлаш, ўз устида ишлаш, ҳикматларни билиш, камтарлик, маърифатли бўлиш каби фазилатларга фақат меҳнат қилиш ва билим олиш, ўқиб-ўрганиш, ҳаётни кузатиш орқали еришиш мумкин.

Ўқув Семинар методи: ўқув материални оғзаки баён қилишни кўзда тутуди, ҳикоя методидан ўзининг ҳажми катталиги, мантиқий қурилиши, умумлаштиришнинг мураккаблиги билан ажралиб туради. Семинар бутун дарс ёки машғулотни банд етади. Ҳикоя еса фақатгина унинг бир қисмини егаллайди.

Семинар давомида информасияни оғзаки баён қилиш, узоқ вақт давомида диққатни тутиб туриш, тингловчиларни фикрларини фаоллаштириш усуллари, аргументлаш, исботлаш, таснифлаш, системалаштириш, умумлаштириш ва бошқалардан фойдаланилади.

Сухбат методи: Оғзаки баён қилишнинг асосий турларидан бири. Таркибида енг кўп қўлланиладиган самарали усуллардан биридир.

Кўпинча бу усул савол-жавоб усули ҳам деб юритилади. Дарс бериш жараёнида ўтиляётган мавзу юзасидан кириш асосий ва яқунловчи қисмларда суҳбат, савол-жавоб методи қўлланилади. Суҳбат методида атрофлича ўйланган саволлар ёрдамида ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги суҳбатни кўзда тутиб, у ўқувчини фактлар тизимини янги тушунчалар ва қонуниятларни ўзлаштиришга олиб келади.

Таълимнинг кўргазмали методлари: улар шартли равишда иккига бўлинади.

1. Иллюстрация методи: – плакат, харита, доскадаги расм, олимларнинг портретлари, суратлар ва бошқаларни кўрсатишни кўзда тутаяди.

2. Намойиш қилиш методи – асбоблар, тажрибалар, техник қурилмалар, турли типдаги препаратларни намойиш қилиш билан боғлиқ. Намойиш қилиш методига боғлиқ кинофилмлар ва диафилмлар ҳам киради.

Таълимнинг амалий методлари: ёзма машқлар, она тили ва чет тили, математика ва бошқа фанлар бўйича топшириқларни бажариш машқлари киради. Худди шунингдек, лаборатория тажрибалари, устахоналарда, ўқув-ишлаб чиқариш сеҳлари, ўқувчилар бригадаларида меҳнат топшириқларини бажаришлари ҳам таълимнинг амалий методидир.

Таълим воситалари: таълим мақсадини амалга ошириш йўлида хизмат қилдираётган методларни муваффақиятли чиқишида ишлатиладиган ўқув асбобларидир. Улар иссиқлик сиғимини ўлчаш асбоби, компютерлар, ЕҲМлар, логорифм линейкаси, аппарат турлари, турли хил ўқув асбобларидан ташкил топади.

Таълим-тарбиянинг замонавий ташкилий шакллари

Таълимни ташкил этиш шакллари деганда, аниқ муддатда ва тартибда ўқитувчининг ўқувчилар билан олиб борадиган машғулот турларини тушунамиз. Ҳозирги кунда, умумтаълим мактабларида таълимни синф-дарс шаклида олиб бориш кенг тарқалган. Инсоният тарихига назар ташлар эканмиз, таълимни ташкил этиш шакллари ижтимоий тузум манфаатларига мос ҳолда пайдо бўлган ва ривожланган. Дастлабки даврларда таълим бериш ишлари одамларнинг меҳнат фаолияти, турмуш тарзи билан узвий боғланган ҳамда билим бериш, ўргатиш ишлари яқка тартибда олиб борилган.

Давр ўтиши билан кўпчиликка билим бериш еҳтиёжи пайдо бўлади. Таълим тизими мазмуни, билимларнинг мураккаблашуви, болаларни гуруҳ-гуруҳ қилиб, тўплаб ўқитишни тақозо қилган ҳамда таълим билан шуғулланувчи мутахассислар, ўқитувчи тайёрлаш заруриятини келтириб чиқарган.

Шу даврга келиб ўқитишнинг махсус ташкилий шакллари пайдо бўла бошлайди. Бунинг натижасида синф-дарс тизими пайдо бўла бошлайди. Халқ орасида ҳаётий тажрибага, билим ва тарбияга ега бўлган кишилар мураббий, ўқитувчи бўлиб фаолият кўрсатди.

Халқимиз тарихига назар ташлар эканмиз, мактаб ва мадрасаларда ёшларга билим бериш билан шуғулланганлиги “Авесто” ва бошқа тарихий

манбалардан маълум. Аммо қадим даврларда таълимни қатъий чегараланган вақтда, бир хил ёшдаги болалар билан олиб бориш, таълим мазмунини босқичма-босқич бериш масалаларига аниқлик киритилмаган эди.

Таълимнинг ташкилий масалалари Ал-Форобийнинг “Фан ва ақл заковат” асарида ўқув фанларини гуруҳларга бўлиб ўқитиш, уларнинг тарбиявий моҳиятини очиш масалаларига еътибор берилган. Педагогика тарихида, таълим ташкил етишнинг асосий шакли дарс ҳисобланган. Синф-дарс тизимини дидактик талаблар асосида яратишда буюк чех педагоги Ян Амос Коменскийнинг (1592-1670) хизматлари катта, уни синф-дарс тизимининг асосчиси сифатида бутун дунё тан олган.

Я.А.Коменский “Буюк дидактика” асарида, ўқув машғулотларини гуруҳ шаклида ташкил қилиш, ўқув йили ва ўқув кунини бир вақтда бошлаш, машғулотлар орасида танаффуслар берилишини, гуруҳлардаги болаларнинг ёши ва сони бир хил бўлишига алоҳида еътибор берди. Дарс давомида ўқувчилар диққатини тўплаш, материални батафсил тушунтириш, ўқувчига саволлар бериш, ўзлаштириш жараёнини назорат қилиш зарурлигини таъкидлайди.

Бу тарихий жараёнда Педагогика фани олдида турган муаммолардан бири таълимнинг ташкилий шаклларини самарадорлигини ошириш, айниқса, дарсни самарадорлигини ошириш билан боғлиқ илмий-назарий услубий ва амалий муаммоларни хал етувчи тадқиқотлар олиб боришда кўп ишлар қилинди. Бу борада мустақил Ўзбекистонимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда таълим тизимига янги педагогик технологиялар тадбиқ етиш билан боғлиқ ишлар қилинмоқда.

Синф деганда, ёши ва билим даражаси бир хил бўлган ўқувчилар гуруҳи тушунилади.

Дарс – аниқ мақсадни кўзлаб белгиланган вақтда бир хил ёшдаги ўқувчи, ёшлар билан ўқитувчи раҳбарлигида олиб бориладиган машғулотдир.

Дарснинг мақсади, мазмуни, ҳажми таълим стандартлари (ўқув режа, дастур, дарслик ва қўлланма) асосида белгиланади. Дарс ўқув ишларининг асосий ташкилий шакли экан, бу жараёнда қуйидагиларга амал қилиниши лозим:

1. Ҳар бир синфда ўқувчиларнинг ёши ва билим даражаси бир хил бўлиши лозим.

2. Дарс қатъий жадвал бўйича белгиланган аниқ муддатда олиб борилиши керак.

3. Дарс ўқитувчи раҳбарлигида бутун синф билан ва алоҳида ўқувчилар билан ишлаш шаклида олиб борилади.

4. Дарс, ўқув фанининг характери, ўтилаётган материалнинг мазмунига қараб турли усуллар ва воситаларда олиб борилади ва таълим тизимининг бир қисми сифатида тугалланган билим беради ва навбатдаги билимларни ўзлаштирмоқ учун замин яратади.

Шуни унутмаслик керакки, ўқув юртларида таълим ишлари фақат синф-дарс шаклида олиб борилмасдан, балки амалий машғулотлар,

тажриба ишлари шаклида ҳам олиб борилади. Бу машғулотлар синфдан ва мактабдан ташқарида факултатив машғулотлар, тўгараклар, экскурсиялар шаклида олиб борилади.

Дарс – таълимнинг асосий шакли экан, у илмий, тизимли, тушунарли, онгли ва фаол бўлиши, билимлар мустаҳкам ўзлаштирилиши, ўқувчи-талабанинг шахсий хусусиятлари еътиборга олинган ҳолда ташкил етилиши дарс олдига қатор дидактик талабларни кўяди. Жумладан:

1. Ҳар бир дарс аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда пухта режалаштирилмоғи лозим. Бу жараёнда ўқитувчи дарснинг таълими ва тарбиявий мақсадини белгилайди. Дарс босқичларини, яъни қандай бошлаш, қандай тамомлаш кўргазмали материаллардан фойдаланиш кабиларни олдиндан ҳал қилиб олади.

2. Ҳар бир дарс аниқ ғоявий, мафкуравий изланишга ега бўлиши лозим. Ўқитувчи еса улардан тарбиявий мақсадда фойдаланмоғи лозим.

3. Ҳар бир дарс мактабнинг, ижтимоий муҳитнинг имкониятини ҳисобга олган ҳолда амалиёт билан боғланмоғи, кўрсатмали воситалар билан жиҳозланмоғи лозим.

4. Ҳар бир дарс характериға мос усул, услуб ва воситалардан самарали фойдаланилган ҳолда ташкил етилиши лозим.

5. Дарс учун ажратилган соат ва дақиқаларни тежаш ва унумли фойдаланиш даркор.

6. Дарс жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи ўзаро фаол муносабатда бўлиши лозим, ўқувчи талаба пассив тингловчига айланмаслиги лозим.

7. Машғулотлар бутун синф билан ва ҳар бир ўқувчи билан, уларнинг шахсий хусусиятлари еътиборга олинган ҳолда олиб борилиш керак.

8. Дарснинг мазмуни ва характериға қараб халқимизнинг бой маънавий меросидан, маънавий кадриятларидан самарали фойдаланиш.

9. Ўтилаётган мавзунинг мазмуниға боғлиқ ҳолда мустақил юртимиздаги ўзгаришлардан ўқувчи талабаларни хабардор қилиш.

10. Дарсда Президентимиз И. Каримовнинг таълим соҳасидаги фикрлари, юртимиз келажаги бўлган ёшларимизға, фарзандларимизға қарата айтган мурожаатларидан ўз ўрнида фойдаланиш.

Таълим назарияси ва амалиётида дарс турлари ва уларнинг тузилишиға ҳам алоҳида муаммо сифатида қаралади ва ўрганилади.

Дарс билим, кўникма ва малакалар билан ўқувчиларни қуроллантиришда асосий рол ўйнайди. Шу сабабли ўқув машғулотлариға ажратилган вақтнинг асосий қисми дарс ўтиш учун сарфланади.

Таълим тизимида тажрибадан ўтган дарс турлари қуйидагилардан иборат:

1. Янги билимларни баён қилиш дарси.
2. Ўқув материалларини мустаҳкамлаш.
3. Такрорлаш ва билимларни умумлаштириш дарслари.
4. Ўқувчиларнинг ўзлаштиришини назорат қилиши ва баҳолаш дарслари.
5. Дарс турлари, уйғунлашган дарслар.

Таълим жараёнида енг кўп қўлланиладиган дарс янги билимларни баён қилиши дарсидир.

Бу дарснинг тузилиши қуйидагича :

1. Дарсни ташкил қилиш.
2. Янги билимларни баён қилиш.
3. Янги билимларни мустаҳкамлаш.
4. Янги билимлар устида машқ ўтказиш.
5. Янги билимларга боғлиқ уй машғулоти бериш.
6. Дарсни якунлаш.

Дарс турларининг ўзгариши билан дарснинг тузилишида ҳам ўзгаришлар бўлади. Масалан, дарс турлари уйғунлашган дарсларида дарснинг ҳамма элементлари мавжуддир:

1. Дарсни ташкил қилиш.
2. Уй топшириқларини бажарилишини назорат қилиш ва баҳолаш.
3. Янги мавзуни баён қилиш.
4. Янги мавзуни мустаҳкамлаш.
5. Уй топшириқлари бериш.
6. Дарсни якунлаш.

Таълим тизимида, такрорлаш ва билимларни мустаҳкамлаш дарслари ҳам кўп қўлланилади.

Ўқитувчи дастурнинг маълум бир қисми, йирик мавзулар ўтиб бўлингандан сўнг бундай дарслар уюштирилади.

Бу дарс билимларни оралиқ назорат орқали баҳолашда ҳам хизмат қилади.

Ҳар бир дарснинг муваффақияти кўп жиҳатдан машғулоти тўғри ташкил қилишга боғлиқдир. Бу даврда синфнинг тайёргарлигини синчиклаб кузатиш, болаларни дарсни тинглашга руҳий жиҳатдан тайёр эканликларини ўрганиш даркор. Шундан сўнг, маҳоратли педагог фурсатни қўлдан бермай, шогирдлари диққатни чалғитмай, дарснинг асосий қисмини бошлаб юборадилар, чунки синф ўқувчиларини тезлик билан машғулотга фаол киришишларини таъминлаш лозим. Дарс янги материални баён қилишга қаратилган бўлса, дарс мавзуси ёшон қилинади. Режада мўлжалланган ўқув материали ўтиб бўлингач, у албатта якунланиши, хулосалар чиқарилиши керак.

Дарс ўқитувчи ва ўқувчининг ижодий ҳамкорлигига асосланиши лозим. Шундагина ўқувчилар мустақил эркин фикрлай оладилар, иродалари тарбияланади. Нутқ маданияти ривожланади. Муаммоли вазият изланишлар орқали ўз йўлини топа оладилар.

Ўқув машғулотларининг синфдаги шакли дарсдан ташқари яна қўшимча қатор таълим шакллари мавжуд, бўлиб, булар амалий-тажриба машғулотлар, қўшимча дарслар, факултативлар, экскурсия кабилардир.

Булар дарсда берилган билимларни тўлдириш, мустаҳкамлаш, амалиёт билан боғлаш учун уюштирилган қўшимча машғулотлардир.

Булардан ташқари ўқув юртлари тажрибасида фан тўғараклари, ишлаб чиқариш амалиёти, ўйин шаклидаги машғулотлардан ҳам фойдаланмоқда.

Узлуксиз таълимнинг ҳамма босқичларида таълимнинг ўзига хос ташкилий шакллари мавжуд.

Жумладан: икки босқичли олий таълим тизимида ўзига хос таълим шакллари мавжуд, буларга Семинарлар, семинар ва амалий машғулотлар, кафедра ўқитувчиларининг очик Семинарларида қатнашиш, Семинар матнини тайёрлаш ва муҳокама қилиш, ўқув курслари бўйича дастурлар тайёрлаш ишлари кабилар олий таълимнинг кўп қиррали йўналишлари ва шакллари дир.

Олий таълим тизимида Семинар ўқув жараёнининг ҳам усули, ҳам шакли ҳисобланиб, у талабаларга фан асосларини оғзаки, узвий ва мунтазам сингдиришга хизмат қилади. Семинар туфайли талаба шу фаннинг моҳиятини тушуниб боради ҳамда уларни эркин фикрлашга, фан устида ўйлашга мажбур этади. Шу сабабли Семинар илмий тафаккурни ривожлантиришнинг ўзига хос мактабига айланади. Семинарни шундай ўқиш лозимки, унинг таъсирида талабаларда шу фанга унинг вазифа ва келажагига нисбатан турли қарашлар, илмий ётқиқод, ғоя ва миллий мафкура асослари шаклланин. Бунинг учун ўқитувчи ҳар бир Семинарнинг мазмунини фандаги янгиликлар билан бойитиши ва танлай билиши лозим. Семинар ижобий ҳамкорликка таяниб ташкил қилингандагина самарали натижа беради. Бунинг учун Семинар жараёнида ҳам таълимий, ҳам тарбиявий вазифаларни самарали амалга ошириш йўллاردан бири – ўқитувчи билан талабалар ўртасида дўстона, фаол муносабатларни тиклаб олинишдан иборат.

Бундан ташқари дарс ва Семинарнинг самарали натижаси ўқувчи ва талабаларнинг ўқув жараёндаги рухий ҳолатларини қай даражада ҳисобга олинишига ҳам боғлиқ. Шундай экан, таълимни самарали ташкил етиш, унинг дарс, Семинар ва бошқа шаклларида ўқитиш жараёнида ўринли фойдаланишлари учун шубҳасиз, ўқитувчининг педагогик маҳорати, педагогик маданияти, ўз предметини пухта билишлиги ва ўқувчи талабалар билан умумий тил топа олишлиги ғоят катта аҳамиятга егадир.

6-МАВЗУ: МАЪРИФИЙ ТИЗИМЛАРНИ БОШҚАРИШ

Режа:

1. Педагогик бошқариш тушунчаси.
2. Таълим тизимини бошқариш.
3. Таълим-тарбияни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари.

Халқ маорифини бошқариш давлатимиз сиёсатининг бевосита ифодасидир.

Умумий ўрта ва касб -ҳунар таълимининг ривожланиши уларнинг мақсад ҳамда вазифаларини тобора яқинлаштириб, бирлаштирмоқда.

Бошқарув органлари баркамол авлодни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишлари, етилган масалаларни ўз вақтида ва ижодий ҳал етишлари, барча ўқув юртларининг иш савияси ҳозирги замон талабларига мувофиқ оширилишини таъминлашлари керак.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишдан бош мақсад ва пировард натижа ҳар жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш, XXI аснинг эркин фикрли, ўз ватани ва халқини манфаатларига садоқатли эркин шахсларни вояга етказишда намоён бўлади. Бу мақсадга еришиш умумий демократик янгиланишлар жараёни, жамиятни эркинлаштириш, мамлакатда янги ижтимоий-сиёсий муҳитни шакллантириш билан боғлиқдир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, ҳаётга тадбиқ қилиш, ҳеч бир муболағасиз, стратегик мақсадларимиз фаровон кудратли демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишимизнинг асоси бўлмоғи лозим.

Бу барча давлат ва жамоат ташкилотлари, табиийки, енг аввало, узлуксиз таълим тизими муассасалари фаолияти мазмунини тубдан қайтадан кўриб чиқишни тақозо этадиган мураккаб жараёндир. Ижтимоий амалиёт, жамоатчилик тарбияси, таълим ва тарбиянинг аниқ мақсадга қаратилганлиги - эркин шахсни шакллантиришнинг асосини ташкил этади.

Эркинлаштириш, жамиятни маънавий янгилаш, биринчи навбатда, ёш авлод анъаналари инсонпарварлик ва демократик қадриятларни сингдириш орқали таъминланади.

Жамиятни маънавий янгилаш жараёнида, шунга асосланган ҳолда Ватан маданияти ва миллий санъатини ривожлантириш, уларнинг ютуғини хорижий мамлакатларида тарғиб ва ташвиқ этиш, ёйиш, миллий ва халқаро танловлар, кўриклар ўтказиш каби чора-тадбирларни фаоллик билан амалга ошириш айниқса, ёшлар бадиий ижодиётини янада ривожлантириш алоҳида аҳамиятга егадир. Ўзбек халқи ва унинг давлатчилик тарихи, Ўзбекистон халқларининг бадиий, фалсафий ва педагогик тафаккури шаклланиши ва ривожланиши тарихи, этнография, этногенез, адабиётшунослик, ижтимоий-гуманитар фанларнинг барча йўналишларини янги савияга кўтариш талаб қилинади. Мазкур муаммолар доирасида илмий изланишлар олиб боришнинг концептуал асослари Ўзбекистон Президентининг “Тарихий хотирасиз - келажак йўқ” рисолида чуқур таҳлил этилиб, бошлаб берилган.

Маънавий янгиланиш жараёни миллий байрамлар, урф-одатлар, ўйинлар шаклида мавжуд бўлган тараққийпарвар миллий қадрият ва анъаналарни қайта тиклаш, уларни ривожлантириш ва замонавий ҳаётга жорий этиш билан ҳам узвий боғлиқдир.

Таълим тарбия тизимига раҳбарлик қилиш принциплари.

Таълим олдида қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш таълим тизимини бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш фаолиятининг савиясига боғлиқ. Келажаги буюк жамиятнинг ривожланиш талабларидан келиб чиқиб, маорифнинг ўрни ва ролига янги авлодни тарбиялаш нуқтаи назаридан қараб, Олий Мажлис материалларида, Президентимиз Семинарларида, махсус қарорларида раҳбарликнинг юқори илмий даражада амалга ошириш зарурлигига алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Таълим тизимида илмий раҳбарлик асосларини ишлаб чиқиш педагогика учун асосий йўналишдир. Баркамол авлодни ўқитиш ва тарбиялаш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш, бу жараённинг

қонуниятларини очиб бериш, педагогика назариясининг асосий масалаларини таълим амалиётига ва фан ютуқларини назарда тутган ҳолда И.А.Каримов асарлари асосида ижодий ҳал қилиш педагогиканинг бурчидир.

И.А.Каримов ўз асарларида келажаги буюк Ўзбекистон Республикасининг органларини ташкил етиш, бошқариш ва уларнинг раҳбарлик фаолиятига доир муҳим принципларини ҳар тарафлама муфассал ишлаб чиқди.

Илмийлик ва педагогика фани амалиёт билан боғланиш принципи.

Бу принцип халқ таълими органлари ва мактабнинг ҳамма ишини Ўзбекистон Республикаси давлатининг кўрсатмаси, фан ва техника ютуқлари ҳамда ижтимоий тараққиётнинг обектив қонуниятлари асосида амалга оширишни талаб этади. Чунки идора қилиш учун ишни билиш керак. Ҳамма нарсдан хабардор бўлмасдан туриб, тўла-тўқис билимга ега бўлмасдан туриб, идора қилиш илмини билмасдан туриб, бошқариш мумкин эмас. Халқ таълими ишларини, мактаб ишини, касб-хунар коллежлари ишини ва унга раҳбарлик қилишда кўзланган мақсадларга еришиш учун миллий мафкура, миллий ғоя, педагогика, педагогика тарихи, психология, хусусий методика, мантиқ, этика ва эстетика каби фанлар еришган ютуқларни мунтазам ўрганиб бориш, таҳлил қилиш ҳамда бу муваффақиятларини кенг қўлланиши зарур.

Бошқарув муассасалари баркамол авлодни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида ягона давлат сиёсатини муттасил етилган масалаларини ўз вақтида ва ижодий ҳал етишлари, барча ўқув юртларининг иш савияси ҳозирги замон талабларига мувофиқ ошириш ишини таъминлаш керак.

Демократик марказлашган принцип.

Таълим тизимини бошқаришда марказлашган раҳбарликни кенг демократия билан мустақиллик ва ташаббускорликни ривожлантириш билан бирга қўшиб олиб бориш, ўзига хос хусусиятларни ва шарт-шароитларни ҳисобга олиш имконини беради.

Юқоридан туриб, бир хил андоза бичиб бериш демократия ва марказлашган раҳбарликка бутунлай ёт нарсадир. Барча тадбирларда, маҳаллий хусусиятларда ишга қандай муносабатда бўлиш усулларида, назоратни амалга ошириш усулларида, ҳар хил йўлларини қўлланиш асосий, муҳим бўлган бирликларни бузмайди, балки бу бирликни таъминлайди.

Илмий режалаштириш таълимнинг инсонпарварлик (тамоийллари), таълимда ёшларни шахсий ўқув қобилиятини рўёбга чиқариш ва уларни ривожлантириш ва бошқа принциплари мавжуд.

Ишлаб чиқариш ва таълим тизими.

Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўқув ишлаб чиқариш мажмуасининг (марказларини) ташкил етиш ва уларни ривожлантириш, замонавий ускуналар, аппаратлар ва асбоблар билан жиҳозлаш рағбатлантирилади, дейилади. Кадрлар тайёрлаш ва биргаликда илмий-технологик ечимлар яратишда корхоналарнинг ишлаб

чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланилади. Ишлаб чиқаришда кадрлар тайёрлаш қўллаб қувватланади.

Таълим тизимини ҳаёт билан ва мустақил Ўзбекистон давлатининг сиёсати билан боғланганлик принципи.

Таълим тизими ҳаёт билан, давлатимиз сиёсати билан боғлаш принципи Ўзбекистон мактаблари, касб-ҳунар коллежлари олдида турган барча назарий ва амалий вазифаларни ҳал етишда асосий принцип бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Бошқариш ва раҳбарлик принциплари

Ўзбекистон Республикаси мактаб ва бошқа ўқув-тарбия муассасалари барча ишлаб чиқаришнинг асосида бошқарилади.

Демократик централизм, режалилик ва илмийлик бу принципларнинг асосийсидир. Демократик централизм принципи марказлаштирилган раҳбарлик демократия, жойларда аниқ шароитларни (миллий хусусиятлар, у ёки бу ишлаб чиқариш соҳаларининг устунлиги шаҳар ёки қишлоқ, туман ва бошқалар) ҳисобга олувчи ташаббускорликнинг ривожланиши билан бирга кўшиб олиб боришни назарда тутди.

Режалилик принципи

Таълим ва тарбияга оид ишларнинг ҳаммаси юқоридан пастгача режалаштиришни билдиради. Халқ таълимининг барча соҳаларини ривожлантириш режалари тузилади, барча ўқув-тарбия муассасаларининг иш мазмуни белгиланади. Ҳар бир мактабда перспектив режа (режа камида уч йиллик), йиллик иш режаси тузилади. Йиллик режа мактабнинг ўтган йили ичидаги ишнинг таҳлилини, умумий таълимни таъминлаш (махсус мактабларда еса болаларни танлаб олиш) тадбирларини ўқув-тарбия ишларининг вазифалари ва мазмунини, ташкилий педагогик тадбирлар ва ҳоказоларни ўз ичига олади.

Директорнинг, унинг муовинларининг иш режалари алоҳида тузилади.

Илмийлик принципи

Ишнинг шундай ташкил етилишини назарда тутадикки, бунда жамият тараққиёти қонуниятлари ҳамда економика, педагогика, психология, гигиена ва бошқа соҳаларда ҳозирги замон фани ютуқлари ҳисобга олинади.

Таълим тизимини бошқаришга сиёсий ёндошиш таълим-тарбия ишларидаги ҳодиса, факт ва жараёнларга мустақил Ўзбекистон Республикаси манфаатлари нуқтаи назаридан туриб муносабатда бўлиш демакдир.

Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистон халқининг иродаси ва манфаатларини ифодалаб, келажаги буюк давлат куришга ва дадил қадамлар билан бу вазифани амалга оширишга қодир бўлган баркамол авлодга таълим-тарбия беришни таълимнинг асосий вазифаси деб ҳисоблайди. Ёшларни миллий мафкура руҳида тарбиялаш, миллий онгни шакллантириш, Президентимизнинг ҳаёти ва фаолияти тимсолида, тажрибаси негизида тарбиялаш зарур.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида Халқ таълимини кенг ёйилиши, миқдор ва сифати жиҳатидан жадал ўсиши, турли хилдаги таълим тизими

ва таълим муассасаларидан ташқари ўқув-тарбия масканларининг ишлаб туриши, таълим ва тарбия жараёнини бошқаришнинг жуда зарурлигини тақозо этади. Социал бошқариш масалалари илмий билимнинг махсус соҳаси қилиб ажратилади. Педагогик жараёнларни, ҳодисаларни ва объектларни бошқаришда педагогика қонуниятларини ҳисобга олиш зарур. Бу ҳолда педагогик бошқариш тушунчаси қўлланилади.

Барча типдаги ўқув юртлари, мактабдан ташқари муассасалар, халқ таълими бўлимлари ва бошқалар асосий бошқариш объектларига киради. Таълим-тарбияни ташкил қилиш ва бошқаришга доир ишларнинг ҳаммаси пировард натижада ягона асосий мақсадга еришишга, маълум даражада умумий маълумот даражаси ва касбий тайёргарлигига ега бўлган ҳар томонлама ривожланган ва имон-еътиқодли қилиб тарбияланган кишини таркиб топтиришга қаратилгандир. Халқ таълими тизими таркибига вазирликлар, туман халқ таълими бўлимлари, мактаблар, лисей, касб-хунар коллежлари киради.

Таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш, таълим тизимини бошқариш Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунида кўрсатиб берилган. Улар қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатларига қуйидагилар киради:

- таълим соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш;
- таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органларига раҳбарлик қилиш;
- таълимни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилаш;
- таълим муассасаларини аккредитасиядан, педагог, илмий кадрларни аттестасиядан ўтказиш тартибини белгилаш;
- бошқа давлатларнинг таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар бериш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижий давлатларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларини тан олиш ва бу ҳужжатларнинг эквивалент эканлигини қайд этиш тартибини белгилаш;
- давлат таълим стандартларини тасдиқлаш;
- давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлаш ва уларни бериш тартибини белгилаш;
- давлат грантлари миқдорини ва таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини белгилаш;
- давлат олий таълим ректорларини тайинлаш;
- таълим олувчиларни аккредитасия қилинган бир таълим муассасадан бошқасига ўтказиш тартибини белгилаш;

Таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органларининг ҳуқуқий доираси.

Таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органларининг ҳуқуқ доирасига қуйидагилар киради:

- таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқариш:
- таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий масалаларда раҳбарлик қилиш:
- давлат таълим стандартлари, мутахассисларининг билим савияси ва касб тайёргарлигига бўлган талаблар бажарилишини таъминлаш:
- давлат таълим муассасаларини молиялаш Республика ва маҳаллий бюджетлар маблағлари, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади:

Таълимни ривожлантириш фондлари.

Таълимни ривожлантириш фондлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан чет еллик юридик шахслар ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан ташкил этилиши мумкин.

Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Республикасида маорифга бевосита раҳбарлик қилади. У барча типдаги мактаблар, боғчаларга раҳбарлик қилади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги барча университетларга, касб-ҳунар коллежларига, лисейларига, билим юртларига раҳбарлик қилади. Олий ўқув юртлари учун ўқув режалари ва дастурлар ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. Халқ таълими вазирлиги “Таълим ҳақида”ги қонуннинг бажарилиши, мактабларда ўқув-тарбия жараёнининг йўлга қўйилиши, унинг моддий базаси, ўқитувчиларнинг малакаси ва катталар таълимининг ташкил этилиши учун жавоб берадилар. Халқ таълими вазирлигида турли хил ўқув-методика бўлимлар ташкил этилади. Улар педагогика жамоатчилигини халқ таълими бўлимлари ва мактабларга ёрдам беришга жалб этадилар.

Туман, халқ таълими бўлимлари ўзларига қарашли мактаблари фаолиятини, маҳаллий ва миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда назорат қиладилар.

АДАБИЁТЛАР:

1. “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1997 й, 29 август.
2. Тошмуродова Қ.А. “Таълим-тарбияни режалаштириш хусусиятлари”. 1993.
3. Турсунов Й., Нишоналиев У. Педагогика курси. Т. 1996.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.1997.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХ1 аср бўсағасида. Т. 1997.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Т.”Шарқ“. 1999.
4. Каримов И.А. “Туркистон” газетаси мухбирининг саволларига жавоблари. 1999й, 3 феврал.
5. Каримов И.А. “Миллий мафкурамиз, миллатни миллат, халқни халқ қилишга хизмат қилсин”. Т. “Тафаккур”№2. 1998.
6. Каримов И.А. Буюк келажак сари. Т. 1998.
7. Каримов И.А.Тарихий хотирасиз келажак йўқ..Т. 1998.
8. Каримов И.А. Истиклол ва маънавият. Т. 1994.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т. 1995.
10. Каримов И.А. “Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман”. Т. 2000.
11. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. Т.1999.
12. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Т. 1997.
13. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Т. 1997.
14. Ўзбекистон умумтаълим мактабларининг Концепсияси.
15. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. 1992.
16. А. Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.Т. 1996.
17. А.Р. Беруний.Рухият ва таълим-тарбия ҳақида. Т. 1992.
18. А. Иброҳимов. (муаллифдош). Ватан туйғуси. Т. 1997.
19. Кайковус. Қобуснома. Т. 1994.
20. Мунавваров А.К. Педагогика. Т. 1996.
21. Мусурмонова О. Ўқувчиларнинг маънавий маданиятини шакллантириш. Т.1993.
22. Мусурмонова О. Оила фаровонлиги – жамият тарақ-қиёти мезони. Халқ таълими жур.6-сон. 1998.
23. Маҳкамов У . Ахлоқ-одоб сабоқлари. Т. 1994.
24. А. Навоий. Махбуб ул-қулуб. Т. 1983.
25. Нишоналиев У., Турсунов И.Педагогика курси.Т. 1996.
26. Очилов М. Университетлар тизимида педагог ходимлар тайёрлаш муаммолари.”Таълим тарбия журнаלי”. 6-сон. Т. 1997.
27. Одоб бўстони- ахлоқ гулистони. Т. 1994.
28. Педагогика. (Т.А. Илина таҳрири остида). Қўлланма. М. 1984.
29. Паҳлавон Махмуд. Рубоийлар. Т. 1979.
30. Педагогика. Ўқув қулланма. Т. 1996.
31. Педагогика. Курс лексии. М. 1984.
32. Тошмуродова Қ. Таълим-тарбияни режалаштириш хусусиятлари. Т. 1993.
33. Ёдгоров Р. Оила тарбиясида отанинг ўрни. ТошДУ тўплами. 1996.
34. Узоқов Х., Ғозиев Е., Тожиев А. Оила этикаси ва психологияси. Т. 1992.

35. Ўзбек педагогикаси тарихи (қўлланма). проф. А. Зуннунов таҳрири остида. Т. 1997.
36. Ўзбегим. Ватан сериясидан. Т. 1992.
37. Ғайбуллаев Н.Р. ва бошқалар. Педагогика. Университетлар учун дастур. Т.1996.
38. Ғайбуллаев Н.Р.Таълим-тарбиянинг амалий йўналиши. Т. 1986.
39. Ғайбуллаев Н.Р. Баркамоллик, маҳсулдорлик-тараққиёт калити. Т. 1995.
40. Ғайбуллаев Н.Р. Аджи-Асманов Р., Шарапов Ш. Педагогика-реформические пути совершенствование подготовки будущих специалистов в Вузе.Т. 1991.
41. Ғозиев Е. Психология. Ўқув қўлланма. Т. 1994.
42. Ғозиев Е. Тафаккур психологияси. Т. 1990.
43. Ғозиев Е. Педагогик психология асослари.Т. 1997.
44. Ғайбуллаев Н.Р., Ёдгоров Р., Ждаркин Л.П., Тошмуродова Қ., Маматқулова Р., Ахророва З., Рўзиматов Е. Ижтимоий ислохотлар ва таълим-тарбия. Т. 1995.
45. Воспитание и развитие детей в просессе обучения.М. 1981.
46. Юсупов Е. Маънавият асослари.Т. 1998.
47. Браймон Саймон. Общество и образование. М.1989.
48. Франк В. Человек в поисках смысла. М. 1990.
49. Соклова Я. и др. Методология и методы педагогического исследования. М.1989.
50. Қаяумов А. Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино.Т. 1987.